ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

Алишер НАВОИЙ

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2014

УЎК 821.512.133-3
КБК. 84(Ўз1)-5
Н−14

Нашрга тайёрловчилар:
Солиҳ МУТАЛЛИБОВ
Эргаш ОЧИЛОВ

Навоий Алишер.
Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчилар: С. Муталлибов, Э. Очилов. — Т.: «Sharq», 2014. — 224 б.

Алишер Навоий ҳикматларига қизиқиш ҳамма даврларда ҳам юқори бўлган. Чунки шоир ижоди — ўзига хос ҳикмат бўстони: ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, аҳволи руҳиянгизга мос бирор ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлади. Ўйлаймизки, барча ёшдаги ва турли тоифадаги кенг китобхонлар оммасини мутафаккир шоирнинг ҳассос мисралари қатида яширин маъно дурлари билан ошно этишни кўзда тутган ушбу нашр ўқувчиларга бадиий-эстетик завқ бағишлаб, уларнинг маънавий-ахлоқий камолотига хизмат қилади.

УЎК 821.512.133-3
КБК. 84(Ўз1)-5

ISBN 978-9943-26-048-1

ISBN 978-9943-26-048-1

АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Биз Алишер Навоийни мутафаккир шоир деб улуғлаймиз. Мутафаккир сўзининг маъноси тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур фалсафий мушоҳада юритиш истеъдодига эга бўлган киши дегани. Бу иш ҳар қандай иқтидорли қалам аҳлининг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам дунёда шоиру ёзувчи кўп ўтган бўлсада, улардан жуда оз қисмигина бу шарафли номга лойиқ кўрилган.

Мутафаккир адиб, биринчидан, чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши, иккинчидан, ҳаёт, инсон ва умрнинг маъно-мазмуни, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ҳалол ва ҳаром, фано ва бақо, нафосат ва қабоҳат, дўстлик ва душманлик, диёнат ва хиёнат каби азалий ва абадий тушунчаларнинг моҳиятини теран англаб етиши ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қила олиши, учинчидан, фикр-мулоҳазаларини турли бадиий тасвир воситалари ёрдамида аниқ, лўнда ва таъсирчан ифодалаш маҳоратини эгаллаши керак. Бу эса ҳар юз ижодкордан биттасига насиб этадиган буюк мақом.

Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўққи, у қаламга олмаган бўлса! «Шоирнинг ҳикматлари на замону замин, на мазҳабу дин ва на ижтимоий тузуму сиёсий туркум жиҳатидан чекланган»[1]. Айтайлик, ота-онанинг фарзанд ҳаётидаги ўрни ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида шундай ёзади:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунгға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

---

[1] Рустамов А., Раҳматиллаева М. Сўз боши // Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. — Тошкент, 1985. 3-бет.

«Отангнинг қошига бошингни фидо, онангнинг бо шига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритади ган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган қуёш деб бил».

Ота-онанинг фарзанд ҳаётида тутган ўрнини ҳеч ким бундан ортиқ таърифлаб беролмаса керак: дунё учун ой билан қуёш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, фарзанд учун ота-она ҳам шунчалик қимматга эга! Чиндан ҳам, ой туфайли тун, қуёш сабабли кун ёруғ бўлганидек, ота фарзанд ҳаётининг тунини ёритса, она кунини нурга тўлдиради. Улардан бири бўлмаса, кеча-кундузнинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғидай туюлади, чунки етим кўнгилнинг бир чеккаси ёришмай тураверади-да.

Устоз ва шогирд муносабатлари хусусида фикр юритар экан, «Ҳақ йўлида кимки машаққат чекиб, сенга биргина ҳарф ўргатган бўлса, юз хазина бойлик билан ҳам унинг ҳақини адо этолмайсан», дейди:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Бу — устоз ва шогирднинг ўзаро муносабати тўғрисидаги шоирнинг фалсафий хулосаси. Дарҳақиқат, устознинг мақоми буюк — уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаганидек, устоз олдидаги шогирдлик қарзини ҳам икки дунёда узиб бўлмайди. Устоз отангдан улуғ, деган мақол бежиз айтилмаган. Бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида: «Чунки отам мени кўкдан ерга туширган бўлса, устоз ердан яна кўкка кўтарди», — деб жавоб берган экан.

Ёшларга қарата эса шундай дейди:

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қарилик чоғи сарф қилғил ани.

Аввало, ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши маълум. Қолаверса, кейин ҳаёт ташвишларига кўмилиб, илм эгаллашга фурсат ҳам, имкон ҳам қолмайди. Бора-бора, халқ таъбири билан айтганда, «хотира ҳам айтганни қилмайди».

Мутафаккир шоир инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида — жамиятга фойдали касб билан шуғулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг

оғирини енгил қилишида деб билади. Унинг халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одамни одам қаторига қўшмаслиги бежиз эмас:

Одамий эрсанг, демагил одами
Оникимъ, йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу — Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам халқ-қа қанча кўп фойданг тегса, бу нарсанинг ўзингга фойдаси кўпроқ деган ақида билан яшаган:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Халқ ҳаётини энг чуқур қатламларигача, икир-чикирларигача яхши билган, халқ оғзаки ижодидан тўла хабардор шоир ўз асарларида халқ мақол-маталлари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, кундалик турмушдан олинган ҳаётий ташбеҳларни кўп қўллайди. Ўз навбатида, замонасининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг қайси бири халқнинг ўзиники-ю, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиб бўлмайди. Мисоллар:

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

Сиҳҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.

Алишер Навоий илк девони «Бадоеъ ул-бидоя»га ёзган дебочасидаёқ адабиёт — тарбия воситаси эканлигига урғу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: «Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай

ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай»[1]. Шундан кейин ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Айни жиҳатдан шоир мероси — маънавий-ахлоқий тарбиянинг кучли қуролларидан бири. Инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч ким Навоийдек ҳадди аълосида куйламаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, илм ва ҳунарни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, миллатнинг оғирини елкага олиш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсадан баланд қўйиш ва ҳоказо.

Навоий барчадан талаб этган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кўпки, уларни бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам лофи билан алоҳида китоб ёзиш керак бўлади. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўгит-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Аслида Шарқ халқлари қадим ул-айёмдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртаклари донишманд ота-боболаримиз битта ҳикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шоҳидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Луқмони ҳакимдан: «Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат?» — деди сўраганида, у ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат берган эканки, барча пайғамбарлар ҳам унинг панд-насиҳатларига муҳтож бўлган эканлар». Шунинг учун ҳам Шарқда дидак-

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. 1-жилд. — Тошкент, 1987. 21-бет.

тик адабиёт ривожланган. Бу ўринда «Калила ва Димна», «Қобуснома», Шайх Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларини эслашнинг ўзи кифоя. Панд-насиҳат мумтоз адабиётимизнинг қат-қатига сингиб, унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган.

Алишер Навоий ижоди абадий барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат, вафо, дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижанолик, яхшилик каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик, зулмзўрлик, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, ёлғон, тама, хасислик сингари иллатларни кескин танқид қилган. Инсоният жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилаверади.

Алишер Навоий кўп қиррали теран фикрларни лўнда ва аниқ шаклда ифодалайди, ўз фикрининг таъсирчанлигини ошириш учун ҳаётий ташбеҳлар топади. Фикр, нарса ва ҳолатни ё ўхшашига нисбат бериш, ё зиддига қиёслаш орқали ибратли хулоса чиқаради. Чунончи:

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.

Бу ерда шоир ўз фикрини қарама-қарши қўйиш — тазод санъати орқали ифодаламоқда: ҳозир бутун дунё тама қулига айланган, агар сен тамани тарк этсанг, оламдаги барча одамлар бир тарафу сенинг ёлғиз ўзинг бир тараф бўласанки, бу ниҳоятда улуғ ишдир.

Қуйидаги ҳикмат эса ташбеҳ — ўхшатиш асосига қурилган: бир синиқ кўнгилни кўтариш Каъбани обод қилишга тенглаштирилади:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Бу тасаввуфдаги кўнгилни улуғлаш анъаналарига бориб тақалади. Кўнгилнинг ҳамма нарса, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилишининг сабаби шундаки, тасаввуфда Оллоҳдан кейин кўнгил туради. Тўғри, Каъ-ба — Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирий, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи — инсоннинг кўнгли. Дунё ва нафс ғуборларидан покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилваланади. Шунинг учун ҳам Умар Хайём лойдан бино қилинган юзта Каъба битта кўнгилнинг ўрнини босолмайди, деган. Навоий ҳам «Ҳайрат ул-аброр» достонида оламнинг қибласи бўлишига қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасичалик қадри йўқ, деб луфт этади:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгул каъбаси.

Навоий олам ва одам моҳияти ҳақида кўп бош қотирган, тириклик ва ўлим сабаблари устида муттасил мулоҳаза юритган, инсон ҳаётининг мақсади, маъно-мазмуни хусусида бир умр ўйлаган, табиат ва жамият сирларини ўзича ечишга интилган. Унинг чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба, олимона теран тафаккур ва шоирона ўткир нигоҳ билан уйғунлашган фикр-мулоҳазалари, фалсафий хулосалари ҳикмат каби жаранглаши шундан. Чунончи, шоир оламнинг яратилиши тўғрисидаги кўп йиллик мушоҳадаларининг натижаси сифатида дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламнинг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканлигидандир, деган теран ва ҳаққоний бир фикрни баён этади:

Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдандур, хато кўрсам.

Дунё отлиғ Ёсуман ҳарчанд Фарҳоддек асл одамларни жувонмарг қилувчи бўлмасин, Хусрав каби нокаслар ҳам ундан вафо умид қилиши хатодир, чунки ҳаёт тегирмони навбати билан яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз комига тортади. Умар Хайём айтганидек, бош-қалар ўлиб, ўзингнинг тирик юрганингга мағрур бўлмаки, бир куни албатта сенинг ҳам галинг келади:

Даҳр золи нечаким Фарҳодкушдур, турфа кўр —
Ким, хатодур тутса гар андин Парвез кўз.

Бу ерда «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг Хусрав ёллаган Ёсуман макри билан ўлдирилганлигига ишора қилинаяпти. Ҳолбуки, биламизки, Хусравнинг қувончи ҳам узоққа бормайди — Шириннинг васлига етолмай, ўғли Шеруя томонидан ўлдирилади. Ўз навбатида, падаркуш Шеруя ҳам олти ой ўтмай, ажал шарбатини тотади. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, фарқ шундаки, «Қурбон олдин кетар, жаллод кейинроқ».

Халқдан бошингга ҳар қанча жабру жафо ёғилмасин, мен учун бошқа халқ ярат дейиш жоиз эмас, чунки еру кўкнинг Парвардигори нимани қандай яратишни ўзи билади. Нима, сен Худодан ҳам дономисанки, ундай қилиш керак эди — бундай қилиш керак эди, деб маслаҳат берасан. Айни нуқтаи назардан қараганда, дунё мукаммал эмас дейиш ҳам қайсидир маънода Яратувчига таъна қилиш ҳисобланади, бундай ҳаракатнинг гуноҳ эканлиги шубҳасиз. Аввалу охирни билгувчи улуғ зот дунёни ҳозирги ҳолатида яратибдими, шуни маъқул кўрган — бунда Худонинг нимани кўзда тутганини эртага не бўлишини билмайдиган бандалар қаердан билсин:

Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳаққа
Деса бўлмас, менинг учун яна бир халқ ярот.

Навоий умрни шамолга ўхшатади: ҳар қанча югуриб, шамолга етиб бўлмагани сингари, шиддатли умр оқимини ҳам тўхтатиб туриш мумкин эмас. Шундай экан, қўлингдан келганча уни шод-хуррам ўтказ, токи сўнгги лаҳзада бу олам айвонини афсусу надомат билан тарк этма:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб.

Бошқа бир ғазалида изтироб билан ёзганидай, гуллаган ёшлик бўстонини ҳарчанд игнабанд девор билан ўраб олма, кексалик қўшини — куз барибир унга бостириб киради:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстонидир. Ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, аҳволи руҳиянгизга мос бир ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши шубҳасиз. Чунки кўпни кўрган донишманд шоир ҳаётнинг деярли ҳамма яхши-ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълининг бутун «ўру қир»ини обдан кузатган, табиат ва жамият ҳодисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарса-тушунчаларни ақл тарозисида ўлчаб, кўнгил дафтарига дарж этган. Шоир ҳикматлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак эканлиги учун ҳам бирор-бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмай, барча тоифага маъқул бўлиб келаяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг қиммати заррача камаймайди, билъакс тобора ортиб бораверади.

«Мозийға қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар»,— деб ёзган эди машҳур адиб Абдулла Қодирий. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ҳам кейинги йилларда халқимиз кўнглидан жой олган асарларни «Аср ошган асарлар», «Сиз соғинган асарлар», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари» каби рукнлар остида қайта нашр этиб, адабиёт мухлисларини хурсанд қилмоқда. Эътиборингизга ҳавола этилаётган Алишер Навоийнинг «Ҳикматлар» тўплами ана шу эзгу йўлдаги интилишларнинг яна бир намунаси.

Алишер Навоий ҳикматларига қизиқиш ҳамма даврларда ҳам юқори бўлган. Бу ҳикматлар Собиржон Иброҳимов, Солиҳ Муталлибов, Ҳоди Зариф, Ҳамид Сулаймон, Алибек Рустамов, Марям Раҳматиллаева, Хайрулла Исматуллаев ва бошқалар томонидан 1939, 1941, 1947, 1948, 1961, 1968, 1985, 1991, 1998, 1999 йилларда «Навоий афоризмлари», «Афоризмлар», «Ҳикматлар», «Ҳикматли сўзлар», «Алишер Навоий ҳикматларидан» номлари билан нашр қилиниб келган. Мирзааҳмад Азаматов тузган «Ҳикматлар гулдастаси» (1982), Бўривой Аҳмедов тайёрлаган «Аждодлар ўгити» (1991), Ҳамиджон Ҳоми-

дий ва Маҳмуд Ҳасанийлар тартиб берган «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» (1997) китобларида ҳам шоир ҳикматларидан кўплаб намуналар берилган. Ушбу нашрга улуғ шоирнинг таниқли шарқшунос олим С. Муталлибов томонидан тайёрланиб, 1941 йили босилиб чиққан «Афоризмлар» тўплами асос бўлди[1]. Айрим жузъий тузатишларни айтмаганда, биз С. Муталлибов табдилларини айнан қолдирдик. Чунки улар катта билимдонлик билан амалга оширилган. Фақат ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати нуқтаи назаридан баъзи имловий тузатишлар қилишга журъат этдик. Бу нашрнинг афзаллиги шундаки, унда ҳикматлар алифбо тартибида берилиб, аввал уларнинг асл матни, кейин ҳозирги ўзбек тилига табдили келтирилади. Бу усул ҳикматлар мазмунини теран тушуниш, муаллиф фикрлари моҳиятига чуқур кириб боришга имкон яратади. Чунки Навоий яшаган давр билан бизнинг замонамиз орасида 500 йилдан ортиқ вақт масофаси ётади. Бу узоқ муддат давомида тилимиз анча-мунча ўзгаришга учрагани, ривожлангани, бойигани табиий. Натижада, ҳозирги ўқувчилар Навоий асарларини ўқишга қийналадилар. Шунинг учун шоир асарлари ҳамиша шарҳу изоҳлар билан нашр этилади. Ҳатто «Хамса» достонлари ва «Лисон ут-тайр»нинг нас-рий баёнлари ҳам амалга оширилган. Мақсад — На-воийни халққа яқинлаштириш, замонамизга хизмат қилдириш.

Навоий ҳикматлари ҳозиргача икки усулда: 1) алифбо тартибида ва 2) мавзусига кўра нашр қилиниб келмоқда. Бизнингча, ҳар икки усул ҳам ўз афзалликларига эга. Чунончи, ҳикматлар алифбо тартибида нашр этилганда, у ёки бу ҳикматнинг биринчи мисраси ёки сўзини эсласангиз бас, қолганини алифбо асосида китобдан топиб оласиз.

Навоий ҳикматлари матнини беришда ҳам икки хил усул қўлланаяпти: 1) қадим туркий, форсий ва арабий сўз ва ибораларга матн ости ёки китоб сўнгида изоҳ берган ҳолда ҳикматларни асл нусхасида келтириш; 2) асл матни остида ҳикматларнинг табдили (нас-рий баёни)ни бериш. Бизнингча, шоир асарларини асл нусхада ўқиб завқланишга мойил мутахассислар, зиёлилар ва диди баланд китобхонлар учун Навоий ҳикматларини

[1] Бу ҳикматларни тўплашга А. Азизов, А. Муталлибов, З. Холматов, М. Исҳоқов, С. Иброҳимов, С. Мирзаевлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

шарҳу изоҳлар билан асл ҳолида нашр этган, кенг ўқувчилар оммаси учун эса уларни табдили (насрий баёни) билан чоп қилган маъқул. Бунда улар ҳам муаллиф мисралари ортида яширинган фикрларни бутун маъно қирралари билан тушуниб оладилар, ҳам буюк сўз санъаткорининг ҳассос қалами остидан чиққан сатрларни ўқиб, бадиий-эстетик завқ оладилар.

Албатта, биз бу тўпламни ҳеч бир ўзгаришсиз айнан нашр этишимиз ҳам мумкин эди. Лекин ўтган ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида Алишер Навоий ижодини ўрганиш бўйича катта ютуқлар қўлга киритилди, унинг XX жилдлик Мукаммал асарлар тўплами нашр этилди. Ҳолбуки, 1941 йилгача шоир асарлари ҳали тўла топилмаган ва нашр этилмаган эди. Шунга мувофиқ, мазкур тўпламдан унинг кўпгина машҳур ҳикматлари ҳам ўрин олмаган. Бу нарса ўз-ўзидан тўпламни бир қадар тўлдириб, бугунги кун ўқувчиси эҳтиёжини қондирадиган даражада нашр этишни тақозо қиладики, биз шу асосда иш кўрдик. Биз қўшган ҳикматлар С. Муталлибов тўплаган ҳикматлардан ке-йин юлдузча ( ) билан ажратилган ҳолда илова қилинди. Бунда биз шоирнинг XX жилдлик Мукаммал асарлар тўплами, С. Муталлибов тайёрлаган «Ҳикматлар» (1968), А. Рустамов ва М. Раҳматиллаевалар тузган «Ҳикматли сўзлар» (1985), шунингдек, М. Азаматов тартиб берган «Ҳикматлар гулдастаси» (1982) тўпламларидан у ёки бу даражада фойдаландик. Шу билан бирга, бир қатор янги ҳикматлар ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинмоқдаки, биз уларни шоирнинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлари, «Назм ул-жавоҳир», «Арбаин» каби асарлари ичидан териб олдик. Ўйлаймизки, барча ёшдаги ва турли тоифадаги кенг китобхонлар оммасини Алишер Навоийнинг ҳассос мисралари қатида яширин маъно дурлари билан ошно этишни мақсад қилган ушбу нашр замондошларимизга бадиий-эстетик завқ бағишлаб, уларнинг маънавий-ахлоқий камолотига хизмат қилади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Агар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анга буғдой ўрмоқнинг имкони йўқ.

Арпа сочган деҳқоннинг буғдой ўриши мумкин эмас.

Агар берса ўз жайби ичра маҳал,
Ўзи қатлиғадур танобиь ажал.

[Илонни] ўз ёнида (чўнтагида) сақловчилар (душмандан эҳтиёт бўлмаганлар), ўз ўлимлари учун сиртмоқ ҳозирловчилардир.

Агар дирам била бўлса зарарни қайтармоқ,
Хатодурур киши, ул ишда айламак татил.

Агар зарарни пул орқали қайтармоқ мумкин экан, бу ишда совуққонлик қилган киши катта хато қилган бўлади.

Агар золимга йўқдур шоҳдин бок,
Эрур ул хушдилу, мазлум ғамнок.

Агар золимлар шоҳдан қўрқмаса, улар ҳар вақт хурсанд, мазлумлар эса, доимо ғамда бўлади.

Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Кўрар ҳар неким, зоҳир этди ҳамон.

Ёмонлик қилган киши, ўзи ҳам ёмонлик кўради.

Агар нафъдин бўлса махзан йироқ,
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ.

Фойда етказишдан узоқ бўлган хазина жавоҳирларидан қора тош яхши.

Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассан.

* * *

Агар тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур,
Аммо сўзни сийпамоқ бошга офатдур.

* * *

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишини киши.

Кишининг иши тўғрилик бўлгач, бу унинг учун энг яхши мақтовдир.

Агар яхшилик кимга афъолдур,
Жазоси анинг ганжи иқболдур.

Яхши табиатли кишилар бахт хазинасига эришадилар.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзингдин керакдир шикоят санга.

Халқ сени ҳимоя қилмаса, унинг учун сен халқдан ўпка қилма, ўзингдан ўпка қил.

Агар қўй бўри хайли помолидур,
Яқин билки, чўбонға ит ҳолидур.

Агар қўйлар бўрига оёқости бўлсалар, аниқ билки, чўпон ҳам қўй қўриган ит ҳолига тушар.

Адолат қилурнинг тониб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адув олатин.

Мамлакатда адолат ўрнатмоқчи бўлган киши халқнинг душманга қарши мудофаа қуролини кучайтирсин.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

* * *

Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуқки, топди талқини хирад.

Ақлли бўлмаган кексадан, ақлли ёш яхши.

Андинки нафс комидур, нафсоният мақомидур.

Шахсий манфаатини илгари сурувчи киши — душманлик ўчоғидир.

Англағил аҳбоб қадринким, алар бўлмай не нафъ,
Гар сенга афлок авжи узра тахти жоҳдур.

Дўстлар қадрини билиш керак. Агар мартабанг кўк қадар бўлса-ю, дўстларинг бўлмаса, у даражанинг нима фойдаси бор.

Арсада шатранжни улким тўкар,
Неча ёғоч порчасидурким, ўкар.

Шатранж доналарини тартибли термай, унинг тахтасига тўкишнинг бир қанча ёғочни бир ерга тўплашдан фарқи йўқдир (Ҳар бир ишда маълум тартиб бўлиши зарур).

Атласу зарбофт аро нодон анингдек маҳв эрур,
Ким хатои сафҳада сабт ўлди афшонлар аро.

Олтин нақшлик саҳифага ёзилган хато сўз билинмагани каби, зарбоф тўнлар ичидаги нодоннинг ҳам нодонлиги яширин қолади.

Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ ул —
Агар йўқдир анинг ёнида миннат.

Бировларга бир нарса бериш яхши иш, агар берувчи берганини миннат қилмаса, яна ҳам яхши.

Аҳли ҳимматро зи ноҳамворийи гардун чи бок?
Сайри анжумро чи ғам, к-он дар замин жўю жараст.

Ҳиммат аҳлига осмоннинг бир текис эмаслигидан нима қўрқинч, юлдузларнинг юришига ердаги ариқлар ва жарлардан нима ғам?

Ақл, к-аз ишқ гурезад, чи таажжуб бошад?
Пири ақл аст бари ишқ чу тифли мактаб.

Ишқ келганда ақл қочса, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, чунки ишқ олдида ақл пири мактаб боласи каби бўлиб қолади.

Аз рўзгор чун нарасад ғайри тафриқа,
Будан асири тафриқаи рўзгор чист?

Дунё хаёлингни паришон қилишдан бошқасига ярамайди. Бинобарин, бу паришонликка асир бўлишдан нима наф?

Аз авоми тираи пурҳирси дуньё дур бош,
Гар ҳамехоҳи, ки гардад сад машаққат аз ту рафъ.

Юз бир машаққат сендан узоқ бўлишини истасанг, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйган очкўз оломондан узоқлаш.

Агар ишқ дардидин менга юз минг уқубатдур,
Вале ҳамдардсизлиғ андин ортуғроқ суубатдур.

Агар ишқ дарди туфайли менга юз минг уқубат юзланган бўлса, бир ҳамдардим йўқлиги ундан ортиқроқ азоб бўлди.

Аблаҳ ани билки, оламдин бақо қилғай тамаъ,
Аҳмақ улким, олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ.

Бу оламдан бақо умид қилганни нодон деб бил, олам аҳлидан вафо умид қилганни аҳмоқ.

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойин,
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин.

Ақлу ҳикмат кишига шундай зебу зийнат бағишлайдики, бу давлатга ҳар қандай нафспарасту худбин етолмайди.

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз,
Ўзни қарилиқ меҳнатидин қўрқутунгуз,
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

Эй дўстлар, йигитлик чоғини ғанимат тутинг, ўзингизни қарилик қайғу-ҳасрати билан қўрқитинг. Адовату ҳасад иллатини тарк этинг, шу тариқа ҳар хил нарсалар билан бу ўткинчи дунёда ўзингизни бир неча муддат овутинг.

Анингким, шоҳларға хизмати хўбрак, қўрқунчи кўпрак.

Ким шоҳларга қанча кўп хизмат қилса, ҳаёти шунча хавф остида бўлади.

Афтодалиғ била хўй тут ва шикасталиғ била кўнгулни овут.

Камсуқумликни одат қил ва хокисорлик билан кўнгилни овут.

Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма.

Зарур жойда гапир, зарурати бўлмаганда ўзингнинг нотиқлигингни намойиш қилма.

Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур вале эштур —
Қулоққа ёқмаса, манъиға танбеҳ айламак бўлмас.
Эшак савти Каломуллоҳда келди анкар ул-асвот,
Анинг савтиға тақрибу таҳоший истамак бўлмас.

Агар нодон бемаҳал валдираса, қулоққа ёқмаса ҳам, насиҳат билан уни тўхтатиб бўлмайди. Каломуллоҳда эшакнинг ҳанграши дунёдаги энг ёқимсиз овоз дейилган, лекин минг ҳазар қилган билан, яқинингда экан, унинг овозидан қочиб қутулиш имконсиз.

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.

Эй Навоий, айшу ишрат ҳар қанча ёқимли бўлмасин, лекин одоб билан ҳаё ундан яхшироқдир.

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

Адолат айлаки, халқ ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши киши адолатни касб қилиб олади. Ҳукмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳукмронлик ва адолатни бирга олиб борган маъқул.

Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатға саҳоб ўлди ҳаё,
Мазмум хасоилга ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айниға гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

Ҳаё улуғлик осмонининг энг чўққисига юксалган қуёшдир. Саодат бўстони устидаги саховат булутидир. Лекин у баъзида ёмон сифатларни яшириб, эл кўзига тутилган ниқоб вазифасини бажаради.

Асли мақсуд соридур йўл суҳбат,
Фархунда кишики, топқай ўшул суҳбат,

Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

Суҳбат аслида мақсадга олиб борадиган йўл ҳисобланади. Бундай суҳбатга бахтли киши муяссар бўлади. Яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, бу сени ҳар қандай ёмонликлардан асрайди.

Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

Агарчи тилни тийиш киши учун қийин бўлса-да, унга эрк бериш бошга бало келтиради.

Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким,
Ҳашр бозорида беқийматдурур мундоқ матоъ.

Кафанликка деб катон (каноплан тўқилган мато) олиб қўйиш, яъни ўлимликка деб нарса йиғишнинг фойдаси йўқ, чунки охират бозорида мол-дунё ҳеч қандай қийматга эга эмас.

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин —
Ким, буларға гадолиғ ортуғдур
Аҳли суратқа подшолиғдин.

Маъно аҳли даврасида гадо эканлигингдан сира ор айлама, чунки уларга гадолик сурат аҳлига подшо бўлишдан афзал.

Авлиё поясиғадур етмак,
Топмаса шукру топса базл этмак.

Авлиё мақомига етиш топмаса шукр, топса эҳсон қилиш деганидир.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким муътарифдурмен,
Ўзин яхши тасаввур айлаган мендин ёмон эрмиш.

Агар мен ёмон эканман, буни ўзим ҳам тан оламан, лекин ўзини яхши деб тасаввур қилганлар мендан ҳам ёмон эмиш.

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа, майли, беандоза бўлғай.

Ўқувчилар учун ноанъанавий бўлса-да, янги нарсани шеърга сол, оҳорли фикр айт.

Агар шоҳ, агар гадодур одамизод,
Эмас бўйни қазо ҳукмидин озод.

Киши хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, тақдир ҳукмига қарши чора тополмайди.

... аждаҳони ишқ этар мўр.

Ишқ қошида аждаҳо чумолига айланади.

Ани сахий англағил, эй ҳушманд —
Ким, ани давлат қилибон сарбаланд,
Ҳоли агар яхшидурур, гар табоҳ,
Кимсадин тамаъ этмас молу жоҳ.

Эй оқил, толе мақомини баланд қилиб, ҳоли хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, бировдан молу дунё тама этмайдиган кишинигина сахий деб бил.

Агар юз қатла булбул чексун афғон,
Баҳор ўлмай, гул очилмоқ на имкон.

* * *

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,
Муътамад эл раъйидин иста кушод.

Ўз фикру ўйингга кўп ҳам эътиқод қўйма, одамларнинг тажрибадан ўтган тадбирларига ҳам мурожаат қил.

Айб кўзи чунки бўлур тезбин,
Заҳр кўрар, гарчи эрур ангабин.

Айб кўзи тез ва ўткир бўлади: асал ҳам унга заҳар бўлиб кўринади.

Асра ўзунгни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.

Сенга биров озор етказишига ҳам йўл қўйма, ўзинг ҳам біровга озор берма.

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг —
Ки, бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг!

Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар.

Азалда чун не насиб ўлди, ўзга ўлмади ул.

Афғонки, хазон меҳнатидин қолмади солим,
Ҳар сарви гуландомки, бу гулшанародур.

Фарёдки, бу гулшандаги хушбичим сарвлардан бирортаси хазон балоси (куз истилоси)дан омон қол-мади.

Асру кенг саҳродурур дашти хаёл.

Хаёл саҳроси ниҳоятда кенг саҳродир.

Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи туфроғ аро.

Кўкда юрган чақмоқни ер остига киргизган нарса унинг ўринсиз шақиллаши (кулиши)дир.

Базл, ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,
Ўйладурким, орзу қилғай буғу шохида гул.

Ҳайвонга ўхшаганлар қўлидан эҳсон умид қилиш буғу шохидан гул умид қилган кабидир.

Бок йўқ ар кечроқ ўлур қатл иши,
Ўлса, сўзинг бирла тирилмас киши.

Ўлдирилмоқчи бўлган айбдорни ўлдиришнинг кечикиши зарарсиз, чунки ўлдирилиб қўйилгач, сўз билан уни тирилтириш мумкин эмас.

Барча лаззатни тотдим, офиятдин чучукроқ шарбат топмадим.

Ҳамма мазалар (ширинликлар)ни тотдим, лекин соғликдан чучукроқ шарбат топмадим.

Бармоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулур ондин бадан.

Тикан қўл билан чиқмаса, киши ундан нина орқали қутулиши мумкин.

Ботилки, чақилса барқи тобони анинг,
Кўзни юмуб-очқунча йўқ имкони анинг.

Бузуқ, беҳуда ҳаракат, нарса чақмоқдек ҳар қанча ярқираб кўринса ҳам, унинг умри кўз юмиб-очганчадир.

Бегонани уй сари ёвутма,
Ўрнингки қизиқдурур, совутма.

Бегонани уйга яқинлаштирма, иссиқ ўрнингни совутма.

Бемори муштаҳийга саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштаҳий эрмас, зиёнидур.

Касалда иштаҳа пайдо бўлиши тузалиш (соғайиш) нишонаси бўлади, соғлом кишининг иштаҳаси йўқолиши зиённи кўрсатади.

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,
Бермак учун олмаганинг яхшироқ.

Бировга бериш учун бировдан олишдан сақлан. Бермоқ учун олмаганинг яхшироқдир.

Бермакида маръи эрур эътидол,
Лек эмас мавқеида базли мол.

Бировга бир нарса беришда ўртача ҳол тутиш керак. Жуда қаттиқлик ёки жуда очиқлик тўғри эмас.

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ.

Тўқайларда юрган шерни енгиш шижоат эмас, агар нафс итини енгсанг, оламда сендан шижоатли киши йўқдир.

Бийиклик келди ҳимматдин нишона —
Ки, ҳимматсизни паст этди замона.

Буюклик ҳимматлиликнинг нишонасидир, ҳимматсизни замона паст қилди.

Бировки, дайр сари зоҳир айлади ихлос,
Бурунғи нафъи буким, хонақаҳдин ўлди халос.

Майхонага берилганлар учун биринчи фойда шуки, улар хонақоҳдан қутулади.

Бировғаким, бировдан етди офот,
Ҳамоноким қатиғроқдур мукофот.

Бировга зарар етказган киши, у кишидан кўра ҳам қаттиқроқ зарар кўради.

Биравким, анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур одам аҳли аро аржуманд.

Ҳимматлик кишилар халқ орасида ҳурматлик бўладилар.

Биравким, бўлур бир оёқ ош учун қул,
Юзига керакдур қозоннинг қароси.

Бир коса ош учун ўзини қул қилувчи кишининг юзига қозоннинг қорасини суртиш керак.

Бир-бири бирла бўлишиб, ўйла, дўст —
Ким, киши гар кўрса, дегай мағзу пўст.

(Порахўр амалдорлар) бир-бирлари билан мағзу пўст бўлишиб, дўстлашиб олганлар.

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топди, дилкаш эмас.

Айтилган нарсани такрорлаш ортиқчадир.
Такрор этилган сўз ёқимсиздир.

Бир дирамким қалб бўлғай, арзимассен, э кўнгул,
Ҳар неча меҳру вафо бозорида ўзингни сот.

Эй кўнгил, озгина сохталик бўлгач, агар меҳру вафо бозорида ўзингни сотсанг ҳам, арзимайди.

Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Меҳнат қилиб топилган бир танга пул бировнинг текинга берган хазинасидан яхши.

Бири эрур макрамати волидайн,
Билки, мунинг қилмоғидур фарзи айн.

Кишининг муҳим бурчларидан бири ота-онанинг ҳурматидир.

Бир сўз этиб шунча балиятни дафъ —
Ким, сочибон ганж, етишмай бу нафъ.

Бир сўз шунча балоларни даф қиладиким, бир қанча молу пул сарф қилганда ҳам, у фойдаларга эришиш қийин бўлади.

Бир шажару юз гул ила шеваси,
Турфаки, юз навъ бўлиб меваси.

Дарахт бир туп бўлгани ҳолда, юз хил мева бериши таҳсин қиларлидир.

Бир хати гар эгри тушар бир нуқат
Нусхада ҳар сафҳададур эгри хат.

Китобда бир чизиқ ёки бир нуқта янглиш тушса, қанча минг нусха босилса ҳам, ўша янглиш такрор бўлаверади.

Бўлма малул ўлса кенгашда талаш,
Асру узун доғи керакмас кенгаш.

Маслаҳат вақтида ҳар хил тортишувларга хафа бўлиш керак эмас, лекин жуда чўзилиб кетадиган маслаҳат ҳам ҳожатсиз.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Адабсиз кишилар юқори мартабали бўла олмайдилар.
Муаззам фалак бу тоифанинг (даражасини) паст қилиб қўяди.

Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,
Яхшига яхшию, ёмонга ёмон.

Замоннинг шоҳи яхшига яхши, ёмонга ёмон муомала қилиши зарур.

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Бу дунёда мангу қолиш мумкин эмасдир, аммо яхши от қолдириш улуғ саодатдир.

Буким, эрур сақфға ҳомил сутун,
Бўлмаса сақф, ул ҳам эрур сарнигун.

Томни кўтариб турувчи устундир. Лекин том бўлмаса, устун ўзи ҳам ерда бош эгиб қолади.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши —
Етишмаганга-ю ўтганга қилу қол ўлғай.

Доно бўлсанг, ҳозирги нафасни ғанимат бил, ўтганга ўкиниш ва келгуси тўғрисида ўринсиз хаёлларга чўмиш жоҳилларнинг иши.

Бўриғаки, қўй бўғмоғи пешадур,
Шубон меҳнатидин не андишадур?

Қўйларни бўғиш (ейиш) ни касб қилиб олган бўрини чўпоннинг меҳнати билан не иши бор?

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингға тиларсен фазо,
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.
Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин чекма қадам ташқари.

Отангнинг қошига бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Агар икки дунё саодатига муяссар бўлишни истасанг, шу икки мўътабар зотнинг розилигини ол. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган қуёш деб бил. Сўзларини икки қилма, чизган чизиқларидан чиқма.

Бас, кишига умр хуши ёр эмиш,
Ёр дегани ёри вафодор эмиш.

* * *

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун!
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун!
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.

* * *

Бодаға кўргузса киши хиралиқ,
Ақл чароғига берур тиралиқ.

Киши май ичишга ўч бўлса, бу унинг ақл чироғини хиралаштириб қўяди.

Бўлмаса Ҳақ ёдидин огоҳлиқ,
Билки, гадоликча эмас шоҳлиқ.
Бўлса гадо Тенгридин огоҳлиғи,
Бордур анга икки жаҳон шоҳлиғи.

* * *

Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.
Бўлур мағлуб, ким бўлса ҳаваскеш,
Бу ишта тенгдурур султону дарвеш.

Хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, ҳавасга берилган киши ҳалокатга учрайди: бу йўлда барча тенгдир.

Бақо айвони кўп оли(й) эмастур,
Ҳаводисдин жаҳон холи эмастур.

Бу жаҳон айвони унча олий (юксак) эмас, шунинг учун турли ҳодисалардан холи эмас.

Буким, Ҳақ айлади инсонни мавжуд,
Анга мавжудлиқдин борча мақсуд.
Эрур Ҳақ амрига маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ.

Оллоҳ таолонинг бу дунёни, ундаги мавжудотларни яратишдан мақсади инсон эди. Шундай экан, инсон ҳам ҳар лаҳза Ҳақ амрига итоат этиши, бундан бошқа ишлардан қўл тортиши лозим.

Бори ишдин ибодат ихтиёрим,
Салоҳу зуҳд ила тақви шиорим.

Дунёдаги барча ишлардан кўра ибодатни афзал биламан, тўғрилик, поклик, парҳезкорлик ва художўйликни ўзимга шиор қилиб олганман.

Біровким, қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.
Ҳадис ўлмиш Набийдин бўйла ҳодис —
Ки, олим келди пайғамбарга ворис.

Олимларга таъзим қилган киши худди пайғамбарга таъзим қилгандай бўлади. Чунки Муҳаммад алайҳиссаломдан: «Олимлар менинг ворисимдир», — деган ҳадис қолган.

Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдурур хўб:
«Ямондин оз беҳким, яхшидин кўп».

Донишмандлар: «Ёмон нарсанинг ози, яхши нарсанинг кўпи соз», — деган ҳикматни жуда топиб айтганлар.

Беишқ улусқа ком уйқу,
Ишқ аҳлиғадур ҳаром уйқу.

Ишқдан бехабар кишиларнинг мақсади — уйқу. Ошиқлар учун эса уйқу ҳаром.

Бефойда иш натижа бермас.

* * *

Бўл банда ато-аноға яксон —
Ким, Ҳақ деди: «Волидайн эҳсон».
Қуллуқларин айла расму одат,
Кавнайн аро бил муни саодат.

Ота-онангга бир хилда қуллуқ қил, чунки Оллоҳ таоло: «Ота-она эҳсондир», яъни ғаниматдир деган. Уларга хизмат қилишни расму одат айлаб, бу ишни икки дунёнинг саодати деб бил.

Барчадин ашрафки, ул инсон эрур —
Ким, камолида хирад ҳайрон эрур.

Мавжудот ичида барчадан афзали инсондир, унинг ҳар жиҳатдан мукаммал яратилганлигини кўриб, ақл ҳам ҳайрондир.

Бордур инсон зотида онча шараф —
Ким, ямон ахлоқин этса бартараф.
Бўлмаса фиръавнлиғнинг пайрави,
Қолмас ондин жуз сифоти мусави.

Инсон зоти шунчалик шарафлики, агар у ўзининг ёмон одатларидан қутулиб, Фиръавн каби зулму ситамга

берилмаса, Мусо алайҳиссалом каби эзгу сифатларга ошно бўлади.

Бахилнинг андоқки, бугун топқони захира бўлғай,
Тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек тийра бўлғай.

Бахил топганини еб-ичмай, асраб қўйиганидан куни чор-ночор ўтганидай, маҳшарда қабри ҳам ҳаётидек қоронғи бўлади.

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.

Қадрингни билмайдиган бевафо кишилардан узоқ юришга ҳаракат қил, чунки уларнинг қўлидан жафою ситамдан бошқа нарса келмайди. Берган тузингни унутмайдиган, вафодор итга эса жону дилдан итлик қилсанг арзийди.

Бахилдин амонат ажаб, каримдин хиёнат ажаб.

* * *

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма.

* * *

Биҳишт ичида лиқо бўлмаса, эрур дўзах.

Оллоҳ жамоли муяссар бўлмаса, жаннатнинг дўзахдан фарқи йўқ.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Бу ўткинчи дунёда шоҳлик истасанг, фақирлик нонига хурсанд бўл-у, шоҳга сира муҳтож бўлма.

Биҳишт меҳнат эмас — бўлса ваъдаи дийдор,
Висол умиди бор эса, жафо не бўлғусидур?

Дийдор ваъдаси бор экан, жаннатга етиш азоби ҳеч нарса эмас, висол умиди бўлса, жафо писандми?

... бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Бу гулшанда тикансиз гул бўлмас эмиш.

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким, ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.

* * *

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро
Сиз киби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

* * *

Бераҳмдурур оламу золим афлок,
Бемеҳрдурур анжуму даврон бебок.
Қай сарви чаманки, жилва қилди чолок —
Ким, ерга тўкулмади нечукким хошок.

Олам бераҳму фалак золим, юлдузлар бемеҳру замон бешафқат: ўзига зеб бериб, жилва қилган қайси чаман сарви хашак каби ерга тўкилмади?

Бутпараст ўлмоқ кўп ортуғроқки, бўлмоқ худпараст.

* * *

Бўлма кун қурсин тилаб, афлокдек саргаштаким,
Бир фатири хом ила осон ўтар ҳар кун маош.

Фалакдек қуёш орзусида овора кезмаким, тирикчилик битта патир нон билан осонроқ ўтади.

Буд ила нобуд чун ҳузну тарабқа арзимас,
Шод бўлма буд ила, ғам ҳам ема нобуд ила.

Бу дунёнинг бору йўғи ғаму шодликка арзимайди. Шунинг учун борида ортиқ қувонмаю йўғида беҳуда қайғу чекма.

Бевафолиғ тонг эмас элдинки, деҳқони азал
Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида.

Одамлардан бевафолик кўрсанг, сира ажабланмаки, азал деҳқони бу жаҳон бўстонига ҳеч қачон вафо ниҳолини эккан эмас.

Биравким, жаннату дўзах сўзин шарҳ айламиш, гўё
Киноят важҳи бирла васлу ҳижронни адо қилмиш.

Жаннат ва дўзах сўзини шарҳ айлаган киши рамз йўли билан гўё висолу ҳижрон ҳақида фикр юритмиш.

Боғлама кўнглунгни бу манзилға, невчунким, эрур
Бир янги меҳмон ери ҳар лаҳза бу эски работ.

Бу дунёга кўнгил боғлама, чунки у ҳар куни янги меҳмон келиб-кетадиган эски работ (карвонсарой)дир.

Биравки, жон бериб, элдин вафо тамаъ тутти,
Пишурди кўнглида савдои хом мен янглиғ.

* * *

Бори душворлиқларни ўзунгга айласанг осон,
Бори душворлиқлар доғи бўлғай шояд осонлиқ.

Барча қийинчиликларни ўзингга осон айласанг, ажаб эмаски, барча қийинчиликлар чиндан ҳам осон туюлса.

Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдандурур, хато кўрсам.

Бу дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламнинг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканлигидандир.

Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.

* * *

Бақо чун эмас мумкин, мудом ўзни хуш тутқил —
Ки, қайғурғали қилмас гари олами фоний.

Боқий умр мумкин эмас экан, доим вақтингни чоғ тут, зеро, бу ўткинчи дунё бир лаҳза қайғуришга арзимайди.

Биров амонатини асрай олмас, арчи эрур
Худой амонатини асрамоқ ҳаволат анга.

Билурки, рўзи анга Ҳақ берур, ўзидекнинг
Бўлур чу бандаси, боис эрур разолат анга.

Ризқни Оллоҳ таоло беришини била туриб, ўзига ўхшаган бандага қул бўлиш кишининг тубанлигидандир.

Бу гулистон аро булбулға раҳм қил, эй гул —
Ки, ҳай дегунча хазон юзланиб, баҳор борур.

* * *

Бу боғ аро қолмайдур ажал елидин озод,
Ҳар гулгаки, савсан киби қомат етилибтур.

* * *

Бу чаман гулзориға берма кўнгул, эй андалиб —
Ким, эрур ҳар гулки кўрсанг, теграсида юз тикан.

* * *

Бадан салоҳу фасоди кўнгул салоҳу фасодиға тобеъдур ва мулк ободу хароблиғи шоҳ адлу зулмиға рожеъдур.

Инсон жисмининг соғ ё хасталиги кўнглининг соғ ё хасталигига, мамлакатнинг обод ё хароблиги шоҳнинг зулми ё адолатига боғлиқдир.

Биравким, хирадманднинг нуктасин
Қулоғига олмас, не нуқсон мунга.
Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмағлиғ худ осон мунга.

Биров доно насиҳатини қулоғига илмаса, бундан у ҳеч нарса йўқотмайди. Эшитувчи учун маъно дурларини териш мушкул бўлса, айтувчига уларни сочиш осон.

Біровким, илм ила бўлди баруманд,
Анга ким ворис ўлди, бўлди фарзанд.
Вагар илм ичра бўлмай бирга қонеъ,
Баридин баҳравар бўлсанг, не монеъ!

Илмнинг юксак чўққиларини забт этган кишига ким ворис бўлса, унга фарзанд кабидир. Бас, озгина ўрганганига қаноат қилмай, уларнинг барчасини ўзлаштириб олганига нима етсин!

Биравким, жабҳасида чин эрур, тута олмас
Мурод шоҳидининг соидини коми била.
Агарчи фаннида соҳибкамол эрур сайёд,
Қачон балиғ тута олғай су мавжи доми била.

Биров ўз соҳасида ҳар қанча моҳир бўлмасин, ниятнинг ўзи билангина мақсад гўзалининг қўлини тута олмайди. Овчи ҳар қанча устаси фаранг бўлмасин, сув мавжи ёрдамида балиқ тута олмайди.

Бебок ҳамдамлиққа ярамас, нопок маҳрамлиққа ярамас.

Золим ҳамдамликка ярамас, нопок маҳрамликка.

Бировким, ёлғон сўзни бировга боғлағай,
Ўз қора бўлған юзин ёғлағай.

* * *

Бўлмаса сўз, ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.

* * *

Бухл эрур барча сифатдин хасис,
Лек сахо жавҳари асру нафис.

Бахиллик инсоний сифатларнинг энг тубанидир. Лекин сахийлик гавҳари жуда гўзалдир.

Базлда ким лутфни қилмас хато,
Зоҳир этар бир йўли икки ато.

Эҳсон қилишда ким марҳаматини дариғ тутмаса, икки марта эҳсон этгандай бўлади.

Бухл ила чун ютти садаф дурри соф,
Қилдилар олмағида кўксин шикоф.

Садаф бахиллик қилиб, покиза дурни ичига ютгани учун уни олиш мақсадида кўксини ёрдилар.

Бурунғи йиллар ошлиқни яхши асрангким, сўнгги йилларда ярағай.

* * *

Барча ўз намойишу оройишиға алил ва бу ўз қошларида маҳбублуққа далил.

Барча ўзига зеб беришу ўзини кўрсатиш дардига мубтало: ўзларининг наздида бу эътиборни жалб қилишу севимли бўлишнинг сабаби эмиш.

Бинандадур ўлса киши ўз айбиға ҳозир,
Кўз очма бўлурға ёналар айбиға нозир.

Кўнгил кўзи очиқ киши фақат ўз айбини кўради. Кўзингни бошқалар айбини кўриш учун очма.

Бўлди чу эл қилғаниға айбжўй,
Мумкин эмас бўлмамағи айбгўй.

Одамларнинг ҳар бир ишидан айб қидирадиган киши уларнинг айбини айтмаслиги мумкин эмас.

Бодаки, йиқмоқ сари-ўқ майлидур,
Жисм уйига, билки, бало сайлидур.

Мақсади ўз ичувчисини йиқитиш бўлган май инсон жисми биносига ёпирилган бало селидир.

Бадмастқа дамодам ичмакдин не баҳр —
Ким, одамийлиқ қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

Майхўр устма-уст ичишдан нима баҳра топади? Одамгарчилик қиёфасини буткул йўқотиш учун босиб-босиб заҳар ичаётганга ўхшайди.

Бўлса ғаминг, жонингга солма алам,
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам!

* * *

Баҳр ичраки, тушса бенавое,
Чиқғой агар урса дасту пое.

Қўл-оёғини қимирлатса, яъни сузишга ҳаракат қилса, сувга чўкаётган киши қутулиб кетиши мумкин.

Бекаслигу дард кўйида гард ўлмоқ
Хушроқки, ёмон била ҳамовард ўлмоқ.

Ёмон билан талашиб яшагандан ёлғизлик ва хасталик кўйида ўлган яхши.

Бар дўстии даҳр манеҳ дил, чаро, ки ту,
Бас, дўсти заифию ў душмани қавий.

Дунёнинг дўстлигига ишонма, чунки сен бир заиф дўстсан-у, у кучли душман.

Баландонро чу охир хоксорист,
Биҳамдиллаҳ, к-аз аввал хоксорам.

Ҳар қанча кўкка бўй чўзмасин, ҳамма нарса охири тупроқ билан тенг бўлади. Худога минг қатла шукрки, мен аввал-бошдан хоксорман (камтарликда мисли тупроқман).

Бо даҳони хушку чашми тар қаноат кун аз он-к,
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст.

Қуриган оғизу ёшли кўзга қаноат қил, чунки қаноат соҳиби қуруқлик ва денгизнинг, яъни ер юзининг султони бўлади, демишлар.

Бегунаҳро сохтан озурда аз теғи забон,
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст.

Бегуноҳ кишининг кўнглини тил тиғи билан жароҳатлаш соғлом томирга наштар уриб, уни майиб қилиб қўйиш билан баробардир.

Бар сари амволи мадфун золими нақшинқабо,
Бар фарози ганж бо жилди мунаққаш аждар аст.

Кўмилган хазина устида ўтирган қимматбаҳо либосли золим ганжни қўриқлаб ётган ялтироқ пўстли аждарга ўхшайди.

Бар макаш теғи забон ҳар дам, к-аз ин рў шамъро,
Сар буранд ар чи ба фарқ аз шўъла заррин миғфар аст.

Тил тиғини ҳадеб тортаверма, худди шу иши учун бошида шуъладан заррин кулоҳ бўлса ҳам, ҳар кеча шамнинг бошини кесадилар.

Бировким, эрур ростлиқдин йироқ,
Анингдек киши бўлмағон яхшироқ.

* * *

Бермас татвил чун сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.

Сўз қадрини билган уни узоқ чўзмайди, имкони борича сўзни қисқа қил, чунки сўз қанча чўзилса, камчилиги ҳам шунча кўп бўлади, одамлар кўп сўздан кўп айб топадилар.

Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг,
Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,
Айби бас эрур буким: бақоси йўқ анинг!

Бу дунё бир жодугар кампирдирки, унинг вафоси йўқ, бир фоҳишага ўхшайдики, шарму ҳаёси йўқ. Сен дунёнинг ёнини олиб, унинг ҳеч қандай айбу хатоси йўқ дема, бақоси йўқлиги дунёнинг энг катта айбидир.

Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин
Ҳар на сўзким эшитти, фош этти.
Тоғ эшитганни дер, гуноҳидин
Гўиё Тенгри они тош этти.

Эшитганини элга ёйиш кишининг гуноҳкор бўлиши учун кифоя. Ҳар қандай садони қайтаргани учун ҳам Худо гўё тоғни гуноҳкор санаб, уни тошга айлантиргандай.

Бир-бирин дўстлар агар гаҳ-гаҳ
Кўрсалар, дўстлуқ ўлур ғолиб.
Шавқдин ихтилот ўлур матлуб,
Васл учун орзу ўлур толиб.

Дўстлар гоҳ-гоҳ бир-бирларини йўқлаб турсалар, дўстликлари мустаҳкам бўлади, ўзаро муносабатлари

кучайиб, тез-тез бир-бирларини кўргилари келиб қола-ди.

Бой эмас улки, мол касратидин
Кўрмагай фоқау талаб ранжин.
Они билким, Худой бермиш анга
Нафси аммора таркини ганжин.

Молу дунёсининг кўплигидан бирор нарсага муҳтож-лик машаққатию фақирликни кўрмаган киши бой эмас. Худо нафснинг ёмон хоҳишларини тарк этиш бахтини муяссар қилган кишини бой деб бил.

Бировга қисмат оз бўлди бағоят,
Бировга бахшиш ўлди бениҳоят.

Бировнинг ризқи ниҳоятда оз бўлди, бировга лутфу марҳамат чек-чегарасиз.

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазл айлабон вола кўнгул,
Ўтқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз.

Девона кул билан ўйнай-ўйнай ўтга тушиб кетгани-дек, ақл билан ҳазил қила-қила бу шайдо кўнгил ҳам ошиқ бўлиб қолди.

Бир насиҳат қилғум, эй ишқ аҳли, айланг истимоъ:
Солмангиз ҳар сори кўз, то бўлмасун ҳар ён кўнгул.

Эй ошиқлар, бир насиҳат қилай, қулоқ солинг: ҳар томонга кўз солмангки, то кўнгил ҳар ён бўлмасин.

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун эттим,
Вафо нахли экканга бажуз ғусса бар йўқтур.

Эй деҳқон, кўп синаб кўрдим: вафо ниҳолини эк-канга бу гулшанда ғуссадан бўлак ҳосил йўқ.

Бу коргаҳда ҳайрат жонимни куйдурубтур.

Бу дунёда ҳайратдан жоним ўртанади.

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул,
Таммулсиз иш ақли этмас қабул.

Эсли киши ўйламай иш қилмайди.

Варду шажар шоҳид эрур боғ аро,
Лек ўтин силкидадур тоғ аро.

Боғда чиройлик кўринадиган гул ва дарахтлар тоғларда тартибсизлигидан ўтин қаторида турадилар.

*

Вафосиздур баҳори ҳусн.

* * *

Вафосиздур замон аҳли, замонда не вафо бўлғай,
Вафо аҳли булардин гар вафо истар, эрур нодон.

* * *

Валоят аҳлига жамъи маломатиға боқ —
Ки, халқ кўзидин айлар намозини яширун.
Бу турфароқким, намозида муъжиби нодон
Тутар имомат учун хайл қибласида ўрун.

Эл кўзидан яширин намоз ўқийди, деб валий зотларни маломат қилишади. Аслида намоз вақтида такаббур нодоннинг имомат учун жамоанинг энг олдига ўтиши таъна-дашномга кўпроқ сазовор эмасми?

Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай.

Воизки, дастёрсиз ўлмас сухангузор,
Анга ёроду мунга аёлғувчи ҳукми бор.

Баъзи воизлар ёрдамчиси бўлмаса, нутқ ирод қилолмайди. Бундай воиз — мусиқа асбобига, ёрдамчиси — чолғувчига ўхшайди.

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

* * *

Вафоға ҳаё била пайвасталиқ, андоқки, ҳаёға вафо била вобасталиқ.

Вафо билан ҳаёни қўшиш ҳаё ва вафо бирлигини ҳосил қилади.

Валинеъматқа айб раво кўргувчи пирига муртад муриддур ва атосиға ҳаромзода ўғил.

Ўз ҳомийсидан айб қидирувчи пирига муртад мурид ва отасига ҳаромзода ўғилдир.

Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,
Десангки, қилғай итоат сенга гадо ила шоҳ.
Бу шева тоғда зоҳирдурурки, даврондин
Қачонки тафриқа етти, улусқа бўлди паноҳ.

Каттаю кичик ҳурматингни жойига қўйишини истасанг, вазминлик гавҳарию мулойимлик кони бўл. Бу одат тоғда намоён: қачонки бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берса, халққа паноҳ бўлади.

Воизи томеъ гадои нон бувад, фарқаш ҳамин:
К-ин ба зери минбар омад, он фарози минбар аст.

Тамагир воиз нон гадосидир, улар ўртасидаги фарқ шундаки, бири минбарнинг пастида-ю, бири устида.



Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Еткурур ифроти валекин газанд.

(Болаларга) меҳрибонлик, юмшоқ муомала албатта фойдали, лекин бу ишда ўтакетган бир даражада иш кўриш зарарлидир.

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,
Машваратсиз қилма таваккул дуруст.

Ишни таваккал деб қилиб юборилмаса, иш чўзилади, шундай бўлса ҳам маслаҳатсиз таваккал тўғри бўлмайди.

Гарчи қуёшдин парвариш олам юзига ом эрур,
Саҳрода қамғоғу тикан, бўстонда сарву гул битур.

Қуёшнинг тарбияси ҳаммага баробар бўлса ҳам, саҳрода тикан, бўстонда гул етишади.

Гар иш ғайри мавқеъда мавжуд эрур,
Киши ҳар наким қилди, мардуд эрур.

Иш ўринсиз бўлгач, киши ҳар қанча уринса ҳам, меҳнат бекорга кетади.

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

Гавҳар ва дурлар қулоққа озор берувчилардир, қулоқ учун қимматбаҳо зийнат унинг фойдали сўзларни тақиши (сингдириши, тинглаши)дир.

Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кечга етушсанг, терар ўғлон ушоғ.

Гул саҳар вақтида боққа жилва берса, кечқурун қарасанг, болалар уни узиб кетган бўладилар.

Гар керак ошиққа ўз жононидин,
Саҳл эрур кечмак жаҳону жонидин.

Жононни истаган ошиқ жондан ҳам, жаҳондан ҳам осонгина воз кечиб қўя қолади.

Гавҳар ўлди ҳиммату одам садаф,
Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.

Одам гўё садафу ҳиммат унинг гавҳари бўлди — бу садафнинг қиммати ана шу гавҳардан.

Гавҳар балчиққа тушган била қиймати ушалмас ва ўз баҳосидин қолмас. Эшак мунчоғин тожға тиккан била фируза ерин тутмас ва ҳеч ким анинг камбаҳолиғини унутмас.

* * *

Гадозодаи хирадманд — акобир ҳамрози, ғанийзодаи лаванд — арзол дамсози.

Ақли ва илми туфайли камбағал фарзанди улуғ мартаба эгаларига сирдошу танбаллиги сабабли бой боласи нокаслар йўлдоши.

Гавҳареким, шоҳларға зеби тожу тахт эрур,
Ташлағон они нажосатға ажаб бадбахт эрур.

* * *

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,
Ғайри ғадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро.

Гулшанда гул, шўразорда шўра битгани каби, бевафо дунёда хиёнаткор одамлар бўлади-да.

Гар забун бўлсам ажаб эрмаски, тушса ишқ аро,
Аждаҳолар хоксор ўлмоқ тариқин ўрганур.

Ишқ кўйига тушса, аждаҳолар ҳам хоксорлик илмини ўрганадилар, бинобарин, менинг ошиқлик дастидан ожизлигим сира ҳайрон қоладиган иш эмас.

Гадоларға гаҳе лутф эт, шаҳо, бу шукр учунким,
Ҳақ —
Сени лутф айлабон шоҳ айлади, бизни гадо айлаб.

Эй шоҳ, Худо ёрлақаб, сени шоҳу бизни гадо қилибди, шунинг шукри учун гадоларга гоҳида марҳамат кўрсатиб тур.

Гулда вафо йўқин қаю бир қушки англади,
Ҳаргиз вафо гули тиламас даҳр боғидин.

Қайси бир қушки, гулда вафо йўқлигини тушуниб етди, дунё боғидан вафо гулини сира умид қилмайди.

Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен,
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,
Кўпрак бўлуриға илтифот айлагасен.

Агар йиққан мол-дунёинг нажот воситаси бўлсин десанг, мискинларга тез-тез садақа бериб тур, закот

шартларини ўз вақтида адо айла — бу билан мол-дунёингнинг янада кўпроқ бўлишини таъминлаган бўласан.

Гар хасм жафосидин сарандоз ўлғунг,
Доим таабу аламға анбоз ўлғунг,
Сен лутф этиб, агар навосоз ўлғунг,
Бу важҳ била анга сарафроз ўлғунг,

Агар душман зулмидан оғир аҳволда қолиб, аламу азобга гирифтор бўлган бўлсанг, марҳамат кўрсатиб, унга ғамхўрлик қил, шу йўл билан унинг учун улуғ кишига айланасан.

Гардунки, халойиққа вафоси йўқ анинг,
Жавр ичра кичик-улуққа поси йўқ анинг,
Ҳар кимки кичик бўлса, бақоси йўқ анинг,
Сен они улуқ билки, фаноси йўқ анинг.

Бу дунёнинг одам боласига вафоси йўқ, на каттани, на кичикни риоя қилади. Нимаики кичик бўлса, бақоси йўқ экан, бас, сен боқий зотнигина улуғ деб бил.

Гар заҳр била кишига ком ўлса ачиғ,
Юз ончаки, сўз била мудом ўлса ачиғ,
Ҳар неча мазоқ аро таом ўлса ачиғ,
Хушроқдурур андинки, калом ўлса ачиғ.

Кишининг оғзи сўз билан доим аччиқ бўлиб юрганидан заҳар билан аччиқ бўлгани юз марта яхши. Аччиқ сўздан аччиқ таом яхшироқ.

Гулшане келди жисми инсоний,
Нутқ анинг булбули хушалҳони.

Инсон жисми бир гулшан бўлса, тил унинг хушовоз булбулидир.

Гадоеки, бўлғай бийик ҳиммати,
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати.

Ҳиммати баланд гадо олдида шоҳлик мартабаси пастдир.

Ганжи қаноат арчи эрур салтанат валек
Элдин тамаъни узгали мардоналиғ керак.
Лаззоту нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиғ керак.

Қаноат отлик бойликнинг ўзи подшоҳликка тенг бўлса-да, одамлардан тама қўлини тортиш учун киши мард бўлиши керак. Лаззат ва нафсни тарк этиш тинчлик-хотиржамлик мевасини беради, лекин бу ниҳолни экиш учун оқиллик талаб қилинади.

Гадолиқ бўрёси узра мискин —
Ки, хотир фориғ ўлғай ҳар таабдин,
Кўп ортуқким, бўлуб ўздекка маъмур,
Хазу дебода ер тутсанг тарабдин.

Ўзингга ўхшаган бир кишига муте бўлиб, унинг хизматини қилиш эвазига қимматбаҳо гиламлар устида шод яшагандан ҳар турли миннат юкини чекмай, фақирлик бўйрасида хотиржам ўтирганингга нима етсин!



Гар сўз айтар бўлса нодон ул мазах бўлгай чунон,
Тақса кўзмунчоқ, ҳамон кулгуга қолғай-ку эшак.

* * *

Гар нахоҳи дод чизе бо касе, гуфтан ки чи?
Чунки гуфти: саъй кун албаттаву он гуфта деҳ.
Гуфта нододан на кори одами, дон зинҳор,
Гар тавон ногуфта деҳ, к-ин доданат ногуфта беҳ.

Агар бировга бир нарсани беришни хоҳламасанг, айтиб нима қиласан? Магар айтдингми, албатта ҳаракат

қил-у, ваъда қилган ўша нарсангни бер. Шу нарсани яхши билки, айтиб туриб бермаслик одамийликдан эмас. Қўлингдан келса, айтмай туриб бер, берганингни ҳам айтмаганинг яхши.

Гар касе ёри мувофиқ дорад, эй дил, бок нест,
Гар зи даврони мухолиф жони зоре бошадаш.
Дарду ғам навбад касеро аз жафои даҳр агар,
Дардро ҳамдарду ғамро ғамгусоре бошадаш.

Эй дил, агар кишининг мувофиқ ёри бўлса, бу ғаддор замондан кўнгли озор чекса ҳам зарари йўқ. Агар дардига ҳамдарду ғамига ғамгусори бўлса, дунё ҳар қанча жафо қилса ҳам, кишининг дарду ғами бўлмайди.

Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

Адаб бўлмаса, олтиннинг жарангидан нима фойда? Кишининг адаби унинг бойлигидан яхшироқдир.

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат сенга.

Офат кўрмайин десанг, ҳар вақт ҳушёр бўл.

Давлати боқий Навоийдек эрур топмоқ маҳол,
То тамом ўзлукни фоний қилмағайсен, э кўнгул.

Навоий каби ўзликликни йўқотмагунча, абадий бир давлатга эга бўлмайсан, эй кўнгил.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

Замон аҳлининг жисмида жон бўл, ҳам жонларига дармон бўл.

Десангки, таомим зоеъ бўлмағай, едур,
Ва тиласангки, либосим эскирмагай, кийдур.

Таоминг бекорга кетмасин десанг, ортиқчасини едир, кийиминг бекорга чириб кетмасин десанг, ортиқчасини кийдир.

*

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Данийларға бировким зарфишондур,
Эшак оллиға тўкмак заъфарондур.

Ярамас кимсалар бошидан зар сочиш эшак олдига заъфарон (сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик) тўкиш билан баробар.

Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.

Қани эди, одамларнинг фойдаси тегмаганга яраша, зарари ҳам тегмаса, дардингга малҳам бўлиш қўлидан келмаса, кўнглингга ништар ҳам урмаса.

Даҳр боғида гиёҳи меҳр ҳаргиз бутмади,
Гар десангким кўрмайин бемеҳрлик, бу сўзга бут.

Дунё боғида ҳеч қачон меҳр гиёҳи битган эмас. Бемеҳрлик кўрмайин десанг, бу сўзга ишон.

Дунё аруси зулфини тутқан не огаҳ факрдин,
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

Дунё келинчаги сочини тутган киши фақирлик нималигини қаердан билсин. Илон тутиш шавқи билан маст кишининг хазина билан иши йўқ.

Десангки, васл топай, ҳажр ўтиға ёқилакўр.

* * *

Даҳр боғи ичра барбод ўлмаған гул чиқмади,
Йўқ ажаб, гар елдин осибе гулистонимдадур.

Дунё боғида бир куни қуриб-қақшамайдиган гул йўқ. Шундай экан, гулистонимни шамоллар сочиб-совурса, ҳайрон бўлмайман.

Десанг, замона ситезини ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.

Замондан ҳар замон душманлик кўрмай десанг, замонни алқаб яша, у билан сира адоватга киришма.

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб —
Ким, гули шуълаи ғам, ғунчасидир хори тааб.

Бу дунё боғидан кўпам айшу қувонч истама, унинг гули — ғам шуъласию ғунчаси қайғу тиканидир.

Даҳр бўстони аро саркаш ниҳоле кўрмадук,
Соя янглиғ бўлмаған ер бирла яксон оқибат.

Бу дунё бўстонида охир-оқибат соя каби ер билан баробар бўлмаган итоатсиз ниҳолни ҳеч ким кўрган эмас.

Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,
Элидин ғайри жафо қилма ҳавас.

Бу дунёдан меҳру вафо умид қилма, одамларидан жафодан бошқасини кутма.

Дўзахни агар ишқ ўти бирла қизитурлар,
Дард аҳлиға учмоқдин эрур, бас, тамуғ авло.

Агар дўзахни ишқ ўти билан қиздирсалар, ошиқлар учун жаннатдан кўра дўзах афзал бўлади.

Демон даврон аро йўқтур вафо айлаб, вафо кўрган —
Ки, йўқтур минг жафо тортиб қутулған,
бир вафо айлаб.

Дунёда вафо қилиб, эвазига вафо кўрган киши йўқ, дейишнинг ўзи кам, чунки бир вафо айлаб, кейин минг жафо тортиб ҳам қутулган киши йўқ.

Даврон элига кимки вафо нўши арз этиб,
Ул ҳам муқобилида жафо ниши еткуруб.

Бу дунёда кимки бошқаларга вафо майини узатган бўлса, эвазига жафо тиғига дучор бўлган.

Даво чу мумкин эмас ишқ дардиға, ваҳким,
Иложс топмади бу дарди бедаво ҳаргиз.

* * *

Даҳр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни
Макр ила айлади ожиз бу ситамкора ажуз.

Дунё деган жодугарга ишонмаки, у макру ҳийла билан не-не Рустамларни ҳам мағлуб қилган.

Даврон гулию гулшани хориға арзимас.

* * *

Даҳр бўстониға мағрур ўлма кўп, эй боғбон,
Охир эткунг, чун гулу сарви равон бирлан видоъ.

Эй боғбон, дунё бўстонига кўпам ишонма, чунки охир-оқибат бу гуллару сарви равонлар билан видолашишга тўғри келади.

Дардим оғирроқ тоғдин, хошокдин жисмим енгил.

* * *

...дардқадур чора сабр.

* * *

Демаким: бўлдунг қари-ю, ўтти даври ишқким,
То тириктурмен менга ишқу муҳаббат чоғидур.

* * *

Даҳр аро андоқ маош этгилки, сендин қолмаса
Тоат андоқким, керактур бори исён қолмасун.

Дунёда шундай яшаки, тоатинг билан бошқаларга ибрат бўлолмасанг, исёнинг билан одамлар лаънатига ҳам қолма.

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутса, бўлур ғариқ.

Эй дўст, ҳам дунё, ҳам охират севгиси бир кўнгилга сиғмайди: икки кеманинг учини тутган ғарқ бўлади.

Дард аҳлининг нафаси бир ўтдурким, қаттиқ кўнгулни юмшатур ва қуруғ кўзни йиғлатур.

* * *

Дунё дор ул-ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламоққа ғафлат боисдур.

Дунё турфа ҳодисалар маконидир ва фақат ғофил кишигина унга кўнгил боғлаши мумкин.

Дардлиғ кўнгул — шуълалиғ чароғ, ёшлиғ кўз — сувлуқ булоғ.

* * *

Душман мақолоти — банг хаёлоти.

Душманнинг сўзлари наша кайфининг хаёлингни ўғирлашига ўхшайди.

Доно душмандин нафъ имкони бор ва нодон дўстдин зарар имкони.

* * *

Дунёву ҳар не андадур мавжуд
Бўлди Ҳақ лаънати гирифтори.
Ғайри Ҳақ зикриким, эрур зокир
Тенгрининг раҳмати сазовори.

Дунё ва унда мавжуд барча нарсалар Оллоҳ лаънатига учраган. Оллоҳ зикридан бўлак барча ишлар беҳуда. Шунинг учун ҳам зикр айтувчи Оллоҳ марҳаматига муяссар бўлади.

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқон хирад атиясидин.
Худ жаҳонда атияе борму,
Яхшироқ дўстлиқ ҳадиясидин.

Бир-бирингизга ҳадялар бериб дўстлашинглар, оқиллар ҳадясидан кўнгил баҳра топади. Жаҳонда дўстлар туҳфасидан яхшироқ туҳфа борми ўзи?!

Даҳр элики, келди аҳли номус бори,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,
Олингда неча қилса заминбўс бори,
Лекин бордур айбингга жосус бори.

Дунё аҳли барчаси номусли кишилар, лекин қариндошларнинг барчаси макру ҳийла домига асир: ол-дингда ҳар қанча ер ўпиб, таъзим қилса ҳам, ҳаммаси айбингни топишга уста.

Даврон аро кимса ранж паймудалиғи,
Бушмас гар эмас фароғ камбудалиғи,
Ноамнлиқ ўлди халқ фарсудалиғи,
Амн ичра бўлур маош осудалиғи.

Бу дунёда тинч-хотиржам бўлмаган киши ранжу азобдан холи бўлолмайди. Одамларнинг ғам-ташвишга гирифторлиги осойишталикнинг йўқлигидан. Осойишталик бўлган жойда турмуш осуда кечади.

Десанг, топай эл замиридин боре хабар,
Сирридин эрур таври намудори хабар,
Таврин кўру равшан айла ҳар сори хабар —
Ким, кўнглидагидин берур атвори хабар.

Одамларнинг кўнглида нима борини билмоқчи бўлсанг, ташқи кўриниши ички сиридан хабар бериб туради. Хулқини кўру хулоса қил, зеро, кишининг юриш-туришию гап-сўзи ички оламидан далолатдир.

Доим тут ўзунга рўзанинг меҳнатини —
Ким, руҳқа еткурур сафо давлатини.
Сиҳҳат тиласанг, қилғил анинг ниятини —
Ким, рўзада қўйдилар бадан сиҳҳатини.

Рўзанинг қийинчилигидан сира ўзингни олиб қочма, чунки у руҳни поклик давлатига ноил қилади. Соғлиқ тиласанг, рўзани ният қилки, баданнинг соғломлиги рўза туфайлидир.

Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортуқ,
Тарк этмак ани кавну макондин ортуқ,
Сувсизға сув шавқи бўлса жондин ортуқ,
Бил, сифлаға мол шавқи ондин ортиқ.

Дунёга ҳирс қўйиш энг ёмон ишнинг ҳам ёмонидир, уни тарк этиш дунёни тарк этишдан оғир. Ташна учун сув жонидан ортиқ бўлганидек, нокас учун молдунё ишқи ҳамма нарсадан ортиқ.

Давр аҳлиға лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ямон, яхши жазо кўргузгил,
Йўқ, ёрингга сидқ ила сафо кўргузгил —
Ким, қилмаса хасмлиқ, вафо кўргузгил.

Одамларнинг кўнглини кўтариб, марҳамат кўрсатгил, улар сенга ёмонлик қилишса ҳам, сен яхшилигингни дариғ тутма. Ёрингга сидқу садоқат кўрсат, ҳар кимки, сенга душманлик қилмаса, унга вафо айла.

Душманат гар ҳасуд шуд, нек аст,
Ки ба ранж ояд зи феъли бадаш.
Феъли ў ёру душманат бошад,
Аз паи қасди жисму жони худаш.

Душманинг агар ҳасадгўй бўлса, бу — яхши, у ўзининг ёмон феълидан дилтанг бўлади. Унинг феъли ўзига ҳам дўсту ҳам душман бўлса, ўзининг жисму жонига қасд қилиш пайидан бўлади.

Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин кунгранма.

Дўстдан озор етса инграма, душман зулм этса нолима.

Дунки, ёмон феъли анга хушдурур,
Жазмки, эл яхшиси нохушдурур.

Ёмон феъли ўзига яхши бўлиб кўринган нокасга яхши одамлар ёмон бўлиб кўринади.

Душман ғururидин ғам ема ва маддоҳ хушомадин чин дема.

Душманнинг кибру ҳавосидан ғам ема, мадҳ этувчининг хушомадин чин дема.

Дард ўтидур бодаву ҳирмон суйи,
Йўққи, тамуғ ўтию тўфон суйи.

Кишига дард ўти дўзах оташию тўфон балосидан эмас, балки майдану умидсизлик туйғусидандир.

Десангки, тоймағай ул ерда гоминг,
Саноқлиқ гом ила бўлсун хироминг.

Қадамим бирор ерда тойилмасин десанг, ҳар бир қадамингни ўлчаб бос.

Донаву дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Жаҳон уммонида ҳақиқий дурдона бу — сўз. Дур ва унинг шодаси ҳақидаги гап-сўзлар унинг олдида бир афсона.

Дониш тилаю, ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг, варақ йиғиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжиға етгайсен,
Йўқ улки, кутуб саъй ила жам этгайсен.

Қаерга борма, илм ўрганиш пайида бўл, лекин китоб йиққандан кўра, илм ганжини хотирангга жо қилганинг яхши, бас, китоб йиғишга эмас, ёдингда сақлашга интил.

Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар.

Ел агарчи кўкка етсун, сабукбордур у бемиқдор,
Тоғ агарчи туфроққа ботсун,
соҳибвиқор ва ҳилмшиор.

Ел кўкка етса ҳам енгилдир, қадрсиздир. Тоғ тупроққа ботса-да, вазмин ва чидамлидир.

Елки, йиғар ҳар не эл айлар нисор,
Андин эрур дарбадару хоксор.

Шамолнинг ҳар эшикда тентираб юришининг сабаби шуки, у одамлар сочган нарсаларини йиғиб юради.

Емас элки, амвол аро бўлса ғарқ,
Алар бирла муфлислар ичра не фарқ?

Нон емас хасислар ҳар қанча молдор бўлса ҳам, улар билан камбағаллар орасида қандай фарқ бўла олади?

*

Енгса дайр ичра мени ҳайрат, не тонг, эй муғбача,
Кимдурур бу коргаҳ вазъиғаким, ҳайрон эмас.

Эй муғбача (муғбача — оташпарастлар хизматидаги бола), бу дунёда ҳайрат мени лол этса, сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки бу дунё ишларига ҳайрон бўлмаган киши борми?

Ёлғон демакда тажриба аввалғи субҳ бас,
Ёлғон нафас чу урди, қорорди ҳам ул нафас.

Ёлғон сўзлаш зарарини билиш учун «ёлғон тонг» тажрибаси етарлидирки, у ёлғон нафас ургани учун дарров юзи қораяди.

Ёмон била яхши аросида фарқдир,
Икки кеманинг учин тутган ғарқдир.

* * *

Ёмонларга шиор ва яхшиларга андин ордур.

* * *

Ёяр анга суфраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

Қорни тўққа дастурхон ёзиб,
Эгни бутга тўн кийгизади.

Ёреки, тегар бировга озори анинг,
Ақл оллида тенгдурур йўқу бори анинг.

Бировга озор берувчи дўстнинг ақл қошида бору йўғи баробардир.

Ёшурун қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёш.

Ёш болалик уйда ўғирликни бекитиб қолиб бўлмайди.

*

Ёр улдурки, ҳар нечаким ўзига
Истамас, ёриға ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мунда шарик айламагай.

* * *

Ёлғонни чиндек айтқувчи суханвар — кумушни олтун рўкаш қилувчи заргар.

Ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб айтувчи сўз устаси кумушни олтин деб алдовчи заргарга ўхшайди.

Ёлғон айтгувчи ғафлатдадур.

* * *

Ёлғончи сўзин бир-икки қатла ўткаргай, ўзга нетгай? Ёлғони зоҳир бўлғондин сўнгра анга расволиғ етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай.

* * *

Ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ.

Ёлғончи ҳар қанча ёқимли сўзламасин, унинг сўзи хунукдир.

Ёлғон сўз жуз назмда нописанд ва анинг қойили нохирадманд.

Ёлғон сўз фақат шеърдагина ўзини оқлайди ва нодонгина ёлғон сўзга қойил бўлади.

Ёлғон ўлса мулоямат омиз,
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.

Кишини даҳшатга солувчи чин сўздан мулойимлик билан айтилган ёлғон афзал.

Ёзилғон нуктани тағйир қилмоқ,
Эрур сув узра хат таҳрир қилмоқ.

Тақдир ёзувини ўзгартириш сувнинг устига хат ёзишга ўхшайди.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

Вафосиз ёр зиёсиз шамга ўхшайди.

Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғуз, иши дуд эрур.

Кимсасиз кишилар чеккан оҳ жуда қайғулидир, зеро ёлғиз ёғочни ёқса, фақат тутайди.

Ёр улдурким, тилию кўнгли анинг бўлса бир,
Ким тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул ёр эмас.

* * *

Ёшурди одам агар Тенгри сиррини, кўрунгуз —
Ки, халқ сиррини тутмас ниҳон бани одам.

Оллоҳ сирларини кўнглига яширган одам авлодлари энди бир-бирининг сирини пинҳон тутолмайди.

Ёрнинг манзили жон ичраю сен ани тилаб,
Озими Каъба — ажаб қатъи масофатдур бу!

Оллоҳ кўнглингда макон тутган-у, сен бўлса, уни излаб Каъбага борасан — бу не ғаройиб сафардир!

Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ёмон.

* * *

Ёмон тиллиг андоқким эл кўнглига жароҳат еткарур, ўз бошиға ҳам офат еткарур.

* * *

Ёғиндин гар булут еткурмаса суд,
Ҳавода ул ҳамону бир қалин дуд.

Агар булут ёмғир ёғдириб, баҳра етказмаса, у нимаю осмонни қоплаган қалин тутун пардаси нима?

Ёлғончи киши эрмас,
Ёлғон айтмоқ мардлар иши эрмас.

Жаҳон илмики, букун менга ёд эрур,
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур.

Мен дунёдаги барча илмларни эгалладим, бу ишда менинг ўқитувчим ҳар соҳадаги жоҳиллар бўлди.

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.

Ҳар кимнинг улфати билимсиз — жоҳил бўлса, бундай улфатчиликда кўп офатлар бўлиши мумкин.

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,
Бас, менга меҳру вафо мол ила жоҳ.

Подшоҳларда ва молдорларда меҳру вафо йўқдир, мен учун улуғ давлат — молу дунё ўрнида вафодорлик ва меҳрибонлик бўлса бас.

Жунуним манъ қилдинг ул пари ишқида, э носиҳ,
Киши девона бўлса яхшироқ юз қатлаким, аблаҳ.

Эй насиҳатчи, унинг ишқида девоналигимни ман қилма, чунки девоналик аблаҳликдан юз марта яхши.

*

Жаҳлимиз кўптин-кўпу илм оздин-оз.

Жоҳиллигимиз кўпдан-кўпу илмимиз оздан-оз.

Жафоларким, менинг жонимға етмиш даҳр халқидин,
Бири куффордин келмас асир ўлғон мусулмонға.

Бу дунё аҳлидан менинг жонимга етган жафолардан биттасини ҳам кофир ўзи асир қилган мусулмон бошига солган эмас.

Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма.

Саховат ва эҳсон уйидан бўлак ерни манзил қилма. Хасислик билан сахийлик йўлини тўсма. Яхшилик қи-лу айтишни одат этма, миннат билан қилган яхшилигинг-ни йўққа чиқарма.

Жудеки, хирад буюрса, тобеъ бўлғил,
Нафс айласа бухл, марьиға монеъ бўлғил,
Озу кўп аро сўзумга сомеъ бўлғил,
Кўп бергил-у, озға лек қонеъ бўлғил.

Ақлинг саховат қилишга буюрса, унинг бу амрига тобе, нафсинг хасисликни истаса, бу истагига моне бўл. Озу кўп борасида менинг ушбу сўзимга қулоқ сол: кўп бер-у, лекин ўзинг озга қаноат қил.

Жамъ этмак азалда топти тақсим бахил —
Ким, этмади сийм элга таслим бахил,
Чун харж қилур чоғда кўрар бийм бахил,
Тош ҳукмидадурки, жамъ этар сийм бахил.

Мол-дунё йиғиш азалдан бахилга қисмат бўлди, у ҳеч қачон бошқаларга нарса бермайди. Сарф-харажат

қилиш унинг учун хавф-хатарга дуч келишдай гап. Бахил йиққан хазина тош каби беҳуда.

Жумла жаҳон шоҳлиғидин ори бор,
Кимки гадодур дағи бир ёри бор.

Вафодор ёри бўлган киши фақир бўлса-да, шу бахтини жумлаи жаҳон шоҳлигига алишмайди.

Жамъи писандида сифоту мустаҳсан ҳолот эҳсонға тобеъ ва анинг зимнида мундарижу воқеъдур, ул барча яхшилиқларға жомеъ ва бари яхшилиқлар анга филҳақиқат рожеъ.

Барча яхши сифатлару мақтовга лойиқ ҳолатлар эҳсондан келиб чиқади ва эҳсон туфайли намоён бўлади, у барча яхшиликларни ўз ичига қамраб олади ва барча яхшиликлар ундан ҳосил бўлади.



Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,
Кўзларни алишмоққа чекиб тийғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйға-ю, ўз кўзини ҳам.

Жоҳилнинг жоҳиллиги устига ҳасад ҳам қўшилиб, кўзининг нури бошқаларникидан камлигини билиб қолса, кўзларни алмаштириш учун қўлига ситам тиғини олиб, одамларнинг ҳам кўзини ўяди, ўзининг ҳам.

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса, тонг йўқ —
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

* * *

Жаҳон золи ҳам макр этар, ҳам нифоқ,
Ани тўрт мазҳабда қил уч талоқ.

Дунё деб аталган жодугар кампир ҳам макру фириб қилади, ҳам фитна-фасод қўзғайди. Шунинг учун уни шариатдаги тўрт мазҳаб (ҳанафийлик, моликий-

лик, шофиъийлик, ҳанбалийлик) ҳукми билан уч талоқ қил.

Жаҳон раъносиға берма кўнгулким,
Анга олдурмамиш кўнглин хирадманд.

Дунё деб аталган нозанинга кўнгил бермаки, оқил киши унга ихтиёрини бериб қўймайди.

Жаҳон макрин биравким билди, бермас
Жаҳон мулкига бир дамлиғ фароғин.

Дунёнинг маккорлигини англаб етган киши бир лаҳзалик хурсандчилигини жаҳон мулкига алишмайди.

Жоҳи дунё чоҳ дон, жастан тавони аз сараш,
Чун дарафтоди дар ў натвон зи қаъри чоҳ жаст.

Дунё бойлигини бир чоҳ деб бил ва қўлингдан келса, бошидаёқ бу чоҳдан сакраб ўт, чунки бу чоҳға тушиб қолсанг, кейин унинг қаъридан сакраб чиқолмайсан.

Жавонмард аз карам муфлис нагардад,
Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.
Ба пошидан чи нуқс ояд ба дарё,
Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр.

Жавонмард, яъни олиҳиммат киши ҳиммати туфайли камбағал бўлиб қолмайди. Сахийнинг юзидаги ажинлар лутфу эҳсон қилгани сабабли пайдо бўлган эмас. Сепган билан дарёнинг суви озаядими? Сочган билан қуёшнинг нури камаядими?

Золиму одил на яксонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиёри мулк, деҳқон дигараст.

Золим билан одил мамлакат обод қилишда бирдек эмасдир. Чунки чўчқанинг ерни кавлаши бошқа, деҳқоннинг ерни ҳайдаши бошқадир.

Захмим ачитгон дамбадам ул лаъли шаккарханд эрур,
Ваҳ-ваҳ туз эрмуш улки, мен қилдим гумонким, қанд эрур.

Маҳбуб лабининг шакар хандасидан яраларим ачишиб оғрийдир. Воҳким, шакарга ўхшаб кўринган нарса ҳақиқатда туз экан.

Заъф ичра табиат эрса мушфиқ,
Беҳроқки, туман табиби ҳозиқ.

Заифликда (касалликда) табиат ва мизожнинг шафқатли бўлиши (мизож ва табиат нормал бўлиши — организм ўз вазифасини тугал бажара олиши) минг мутахассис табибдан яхшироқдир.

Зердастларга нафъ еткур, агар тиласангким
Забардастлардин зарар кўрмагайсан.

Ўзингдан кучлилардан зарар кўрмай десанг, ўзингдан заифларга фойда етказ.

Зарари борча элга ом ўлғой,
Ким таом устига таом ўлғой.

Бир таом ҳазм бўлмасдан, устига таом ейиш ҳар қандай киши учун зарарлидир.

Зевар кишига не тожу, не афсар бил,
Ул зевар адаб била ҳаё дархўр бил.

Киши учун тож ва бошқалар зийнат бўлмайди, балки унга зийнат — ўзида бўлган адаб ва ҳаёдир.

Зулм анинг кўнглига марғуб ва фисқ анинг хотирига маҳбуб,
Мулк бузуғлиғидин замирига жамият ва улус паришонлигидин хотирига амният (подшоҳлар ҳақида).

Зулм қилиш бундай подшоҳнинг кўнглига ёқади, ёмон маишат унинг учун севиклидир. Мамлакатнинг хароб бўлиши бундай подшоҳни тинчитади. Халқнинг тўзиб кетиши бундай подшоҳнинг дилини тинч тутади.

Заррадин минг қатла камракким, қуёшлик урса лоф,
Кимки бўлса зарра ақли, билурким, дер газоф.

Заррадан минг марта камроқ бўлган киши қуёшман деб лоф урса, заррача ақли бор киши унинг ёлғон айтаётганини билади.

Заҳмат била топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққонингни дўстлар била душманлар учун асрама.

* * *

Заҳрнинг оз эса миқдори доғи муҳликдур,
Игнанинг нўги заиф эрса доғи кўр қилур.

Заҳарнинг озгинаси ҳам ҳалокатли, игнанинг учи заиф бўлса ҳам, кўзни кўр қилади.

Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиғ.

Қизнинг ўзи хунук бўлса, зебу зийнат билан чиройли бўлиб қолмайди.

Зуҳду тақво барча вақтда дилписанддур, йигитликда дилписандроқ.

Тоат-ибодат ҳамиша яхши, айниқса ёшликда.

Зуҳал бийик мақом била меҳри ховарий бўлмас, дев биҳишт ҳулласин кийган била пари бўлмас.

Ҳар қанча юксакда бўлмасин, Зуҳал (Сатурн) қуёш бўлмас, энг чиройли либосларни кийган билан дев парига айланмас.

Зарраға юз минг қуёш моҳиятин билмак не ҳад.

* * *

Зуҳдунга мағрур ўлуб, кўп қилма исёнимни таън,
Не учун, эй шайхким, билмас киши анжомни.

Эй шайх, тоат-ибодатингга мағрур бўлиб, менинг исёнкорлигимни таъна қилма, чунки бандаси ишнинг оқибати қандай бўлишини билмайди.

Зулмати куфр ичра элга нури иймондур даво.

Куфр зулматида одамларга иймон нури даво бўлади.

...замон ҳосид эрур, аҳли замон ҳам.

Замон ҳам, замон одамлари ҳам ҳасадгўйдир.

Замона аҳлиға гар юз қуёшча кўргузубсен меҳр,
Вафо зинҳорким, бир зарра чоғлиғ эътимод этма.

Одамларга юз қуёшчалик меҳрибонлик кўрсатсанг ҳам, улардан заррача оқибат кутма.

Замона аҳлики, давлат чоғи қулунгдурлар.

* * *

Золимки, шиор этти жафо поясини,
Ўз воясин истаб, олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

Жафо етказишни шиор қилиб олган золим ўз фойдасини кўзлаб, одамларнинг ҳақини тортиб олади. Бундай киши узоқ яшамайди — Ҳақнинг ўзи золим умрининг соясини қисқа қилади.

З-ошноён он қадар ранжу алам дидам, ки нест
Майли он акнун, ки бо худ низ бошам ошно.
Дил харошу жон ано бинад аз эшон гўиё,
Ҳаст як нисф аз хароши дил, дигар нисф аз ано.

Дўстлардан шу қадар кўп ранжу алам кўрдимки, энди ҳатто ўз-ўзим билан дўстлашишдан ҳам юрагим безиллаб қолди. Улардан кўнглимга озору жонимга азоб етади, гўё уларнинг бир қисми дилга озор берувчи-ю, бир қисми жонни азобга қўювчи.

Зи сар то по набошад шеъри кас хуб,
Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.
Баду нек ар баробар ҳаст, бад нест,
Басе доранд ин неку ҳаваспро.
Зи бад гар неки ў бошад зиёда,
Надид аз сад яке ин дастрасро.
Каломи Ҳақ наёмад жумла яксон,
Чи бошад нукта мушти хору хасро.

Ҳеч кимнинг шеъри бошдан-оёқ бир хилда яхши бўлмайди — бу деярли мумкин эмас. Агар яхшию ёмони баробар бўлса, бу — ёмон эмас, буни кўпчилик орзу қилади. Ёмонидан яхшисининг кўп бўлиши юздан бир шоирга ҳам муяссар бўлган эмас. Ҳақнингки, барча сўзи бир хил бўлмагандан кейин биздек хору хасларга тенгликни ким қўйибди?

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани, бўлса санга ҳуш ёр.

Эй эс-ҳушли киши, зулмнинг оқибати ўзингга ёмон, шунинг учун эс-ҳушинг бўлса, зулмдан воз кеч.

Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону.

Яхши бека бўлмаса, уй ҳар қанча зеб-зийнат билан файзли бўлмайди.



Зинҳорки, зулм риштасини уз,
Инсоф ила адл қасрини туз.

* * *

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча бўлғой, неча?

Кундузи ишинг зулму кечаси гуноҳ. Бу зулму гуноҳ қачонгача давом этади?

Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

Итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур.

* * *

Итки, тааллумда чу бўлди камол,
Сайд онинг оғзидин ўлди ҳалол.

Ит ўрганиш билан комил бўлгач, унинг оғзи билан тутган овини ҳам ейиш мумкин бўлди.

Икки қаро пул, чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.

Ўз меҳнати билан топилган икки чақа шоҳ берган бутун бир хазинадан яхши.

Инсон ани билки, ком эрур онга салоҳ,
Тил ҳифзида бил зумраи инсонга салоҳ.

Мақсади яхшилик бўлган кишини инсон деб бил, инсонларнинг яхшилиги тилни сақлашда.

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

Ҳақиқатда иш деб, ҳар ким ўзи билиб ишлай олган ишни айтилур.

Ишидин анга ҳосил ўлмас фароғ,
Емай кўп узун кеча дуди чароғ.

[Ўқувчилар] мақсадларига етиш учун узун кечаларда кўп чироқ дудларини ейишлари керак.

Иш куни қўйганда адув сори юз,
Тўра била бурна ясолингни туз.

Уруш куни душманга ҳужум бошлашдан олдин тўра (бўй баробари қалқон) ва лойиқ ҳаракатларни тўғрила (олдин яхши ҳозирлан).

Ишни поёники, зишту вожун бўлғай,
Улдурки, ёмон иш била мақрун бўлғай,

Ёмон ишга аралашган киши ишининг натижаси ҳам ёмон ва кир бўлади.

Ишқ ахтаридур дурахшанда, башарият кўзин нури ва сафоси андин.

Ишқ ёлқин юлдуздир, одам боласининг кўз нури ва равшанлиги ундандир.

Иззат бермас нақду дирам борлиғи,
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи.

Тама билан машғул кишини молдорлик, бойлик иззатли қилолмайди.

Иззати ҳаддин кам эса, хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ дағи марғуб эмас.

Керагидан жуда кам иззат қилмоқ ёмон бўлганидай, ўз даражасидан ошириб иззат қилиш ҳам яхши эмас.

*

Ишқ ангаким, бўйла нишаст айлагай,
Ўзлугидин фориғу маст айлагай.

Ким ишқ домига тушса, ўзини унутиб, маст бўлади.

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Илмни ким бойлик орттиришу амалга эришиш воситаси қилиб олса, у ўзини ҳам, халқини ҳам алдайди, тўғри йўлдан адаштиради.

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули
Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сарғарур.

* * *

Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни.

* * *

Ишқ агар бўлса гунаҳ, менман гунаҳкор, эй кўнгул.

* * *

Ишқ кўйи туфроғи бир кимиёдур...

* * *

Истасанг душманинг ўлғай санга дўст,
Кирмагил дўст била душман аро.

* * *

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд арманий, ёхуд араб.

Ишқ комил бўлса, маъшуқанинг миллати ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди — у хоҳ араб, хоҳ арманий бўлсин, ошиғини ё Фарҳод, ё Мажнун қилади.

Ишқнинг савдоси жонимға зиёндур демаким,
Ҳар киши мундоқ зиён ишқ ичра қилса судидур.

* * *

Иста йиртуқ жанда кийганларда маъни махзанин —
Ким, бу янглиғ ганж ўлур ул навъ вайронлар аро.

Маъно хазинасини йиртиқ кийим кийганлардан изла, чунки бундай хазина шундай вайроналарда бўлади.

Ишқ кўйида қора туфроқча йўқ жон қиймати,
Йўл яроғин доғи топмас улки, молу жоҳи бор.

Ишқ оламида жоннинг қора тупроқча қадри йўқ, молу мартаба соҳиблари бу борада ҳатто йўл яроғига ҳам эга бўлолмайдилар.

Илми дин касб қилки, суд эрмас
Чарх мушкилларини ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

Дин илмини ўрган, чунки тақдир синовларини ҳал қилишга умрни сарфлаш бефойда. Лекин билсанг-у, амал қилмасанг, дин илми ҳам беҳуда.

Ишқи ғолиб илгида ҳар кимсаким, мағлуб эмиш.

Ишқ ҳамиша ғолиб, унинг қўлига тушган кимса мағлубдир.

Илм ўқуб, амал қилмағон ерни шиёр қилиб, тухум солмағонға ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра олмағонға.

Илм ўрганиб, унга амал қилмаган киши ерни ҳайдаб, экин экмаганга, экин экса ҳам, ундан баҳраманд бўлмаганга ўхшайди.

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

* * *

Иймонға эрур нишон ҳаё бирла адаб,
Ҳурмат била таъзим саодатқа сабаб.

* * *

Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,
Ўргануpга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

Илми йўқ киши халқ ичидаги ўзидан бошқани ўйламайдиган бир жоҳилдир. Билмаганини ўрганишга интилган киши эса жаҳон алломасидир.

Ишқсиз — кесак, дардсиз — эшак.

* * *

Инсон била шайтон орасида адоватдур ва табиий мухолифат: бири ўтдин ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларидадур ул чоғдин ўт ғолиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфроғ ғолиб бўлса, ўтни ўчирур.

* * *

Илоҳи, йиллар ибодат қилғонни рад қилсанг, ҳеч ким дахл қила олмас ва қарнлар (асрлар, даврлар — Э.О.) исён қилғанни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас.

* * *

Илоҳи, тақдир қилғанингни қилурға не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор.

* * *

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Отанг учун ҳамиша жонингни фидо қилишга тайёр тур, имконинг борича онангнинг ҳурматини ҳам жойига қўй. Ота-онага яхшилик қилишни охиратинг обод бўлишининг шарти деб бил.

Иймон топқон кишига Ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасау заҳматидин.

Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга,
Билки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.

Билки, ишқ дур бўлса, кўнгил унинг садафи, ишқ қуёш бўлса, кўнгил унинг буржидир.

Ишқ эритур ақли ситамкорани,
Шуъла нечукким, су қилур хорани.

Ўт тошни сув қилганидек, ишқ ҳар қандай қаттиқ кўнгилни эритади.

Истасангким, кўрмагайсен бевафолиқ, эй рафиқ,
Қилма олам аҳли бирла ошнолиқ, эй рафиқ.

* * *

Икки жонибдин агар хулқ карим бўлғай, адабу тавозуъ муқобаласида иззату таъзим бўлғай.

Агар икки томоннинг ҳам хулқи гўзал бўлса, бирининг адабу тавозесига жавобан иккинчиси иззату таъзим кўрсатади.

Инсоният боғининг дилписандроқ шажари ҳам эҳсондур ва одамийлик гулининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур.

Инсоният боғининг гўзал дарахти ҳам, одамийлик гулининг қимматли гавҳари ҳам яхшиликдир.

Исроф сахо эмас ва итлофни маъно аҳли саховат демас.

Исроф қилиш сахийлик эмас ва кераксиз харажатни оқиллар саховат демас.

Иликка кирса қуруқ ноне, маош учун чекма
Нишот неъматининг миннатини Ҳотамдин.

Қўлингда бир бурда нонинг бор экан, тирикчилик ғамини еб, яхши еб-ичиш илинжида Ҳотам (сахийлиги билан ном қозонган араб қабила бошлиғи) миннатини тортма.

Иззат топмас ким қаноатсиз ўлур,
Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз бўлур.

Қаноатсиз киши ҳурмат топмайди, ҳасадгўйнинг хотиржамлиги бўлмайди.

Ишки неча саъблиқ, имкон эрур,
Ким ани осон тутар, осон эрур.

Ҳар қандай оғир ишнинг ҳам ечими бор, ким уни осон ҳисобласа, амалга ошириш осон кечади.

Ишеким, зарар нафдин бўлса кўп,
Эмас қилмоғи ақл олинда хўб.

Зарари фойдасидан кўпроқ бўлган ишни қилиш ақлдан эмас.

Илм ичра менга то бўлди мадхал,
Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал.

Илм орттиргач, дунёда мен ҳал қилолмайдиган муаммо қолмади.

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

* * *

Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиғи.

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиқ чоғи харж қилғил ани.

Ёшликда илм хазиналарини йиққин, қаригач сарф қилгин.

Йиллар тутубон шайх мақолотига гӯш,
Не кӯнглима завқ етти, не жонима жӯш.

Кӯп йиллар шайх сӯзига қулоқ солиб, на кӯнглимга хурсандлик ва на жонимга ғайрат ҳосил бӯлди.

Йилонни киши тутса саркӯфта,
Балодин қилур ӯз йӯлин рӯфта.

Киши илонни тутганда бошини янчса, ӯзини балодан қутқарган бӯлади.

Йӯқ эрса мизождин мувосо,
Жон берса, не суд элга Исо?

Кишининг мизож ва табиати бузулгач, Исонинг жон беришидан нима фойда?

Йӯқ ҳунари, ёлғиз эса ӯз киши,
Қайда киши сонида ёлғиз киши.

Кимсанинг ӯзи ёлғиз эса, унинг фазилати ҳам йӯқ кабидур, чунки ёлғиз киши киши қаторида бӯлмайди.

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегил-у, қўйғил қадам.

* * *

Йўлдин охир сурма султонмен дебон дарвешни,
Ёд эт: ул йўлдинки, ҳам дарвешу ҳам султон борур.

* * *

Йўқ олам ичинда фардлиқ меҳнатидек.

Оламда ёлғизлик азобидек азоб йўқ.

Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин.

Инсон учун қўли очиқликдан ортиқ фазилат йўқ.

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,
Хамлиғидин тушса йироқ, йўқ ажиб.

Йўл ҳар қанча тўғри-ю, мақсад яқин бўлмасин, эгрилиги туфайли киши манзилга етолмай ора йўлда қолса, сира ажабланадиган жойи йўқ.

Йигитликда йўл урди нафси ҳасуд,
Надомат қарилиғда эмди на суд.

Ёшликда нафсинг бошлаган ёмон йўлдан юрган бўлсанг, қариликда энди афсус-надомат чекишингдан нима фойда?

Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур.

Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олгучи кўпроқ юрагин чок этар.

Кон қанча кўпроқ тоза марварид етиштирса, олувчи киши унинг юрагини кўпроқ ёради.

Косиб, ганжи кафи зар олғинжи эрур,
Икки қўли мизони дирамсанжи эрур.

Косибларнинг олтин олувчи хазинаси уларнинг қўлларидир. Танга ўлчов тарозиси эса, яна шул қўлларидир.

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ шастидин эмин,
Хушо ул чуғзким, вайрона кунжин ихтиёр этмиш.

Подшоҳнинг олий бинолари бурчагидаги каптарлар унинг зулм тузоғидан хотиржам бўлолмайдилар, уларга нисбатан бузуқ вайроналарда ётувчи бойқушнинг вақти хушроқдир.

Коминг учун туз бўлу, адл айла иш.
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.

Мақсадингга етиш учун тўғри иш қил, нотўғри (қинғир) бўлган ўқ фойдасиз кетади.

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Оламдан ғамсиз ўтай десанг илму ҳунар ўрган. Дунёдан камолатга етишмай ўтиш ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишнинг худди ўзи.

Катакда қолиб бўрдағон мокиён,
Не маълум учмоқда суду зиён.

Катакда семириб ётган макиён учишнинг фойда ёки зарарини қайдан билади.

Карамсизки, бор уйда махзан анга,
Фалокат била фоқадур фан анга.

Хасиснинг уйида хазина бўлса ҳам, унинг ҳаёти фалокат билан очликдан иборат.

Кеча яшнар қурт забона ишин қилмас,
Ва кўпалак парвона ишин.

Кечаси ялтираб кўринувчи қурт ўтнинг, капалак парвонанинг ишини қилолмайди.

Керак бўлса, сўз ўйлаким дурри пок,
Садафдек ҳақир ўлса қойил, не бок.

Сўз пок гавҳар каби қимматли бўлгач, сўзловчининг садаф каби хор бўлишидан нима зарар.

Ки, бергучи агар ўлсун гадо-ю олғучи шоҳ,
Берур илик юқорию, олур илик қуйидур.

Берувчи гадо бўлиб, олувчи шоҳ бўлса ҳам, саховатлик киши ҳар вақт юқоридир. Яъни берадиган кўл оладиган кўлдан юқори туради.

Ки деҳқон неким, дона мазру этар,
Ани-ўқ ўрар, чунки вақти етар.

Деҳқон қандай экин экса, вақти етганда шуни ўради.

Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам.

Ҳар кимки, эгри бўлса, унинг топган мартабаси ҳам тўғри эмас, унинг сармояси, келтирган фойдаси ҳам ўзидек эгри бўлади.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.

Яхши қилиқ кўрсатганларнинг ўзларига яхшилик етади.

Килки улус ўртамакига ўтун,
Ўткариб ул ўти фалакдин тутун.

[Сотқин котибларнинг] қалами, халқни куйдириш учун ўтинлик вазифасини бажарадиким, у ўтдан чиққан тутун осмондан ҳам ошиб кетарликдир.

Ким бўлса ҳунарсиз, иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

Ҳунарсиз кишилар аламга эга бўлсалар, ҳунарлилар хазинага эгадирлар.

Ким бўлса табиати муолиж,
Жисмидин этар маразни хориж.

Кимнинг табиат ва мизожи илож қилувчи бўлса, жисмидан хасталикни чиқаради. Яъни кишининг организми кучли бўлса, ўзини хасталикдан мудофаа қила олади.

Ким бўрилиғ этса, ковла они,
Ул ер ити бирла овла они.

Бўри каби йиртқичлик қилган кишини ўз жойининг ити билан овла.

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

Дунёда буюклик истаган киши, саховатли бўлиши ҳам ваъдага вафо қилиши шарт.

Кимгаким, инсоф йўқ, инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Инсофи йўқ киши одам эмас, инсофсиз кишининг қилиғи камчиликдан бошқа нарса эмас.

Кимки қилур чинлик алардин ҳавас,
Қошлари устида топор чину, бас.

Ёлғон сўзлашга ўрганганлардан чин истасанг, қошлари устидаги чин (пешана тириши) нигина топасан, холос.

Кимки, чини эл аро ёлғондурур,
Ёлғони чинлиққа не имкондурур?

Одамлар орасидаги рост сўзи ёлғон бўлиб танилган кишининг ёлғони қачон чин бўла олади?

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб дер эл, чин деса, қолғон сўзин.

Ҳар ким ўз сўзини ёлғон қилса, одамлар унинг қолган сўзини ҳам ёлғон дейдир.

Кимки, қаноатдин эрур ҳужжати,
Яхши-ёмонга йўқ анинг ҳожати.

Қаноатли киши яхши ёки ёмонлар олдида юз сарғайтириш азобидан холидир.

Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Ҳар ким билан дўст бўлмоқчи бўлсанг, олдин у кишини яхши сина, текшир.

Киссангда агар дирам йўқ,
Кўнгулда кисабурдин ғам йўқ.

* * *

Кимники инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда ҳам феълда яксон эмас.

Ҳаммани бир хилда одам десанг, бу тўғри бўлмайди. Чунки одамлар шаклда ҳам мазмунда бир хил эмаслар.

Ким ўлса ҳиммат илгидин кушоди,
Не топсинким, топилгандир муроди.

Кимнинг ҳимматдан баҳраси бўлса, унинг муроди топилган бўлади, яна мурод излашга ҳожат йўқ.

Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Айбингни кўрсатувчи кишига дам урма (қаттиқ тегма), чунки ул ойнадир. Ойна дам уриш билан хиралангач, бошқа айбингни кўрсатолмайдиган бўлиб қолади.

Киши бўлса ҳам, филмасал тавъамон,
Бўла олур, ул яхши-ю, бул ёмон.

Эгизак туғилганлар ҳам бир хил бўлолмайдилар, уларнинг бири яхши, бири ёмон бўлиши мумкин.

Киши ҳанзал экса, ачиғ бар топар,
Ва гар найшакар экса, шаккар топар.

Киши аччиқ экин (итхамак — итқовун) экса, аччиқ ҳосил олади. Агар найшакар экса, шакар олади.

Киши муҳраро ҳар на қилса нигор,
Варақда ҳамул нақш ўлур ошкор.

Муҳрга нима ўйилган бўлса, қоғозга ҳам шу тушади.

Киши таълимдин топса малолат,
Топар илм аҳли олинда хижолат.

Ўрганишни оғир кўрганлар илм аҳли қошида уятга қоладилар.

Киши ўз мадҳин деса, чин доғи бўлса, нописанддур.

Кишининг ўзини мақташи тўғри бўлса ҳам эътиборсиздир.

Кўп олтун-кумуш сори қўл сунмағил —
Ки, тутсанг кафингни қаро ранг этар.

Олтин, кумушни тўплашга уринма, чунки уни қўлда тутиш қўлни қаро қилади.

Кўрмак аввал демакда осонлиқ —
Ки эрур, сўнғи бас пушаймонлик.

Бошда яхши ўйламай сўзлаш кейинги пушаймонга сабаб бўлади.

Кўрган киши ўткарур забона,
Куйган киши кўргазур нишона.

Ўтни кўрган киши, алангасин ҳам кўради аммо ўт доғини куйган киши кўрсатади.

Кўрмагасен йўл аро ранжу надам,
Ҳар қадами ўрнига қўйсанг қадам.

Ҳар бир қадамингни билиб боссанг, алам ҳам кўрмайсан, ҳеч қачон ўкинмайсан ҳам.

Кўзима ҳар дам ёруғроқтур юзингни кўзгуси,
Хосият мундоқ эмиш, ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Юзингнинг ойнаси кўзимга ҳар нафас равшанроқ бўлиб кўринади. Ҳақиқатда ҳам, ҳар кимда пок муҳаббат бўлса, шундоқ хосият беради.

Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас,
Анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас.

Тил найзасидан бўлган кўнгил яраси битмайди. Унга ҳеч нарса марҳам бўлолмайди.

Ким хўйи ёмон бўлса, машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга.

Ёмон қилиқли бўлган кишининг оғирлиғи ҳам ўзига бўлганидек, хушфеълликнинг фойдаси ҳам кишининг ўзигадир.

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,
Бу от ила гар десалар ўзу ёт.
Сидқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам, халқ инонмас анга,

Бировнинг ёлғончилиги машҳур бўлиб қолгач, ҳар қанча чин гапирса ҳам, унга кишилар ишонмайдиган бўлиб қоладилар.

Кимсага ҳар шевада қаллоблик,
Андин эрур яхшики каззоблик.

Ҳар вақт қаллоблик қилувчи бўлгандан ёлғон сўзловчи яхши.

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам яна оз иш била қилма нажанд.

Одамларни юқори мартабага кўтаришда шошилма ва оз, арзимаган иш учун хўрлама.

Кулгуки, ўз ҳадидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Ўз ҳаддидин ошган кулгидан йиғи яхши.

*

Кимки ошиқ эрмас, ул эрмас киши.

* * *

Кимки, йўқдур нақддин пирояси,
Билки, ҳиммат басдурур сармояси.

Мол-дунёси йўқ одамнинг ҳиммати бўлса, шунинг ўзи етарли давлатдир.

Кимсага ҳеч ишта гар етмас илик,
Бок йўқ, гар ҳиммати бўлса бийик.

Кишининг қўли бирор нарсага етмаса ҳам, ҳиммати буюк бўлса, шунинг ўзи кифоядир.

Кимки, бўлғай ҳиммати оли(й) анга,
Бар берур бу ҳиммат иқболи анга.

Кимнинг ҳиммати олий бўлса, шу бахтнинг ўзи унга ўз самарасини беради.

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоқки, кўнгул каъбаси.

Оламнинг қибласи бўлган Каъбанинг кўнгил каъба-сичалик қадри йўқ.

Кўнгул эрур булбули бўстони роз.

Кўнгил сир бўстонининг булбулидир.

Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Бировга қилча зарар етказган бўлсанг, у илондек сенинг ўлимингга сабаб бўлади.

Кимки улуғроқ, анга хизмат керак,
Улки кичикроқ, анга шафқат керак.

* * *

Кимга фано ганжидин огоҳлиқ,
Мулки қаноатда анга шоҳлиқ.

Кимки фақирлик давлатидан баҳраманд бўлса, у қаноат мулкининг подшоҳи бўлади.

Кимки фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

Ким осмонга тош отса, у ўз бошига тушиб, ўзига зарар етказади.

Кимгаки жонондин эрур жон азиз,
Ҳайфки, қилғай ани жонон азиз.

* * *

Кишиким, ичса ҳиммат базмидин жом,
Топар ул жомдин комин саранжом.

Ҳиммат неъматидан баҳраманд бўлган киши барча муроду мақсадига етади.

Ки ҳар иш сориким, табъ ўлди мойил,
Эрур ўткармак андин ўзни мушкил.

Кишининг кўнгли бир ишга мойил бўлса, ундан воз кечиши қийин.

Киши гар қилса минг йил подшолиқ,
Жаҳон мулкига айлаб кадхудолиқ,
Чу тортар оқибат жоми фанони,
Борур дам фаҳм этар бир дамча они.

Агар киши бутун дунёни қўлига киритиб, минг йил подшолик қилса ҳам, охир-оқибат ажал шарбатини ичади ва жон бераётганда минг йиллик умри бир лаҳза бўлиб туюлади.

Ки гардун етти қасридур вафосиз,
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз.

* * *

Кишининг ер юзига ҳукми етсун,
Қазойи осмони етса нетсун.

* * *

Кўнгул дардиға дармондур насиҳат,
Қилоли улча имкондур насиҳат.

* * *

Киши тақдирдин бўлмас чу қочиб.

* * *

Ким чекса қадаҳ ниёз бирла,
Хушроқки, риё намоз бирла.

Риё билан намоз ўқигандан ихлос билан май ичган афзал.

Кўп деган кўп янгилур ва кўп еган кўп йиқилур.

Кўп гапирган кўп янглишади ва кўп еган кўп дардга чалинади.

Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсға маъмурлуқ.

* * *

Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармакдур ва ани ул суубатдин ўткармакдур.

Карам (меҳрибонлик, яхшилик) бир бечоранинг оғирини енгил қилиш ва уни бу қийинчиликдан қутқаришдир.

Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд.

Карам ва мурувват гўё ота-онаю вафо ва ҳаё икки туғишган фарзанд.

Комиллар — аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

* * *

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

* * *

Киши ўзин ясағон бирла бўлурму ошиқ,
Субҳи козиб ёрумас, уйлаки субҳи содиқ.

Киши ўзини севган каби кўрсатган билан ошиқ бўлиб қолмайди. Субҳи козиб (ёлғон тонг) субҳи содиқ (ҳақиқий тонг)дек ёруғ бўлмайди.

Киши молидин неким баҳра олди анингдекдур, ҳар неким асради ўзганинг.

* * *

Кўнгул махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.

Тилни кўнгил хазинасининг қулфи, сўзни унинг калити деб бил.

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур —
Ки, махзанда дур ё садафрезадур.

Сўзингга қараб, кўнглингни билиш мумкин: бу хазинада дур борми ёки садаф синиғи?

Кўп дегувчи, кўп егувчи — томуғ тўрига ошиқиб кетгувчи.

Кўп гапирувчи ва кўп еювчи киши жаҳаннам қаърига шошилаётган бадбахтга ўхшайди.

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

* * *

Кишида барча ахлоқи ҳамида
Чу жамъ ўлди, қўярлар отин эҳсон.
Бири андин саходур, бири мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

Кишида барча яхши фазилатлар жам бўлган бўлса, уларни бир сўз билан эҳсон дейдилар: унинг бири — саховат бўлса, бири — мурувват. Бу иккисидан бебаҳра инсон инсон эмас.

Кулар юз билан ато, сахо устига сахо.

Очиқ чеҳра билан саховат қилиш саховат устига саховатдир.

Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбиға кўз солма.

* * *

Кафшсизликдин малул бўлмағил, аёғсизларга боқиб, шукр қил.

Ковушим йўқ, деб нолима, балки оёғи йўқларга боқиб шукр қил.

Кўнглунга хирад йўлин падидор айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла,
Ҳар ишда хирадни ўзунгга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.

Кўнглингга ақл йўлини кўрсат, ақл давлатига жонингни харидор қил, ҳар ишда ақлни ўзингга ёр айлаб, ақл ёрдамида айбу гуноҳларингни тарк эт.

Кимни тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин, десанг, англайин, фиъолин англа,
Кирдориға боқиб, асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг хисолин англа.

Бировнинг кимлигини билай десанг, сўзига боқ, аслига қизиқсанг, юриш-туришини кузат. Хатти-ҳаракатини кўриб, унинг аслида кимлигини билиш мумкин, чунки кишининг феъл-атвори унинг қандай инсон эканлигига ёрқин далил.

Кўп англа бир ўлса журми носоз ҳануз,
Гар минг ўлса тоат, эрур оз ҳануз.

Ёмон гуноҳнинг биттасини ҳам кўп, тоатнинг мингтасини ҳам оз деб бил.

Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йўқ, эл ичинда бўлса доно охир.

* * *

Кўнглунгни арит борча ямон хислатдин —
Ким, яхши қилиғ далил эрур раҳматдин.

* * *

Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл.

Қалби гўзал кишилар суҳбатини изла. Тўқлик кўнгилни ўлдиради, шунинг учун оч бўл.

Ким оз деди нукта, айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга.

* * *

Ким олим эса, нуктада барҳақ де они,
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга, аҳмақ де они,
Мажлисдаки, илм бўлса, учмақ де они.

Ким олим эса, ҳар бир сўзини ҳақиқат деб бил, у ташкил этган davраларни ҳақиқий жаннатга қиёс қил. Кимнинг илми бўлмаса, уни аҳмоқ ҳисобла, илмий анжуманларни жаннат боғига ўхшат.

Ким садқа берур, агарчи Афридундур,
Гар миннат этар, бу феъл ила матъундур,
Миннат била улки садқа айлар дундур —
Ким, журми анинг савобидин афзундур.

Садақа қилган киши агар Афридун (одиллиги ва олижаноблиги билан машҳур Эрон шоҳи) бўлса ҳам, агар миннат қилса, бу қилиғи билан таъна-маломатга қолади. Садақасини миннат қиладиган киши пасткашдир. Миннат билан қилинган садақанинг гуноҳи савобидан кўпроқ бўлади.

Ким бўлди киши ҳалоки худбинлик аро.

Кишининг ҳалокати худбинлигидандир.

Ким мусулмонлиғ айласа даъво,
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар.

Ким мусулмонлик даъво қилиб, бу йўлда жонини фидо қилса ҳам, у чин мусулмон эмас. Қўли ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина чин мусулмондир.

Кимки, ҳар кимга ваъдае қилди,
Шарт эрур ваъдаға вафо қилмоқ.

* * *

Кимки ислом кўзгусида тилар
Ҳар замон ўзга бир сафо мавжуд.
Кечсун ул навъ борча ишдинким,
Тенгри рози эрмас, улус хушнуд.

Кимки ислом кўзгуси билан қараганда ўзида ҳар замон поклик кўришни истаса, Ҳақ розию халқ хурсанд бўлмайдиган ҳар қандай ножўя ишларни тарк этсин.

Кимки мўминдурур, қачон чидағай —
Ким, ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.
Анга доғи керак етурса насиб,
Хонида агар кулочу хоҳи умоч.

Мўмин киши қўшниси оч бўла туриб, ўзининг тўқ бўлишига чидолмайди: дастурхонида хоҳ ширин кулча, хоҳ умоч бўлсин, унга ҳам илинади.

Кимки саркашрак, ҳаводис ўқиға кўпрак ҳадаф.

Кимки ўжар бўлса, турли балоларга кўпроқ дучор бўлади.

Ким кафанни ёд этар, андин ўлук огоҳроқ.

* * *

Ким кўрди экин жаҳонда, оё, хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ,
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

Бирор киши жаҳонда хурсандчилик кўрганмики, то бошқалар уни орзу қилса? Юз йилда бир марта хурсандчилик агар муяссар бўлса, унинг ёнида юз нохушлик ҳам тайёр туради.

Ким бўлса бу мотамкададек олам аро,
Сайр айласа ғамсириштлик одам аро,
Гар одам эрур, бўлса керактур ғам аро,
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

Ким бу ғамхонага ўхшаган оламда яшаса, зуваласи ғамга қорилган одамларни кўрса, одам экан, ғамга ботади, оламда экан, мотамда қолади.

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур.

Кўнгилда ғам камлигининг ўзи катта ғамдир, аламнинг йўқлиги ҳам қаттиқ аламдир (яъни одам беғам бўлмайди).

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одамий бўлса, пари бирла малакдин ори бор.

Фариштасифат париваш ёри бор киши одам бўлса, ҳуру париларни орзу қилмайди.

Киши фарзанди қачон кимсага фарзанд ўлмиш?

* * *

Кимсани қўймас ҳамиша чун бу даҳри дун йигит.

Бу тубан дунё ҳеч кимни ёшлигича қолишга қўймайди.

Кўнгулнинг ўзгадур ҳар лаҳза ҳоли.

* * *

Кўп ачиғланма, агар бўлсанг улустин талхком,
Улча қисмингдур қазодин, кимга айларсен ғазаб?

Халқдан аламзада бўлсанг, кўп аччиқланма, тақдирнинг ҳукми шу бўлса, кимга ғазабингни сочасан?



...кимса йўққим, чарх зулмидин забун эрмас.

Бу дунёда тақдирнинг номардлигидан жабр кўрмаган кимса йўқ.

Кимга қилдим бир вафоким, кўрмадим юз минг жафо?!

* * *

Кўп, эй гул, урма булбул жониға бедод хоринким,
Сену мендек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон.

Эй гул, булбул кўксига зулму ситам тиканини кўп санчма, бу бўстон сену мендек гулу булбулни кўп кўрган.

Кўнгулни гар, десанг, олдурмай, аввал кўзни олдурма.

* * *

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

* * *

Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул бўлса саййиди Қурайший.
Бормағай дўзах ичра ҳеч сахий,
Филмасал, бўлса бандаи ҳабаший.

Қурайш қабиласи (пайғамбар авлоди)нинг улуғларидан эса-да, бахил киши жаннатга кирмайди. Қора танли ҳабаш эса-да, сахий киши дўзахга тушмайди.

Кишики, истасаким етмагай малолат анга,
Керакмас аҳли жаҳон бирла завқу ҳолат анга.

* * *

Кимса даврон аҳлидин ҳаргиз вафое кўрмади.

* * *

Киши девона бўлса яхшироқ юз қатлаким, аблаҳ.

* * *

Кўнгул футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

Садаф синмай гавҳар чиқмаганидек, кўнгилга ҳам то жароҳат етмас экан, сирларини очмайди.

Киши айбин юзига қилма изҳор,
Тааммул айла ўз айбингға зинҳор.

Кишининг айбини сира юзига айтма, ундан кўра ўз айбларингни ўйла.

Кишиким, ёрини ҳар кун кўрарга ўргануp эрмиш,
Чу бир кун кўрмас эрмиш, бениҳоят эмганур эрмиш.

Ёрини ҳар куни кўришга ўрганиб қолган киши бир куни кўрмай қолса, ниҳоятда қийналар эмиш.

Кўрубмен анча ғаму дард ошнолардин,
Чекибмен анча алардин алам ано бирла —
Ки, тушса жоним ажал сайлиға, эрур хўброқ
Ғариқлиққи, халос бўлмоқ ошно бирла.

Яқинлардан шунча кўп ғаму дард кўрдим, улар туфайли шунча кўп оғир аламлар чекдимки, улардан қутулиш учун жоним ажал тўфонига учраб, йўқ бўлгани яхшироқ.

Киши топса ҳамдардини ногаҳон,
Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон.

* * *

Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.

* * *

Кишига неча келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.

Кишининг бошига ҳар қанча мушкул иш тушмасин, илм ва ақл кучи билан уларнинг барчасини ҳал қилиш мумкин.

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишона анга иймон эрур.

* * *

Кўзки, эрур эгри анинг хилқати,
Бирни икки кўрмак эрур санъати.

Кўз қийшиқ бўлса, битта нарса унга иккита бўлиб кўринади.

Кўнглунг ичра нафас кибидур роз,
Қайтмас кимсадин чу чиқти нафас.

* * *

Кому нашоту айш ба хосон насиб шуд,
Аз мо ба ғайри меҳнату дарду бало мапурс.

Бахту шодлигу роҳат хосларга насиб бўлди, биздан дарду машаққату балодан бошқасини сўрама.

Китоб он кас, ки аз кас орият жуст,
Макун з-аҳли хирад, дигар шумораш.
Ки ҳаст он мўниси маҳбуб касро
Гаҳе андар бағал, гаҳ дар канораш.
Чи аблаҳ мардаке бошад, ки гўяд,
Ба ман деҳ чанд рўзе мустаораш.

Бировдан қарзга китоб олган кишини оқил деб ҳисоблама, унга бошқа таъриф керак. Чунки китоб кишининг дўсти ва севгилиси бўлиб, уни гоҳ қўлтиғи, гоҳ кучоғига олади. Бинобарин, у қандай аблаҳ кишики, бир неча кун фойдаланиш учун менга (китобингни) бериб тур, дейди.

Киши гар кўксини юз пора қилсун,
Фалак бедодиға не чора қилсун?

Киши кўксини юз пора қилса ҳам, тақдир зарбасига чора тополмайди.

Лола-ю гулким совурур девбод,
Қўйса бўлурму анинг отин жавод?

Лола-ю гулларни тўкиб юборувчи қаттиқ шамолнинг ишини сахийлик, яхши иш деб бўладими?

Лек мундин кўп совуқдур, ашк тўкмак зўр ила,
Дай елида қатра-қатра муз томизғон ел каби.

Ёлғондан йиғлаш (шайтонлик) ҳар нарсадан ҳам совуқдир. Бундай кўз ёши қишда муздан эриб тушган томчилардан ҳам совуқроқ.

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир.

(Болаларга) меҳрибонлик, юмшоқлик яхши бўлса ҳам, ўрнида қаҳру сиёсат ҳам керакли чорадир.

*

Лоф аро эрмен деган эрму бўлур?
Келмас ишни илкидин дерму бўлур?

Эр кишиман деб лоф урган киши эр бўлавермайди. Эр киши қўлидан келмайдиган ишни қиламан демайди.

Лаим фарқиға иқбол тожини қўймоқ,
Яқинки, бўлғусидур мужиби азоби анинг.

Хасиснинг бошига иқбол тожини кийдириш унинг азобга қолишига сабаб бўлади.

Лаълдек бошим осилсун ғарқаи хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.

Лаъл (қизил рангли қимматбаҳо тош) қадалган подшоҳлик тожига заррача қизиқишим бўлса, лаълдек қипқизил қонга беланиб, бошим осилсин.

Лайли дардидур Мажнунға махсус.

* * *

Лоф аз дониш нест ба жуз нодони,
Донистани жаҳл илм шуд то дони.
Мушкил ба худат кор чаро гардони,
Чун бошад як нею ҳазор осони.

Илму маърифатдан лоф уриш нодонликдан бошқа нарса эмас. Агар билсанг, нодонликни билишнинг ўзи илмдир. Нима учун ўз ишингни мушкуллаштирасан, чунки битта «йўқ»дан мингта осонлик юзага келади.

Моддаким бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга дафъи фасод.

Агар ярага малҳам ёрдам бермаса, унинг чораси ништардир.

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Деҳқон уруғини мола босмай эккач, ҳар қанча диққат билан тикса (сочса) ҳам, у экин сувни тенг ичмайди. Яъни экин яхши битмайди.

Маъдани инсон гуҳари сўздурур,
Гулшани одам самари сўздурур.

Инсоният конининг қимматбаҳо инжулари ҳам сўздир. Одамият чаманзорининг меваси ҳам сўздир.

Масканинг истар Навоий нася жаннат аҳли зуҳд.

Сўфилар жаннатни истасалар, Навоий сенинг (маҳбубнинг) турар жойингни излайди.

Мевага мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

Меванинг мағзи ва пўсти бўлганидай, кишининг ҳам душмани, ҳам дўсти бор.

Меҳнат аро ҳар кимки, таҳаммул йўқ анга,
Тарвижга мутлақо тахайюл йўқ анга.

Кимки меҳнатга чидамсиз бўлса, унинг ишининг ривожланиши тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Меҳрки, равшанлик этар фош ани,
Кимга гунаҳ кўрмаса хуффош ани.

Ҳар ёққа ёруғлик сочувчи қуёшни кўршапалак кўрмаса, бунга ким гуноҳкор.

Мил уза чиқмоқ ангаким воядур,
Чиқмоқу тушмаклик анга поядур.

Минорага чиқишни истовчиларнинг мартабаси чиқиш ва тушишдир.

Мўр терар ар неки сочғай киши,
Бўлди тирик гўрға кирмак иши.

Чумолининг тириклай гўрга кириши (ер остида ётиши) унинг одамлар сочганини териб ейиши — текинхўрлиги натижасидир.

Муфид ашъёға дойим иштиғол эт.
Вале бор ишда майли эътидол эт.

Ҳар вақт фойдали нарсаларга урин. Бекорга лақиллама. Лекин ҳар бир ишда ҳам жуда ортиқ уриниб, ўзингга жабр қилма, ўртача иш тут.

Мулойим такаллум ваҳшийларни улфат сари
бошқарур.

Мулойим муомала ваҳшийларни ҳам дўст қилади.

Мустақим хат ҳар ёнки майл қилди, эгри бўлди,
чолғи
Торидек эътидолидин тажовуз қилди,
тузуги бузилди.

Меъёрида тортилмаган чолғу тори дилкаш оҳанг таратмаганидек, хат ҳам текис ёзилмаса, нафис чиқмайди.

Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,
Тун сочига бермоқ учун бўю ранг.

Кечасига қоронғилик бериш учун қора рангни ҳар кеча беҳисоб (тўхтовсиз) сочиш ўринсиз ҳаракатдир.

Музҳик эрур маст чу айлар хуруш,
Сўзни тааммул била дер аҳли ҳуш.

Ҳушёр кишилар ўйлаб сўзласалар, маст тартибсизлик қилиб, кишиларни ўзидан кулдиради.

*

Минг йил ўлсанг даҳр аро ё бир замон —
Ким, ажал охир санга бермас амон.

Бу дунёда хоҳ минг йил, хоҳ бир лаҳза яша, охироқибат ажал қўлидан қочиб қутулолмайсан.

Мол ўлуб, гар йўқ кишининг ҳиммати,
Маъни аҳли олдида йўқ иззати.

Ҳимматсиз бойнинг оқиллар олдида эътибори йўқ.

Муни билким, жаҳон фонийдур асру,
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.
Агар топса Сикандар мулки зотинг,
Гар ўлса Нуҳ умрича ҳаётинг.
Чу кетмоқлик керактур бот, агар кеч,
Ҳамул давлат била бу умр эрур ҳеч.

Шуни билки, дунё жуда ўткинчидир, ҳақиқат аҳлининг қисмати қайғу-аламдир. Агар Искандардай беҳисоб мулку Нуҳ пайғамбардай узун умр соҳиби бўлсанг ҳам, эртами-кечми, бу оламни тарк этишингга тўғри келади: шунча давлат билан ҳам бу умр ҳеч нарсага арзимайди.

Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

* * *

Молдин умрунгға осойиш агар етмас, не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб.

Қорун (Мусо пайғамбар даврида яшаган киши)дай молу дунёингни одамлардан қизғаниб, Нуҳ пайғамбардай минг йил яшасанг-у, ҳаётингда роҳат-фароғат бўлмаса, бу беҳисоб бойлигу бу узун умрдан нима фойда?

Май ичти, деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар —
Ки, раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.

Оллоҳ раҳматидан ҳеч ким, ҳатто оташпараст ва яҳудийлар ҳам умидсиз эмас, бас, эй мусулмонлар, бор-йўғи май ичганим учун мени гуноҳкор қилманглар.

Муроди гар эмас дилбар муроди,
Илоҳи, бермагил ошиқ муродин.

Мурувват рангию инсоф иси кўз тутмағил элдин,
Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда.

Одамлардан мурувват рангию инсоф исини умид қилма — олам гулистонида бу хил ранг ва бўйлик гул ҳеч қачон бўлмаган.

Манга йўқ, ўзгага бори вафо қилғанни гар топсам,
Бошиға эврулай, оллида жонимни фидо айлаб.

* * *

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Мен истаган кишилар мени ўз суҳбатларидан баҳраманд этмайдилар, менинг суҳбатимни истаганларни эса мен хушламайман.

Мумкин эрмас қисмат ўлған ризқнинг афзунлиғи,
Бас, халойиқ миннатин то бўлғай имкон чекмагил.

Қисмат қилинган ризқни кўпайтириш мумкин эмас. Шундай экан, одамларга иложи борича тама қўлини чўзма.

Мен вафо кимдин топай, бу шевани чун топмади
Офаринишда пари жинси, башар авлоди ҳам.

Мен вафо кимдан топай: бу одатни азалдан пари жинси ҳам, одам авлоди ҳам топмаган бўлса?

Менки бир гулдин жаҳон боғида бўе топмадим,
Найлайин, қилса муаттар даҳрни бўстон иси.

Бу жаҳон боғида мен бир гулнинг ҳидидан баҳраманд бўлолмасам, ер юзини бўстон иси босиб кетганидан менга нима фойда?

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.

Мурувват ўзи емай, топганини бошқаларга бериш бўлса, футувват (жавонмардлик, олижаноблик) барчага яхшилик қилиб, бу ҳақда бировга оғиз очмасликдир.

Мазлумға бахшойиш кўргузки, золимдин осойиш кўргайсан. Хирадманд мухолафатдин қочар ва мувофақатға мулоямат эшигин очар.

Бечораларга марҳамат кўрсатсанг, золимлардан хотиржам бўласан. Оқил киши душманликдан қочар ва мулойимлик билан дўстлик эшигин очар.

Мушукка риоят — кабутарға офатдур.

Мушукка раҳм қилиш каптарга ўлим тилашдир.

Май ичмак наҳй эрур Тенгри қавли, ҳар ҳол била анинг тарки авли.

Май ичиш Оллоҳ ҳукми билан ман қилинган, бинобарин, ҳар қандай ҳолатда ҳам уни тарк этган маъқул.

Мастлар орасида бир ҳушёр — ҳушёрлар орасида бир маст ҳукми бор.

* * *

Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама.

* * *

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур,
дам бу дам.

Ўтган кундану ҳали келмаган кундан камроқ сўз оч, балки ҳозирги дамингни ғанимат бил.

Мўмин эрмастур улки, иймондин
Рўзгорида юз сафо кўргай,
Токи қардошиға раво кўрмас —
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Иймон туфайли ҳаётида юз поклик кўрса-да, то ўзига раво кўрганни дўсту яқинларига ҳам раво кўрмагунча киши мўмин бўлолмайди.

Мўмин эрсанг, қилиб дуррингни нисор,
Эл била равшан ўл нечукким шамъ.
Негаким, Тенгри ҳеч мўминда
Бухлу бадхўйлуқни қилмади жамъ.

Мўмин бўлсанг, топганингни халққа бериб, шам каби одамлар билан биргаликда хурсандчилик қил. Чунки Худо ҳеч бир мўминда бахиллик ва ёмон хулқлиликни жам этмади.

Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амриға одат кўргуз,
Бухл айласа, нафсингға адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса, саховат кўргуз.

Саховат майдонида ҳиммат кўрсатиб, топганингни садақа қилишни одат эт. Нафсинг хасислик қилса, уни жазолаб, нимаки топилса, саховат кўрсат.

Молингки, эрур кому ҳаво йўлида харж,
Жоми маю лаҳни жонфизо йўлида харж,
Бордур ямон айламак риё йўлида харж,
Яхшиси эрур бўлса худо йўлида харж.

Молинг орзу-ҳавас, май жоми, жонга роҳат берувчи овоз ёки риё йўлида харж бўлгани ёмон, яхшиси Худо йўлида сарф бўлганидир.

Майл айла ҳамиша меҳрибонлар сори,
Яхшилару турфа кордонлар сори.

Ҳамиша меҳрибон, яхши, турли ҳунарларни биладиган билимдон кишилар томон интил.

Мўмин бори элдин ўзни кам билса керак,
Ҳақдин не анга келса, карам билса керак,
Беҳикматлиғини дарду ғам билса керак,
Ҳикмат топарини муғтанам билса керак.

Мўмин барча кишилардан ўзини кам деб билиши, Ҳақдан унга нимаики юзланмасин, лутфу карам ҳисоблаши, ҳикматдан бебаҳралигини дарду ғам, ҳикмат топса, унинг ғанимат санаши керак.

Мушкил эмас ишққа жон ўртамак,
Ўтқа не душвор жаҳон ўртамак.

Жаҳонни куйдириш ўтга қийин бўлмаганидек, жонни ўрташ ишққа ҳам мушкул эмас.

Мувашшаҳ хабарни чиндур деб дўстқа еткурма ва бировнинг айби воқеъ бўлса, юзига урма.

Пардоз берилган ҳар қандай сўзни ҳақиқат деб дўстга етказма ва бировнинг айби ошкор бўлса, юзига солма.

Маҳаллида берган эски чорпора тўн — саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб — шақоват.

Ўз вақтида берилган эски йиртиқ тўн — саховат ва бемаҳал берилган зарбоф тўн — хасислик.

Муфлис қонеъ — ғаний ва шоҳу гадодин мустағний.

Қаноатли камбағал — бой ва шоҳу гадога муҳтож эмас.

Мустағний — мағбун, мутакаббир — малъун.

Ўз давлатига мағрур — алданган, манманликка берилган — лаънатга қолгандир.

Мо дард дидаему даворо шунидаем,
Аз мо зи дард пурс вале аз даво мапурс.

Бир дардни кўрганмиз-у, давони эса фақат эшитганмиз. Шунинг учун биздан дардни сўра, лекин давони сўрама.

Мадор чашми вафо аз халқи олам,
Ки ҳеч як ба умеди вафо намешояд.
На умрашон чу вафо дораду на жону на жисм,
Бигў, вафо зи ду-се бевафо кужо ояд?

Олам аҳлидан вафо умид қилма, чунки уларнинг бирортаси ҳам вафо умид қилишга арзимайди. Ахир, на умрлари-ю, на жонлари-ю, на жисмларида вафо бор. Қани, айт-чи, бу икки-уч бевафода вафо қаердан ҳам бўлсин?

Нодон пандида ғалат муқаррардир
Ва душман насиҳатида фириб мутасаввар.

Нодон томонидан бўладиган маслаҳатда хато бўлиши муқаррардир ва душман насиҳатида алдамчилик бўлиши аниқ.

Нодонлиғ эрур элда маломатга далил,
Доно улус олдида хижолатга далил.

Нодонлик кишилар ўртасида маломатга сабаб бўлса, донолар қошида хижолатга сабаб бўлади.

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ, ўзунгга кўпракдурур.

Агар кишиларга фойда етказаётган бўлсанг, билки, бундан ўзингга фойда кўпроқдир.

Нафқа била нафсни тутма дариғ,
Жонинга ифрот ила ҳам урма тиғ.

Нафсинг учун зарур нафақаларни аяма, лекин нафсни қондиришлик учун жуда ҳам ҳаддан ошиб, ўзингни қийнама.

Нафс амрида ҳар нечаким, толпинғасен,
Кўп гарчи бутунлик тиласанг сингасен.

Нафснинг ихтиёрига кириб, ҳар қанча бутунлик талаб этсанг ҳам синасан.

Нафским, ул айши мудом истагай,
Сенга гунаҳ, ўзига ком истагай.

Нафсга қолса, тинимсиз маишатни истайди. Лекин унинг бу иши ўзини шодлатиш, сенга алам етказишга элтади.

Нақдни гулдек доғи совурмоғил,
Ғунча киби доғи гиреҳ урмоғил.

Нақдни (давлатни, пулни, молни) гулга ўхшаш совуриб ҳам юборма, ғунчага ўхшаш уни тугиб ҳам қўйма.

Нахлға деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга меваю гул бермоқ иш.

Дарахтларнинг мева бериши боғбоннинг тарбиясига боғлиқдир.

Не андоза ғам, не ҳадсиз сурур,
Керак ишда ойини хайр ул-умур.

Турмушда киши ўзини йўқотарлик даражада севинчли тутиш ярамаганидек, қайғуриш ҳам янглишдир. Бу ишларда ўрта бир даражани сақлаш зарур.

Не бўлғусидур аҳли тажоҳул қадри,
Ё зумраи аъводу такосул қадри.

Илмсизлар қадри нима бўлади-ю, дангаса танбаллар тўдасининг қадри нима бўлади?

Нечаким, хирад ичра бўлса ками,
Йилондин ёмонроқ эмас одами.

Ҳар қанча ақли кам киши ҳам илондан ёмон бўлмайди (Ҳолбуки, илон ҳам ўргатса, ром бўлади).

Неча маразғаки, эрур суд қанд,
Нечага ҳам заҳр эрур судманд.

Қанд бир неча касалликларга фойда келтирувчи бўлса, заҳар ҳам айрим иллатларга даводир.

Неча зарурат аро қолган чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Жуда зарур бўлган жойда ҳам ростини айтмас экансан, ёлғон ҳам сўзламагил.

Нединким, сафарга киши урса гом,
Тараддуд эрур мужиби эҳтизом.

Кишининг юриши, ҳаракати таомни ҳазм қилишга сабабчидир.

Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман ичрадир нописанд.

Ёлғончи киши ҳар қанча ҳурматлик бўлса ҳам, суҳбатда сўзи номаъқулдир.

Неча тифл қилса пулаб хиралик,
Қачон шамъи анжум топар тиралик?

Ёш болалар юлдуз чироғини қанча пуфласалар ҳам, ўчиролмайдилар.

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур,
Кўрки, бордур анинг калиди темур.
Қуфл очарда гадоу соҳиби тож,
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

Хазинада дуру гавҳарларнинг ҳаммасининг очқичи темир калитдир. Бу хазинани очишда шоҳу гадо ҳам шу темир калитга муҳтож.

Неча самар сочмоқ эса шох иши,
Кўпроқ отар тош анга терган киши.

Дарахтнинг шохи қанча кўп мева қилган бўлса, унга шунча кўп тош отилади.

Нечаки ҳақ лутфидин ўлди зафар,
Саъйни ҳам бил сабаби муътабар.

Ғалаба ҳар қанча Ҳақ лутфи билан муяссар бўлмасин, (кишиларнинг) саъй-ҳаракатини ҳам асосий сабаблардан деб бил.

Не феълики, келди біровдин ёмон,
Ёмонлик кўрардин анга йўқ омон.

Ёмонлик қилувчилар ўзлари ҳам ёмонлик кўрадилар.

Не ишким, шаҳ топиб андин навое
Вале юз қатла ор этгай гадое.

Шоҳ баҳра топган кўп ишлардан гадо юз марта ор қилади.

Не қушким, баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз анга.

Баланд учган қушларни овчи овлашни ўйламайди.

Не қушким, бўлса ҳимматдин қаноти,
Эмас паст ошёнға илтифоти.

Қаноти ҳимматдан иборат бўлган қушнинг паст уяга майли бўлмайди.

Не сирфа деган киши тили қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Беҳуда сўзловчи кишининг тили ўзининг ўлдирувчисидир. Хулласи калом, ҳар кимсанинг балоси ўз тилидир.

Не шаҳдинки атбоъи хушнуд эмас,
Пушаймонлиғи иш чоғи суд эмас.

Ўзига қарашли кишилари норози бўлган шоҳнинг иш (уруш) вақтидаги пушаймонлари фойдасиз.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг этук ўлди оёқ осойиши.

Қулоқнинг зийнати турмуш учун муҳим масалаларни тинглаб, сингдиришдир. Жўн кўпдан кенг қилиб тикилган этик қимматбаҳо тор этикка қараганда оёқнинг роҳатидир.

*

Назмда ҳам асл анга маънидурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар недурур.
Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хуб эмас.
Назмки, ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Қандай шаклда ифодаланишидан қатъи назар, шеърда ҳам маъно бирламчидир. Маъноси гўзал бўлмаган шеър маъно аҳли қошида эътиборли эмас. Шеърнинг ҳам шакли гўзал, ҳам маъноси чуқур бўлиши керак.

Нечук қилғай бир иш аҳли маони —
Ки, суду озу кўп бўлғай зиёни?!

Оқил кишилар фойдаси озу зарари кўп бўлган ишни нечук қилсин?

Нафс ҳукми бирлаким, қилсанг ҳар иш,
Иржаюр ул комдин шайтонға тиш.

Нафс ҳукми билан қилган ҳар бир ишингда мақсад оғзидан шайтоннинг иржайган тишлари кўриниб туради.

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.

* * *

Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши.

Гўзалларнинг иши — ҳуснини намоён этишу нозишва қилиш. Эр кишининг зийнати — ташвишу машаққат.

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!

Бечора халқнинг ғамхўри бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!

Ногаҳон гар бетааммул сурса бир ҳукми аниф —
Ким, заиф андин қавий ёхуд қавий бўлғай заиф.

Шоҳ кутилмаганда ўйламасдан бир ҳукм чиқарса, у туфайли кучлиларнинг иши орқага кетиб, ожизлар, аксинча, кучайиб қолиши мумкин.

Нафсдин санга зулм етса, надомат эшикин оч ва Тенгри паноҳига қоч ва тавба этокига илик ур, ул тавба устида мардона тур.

Нафсингга кучинг етмаса, пушаймонлик эшигини очиб, Оллоҳдан паноҳ сўра ва тавба этагидан тут, тавба қилдингми, энди аҳдингдан қайтмай, ўзингга маҳкам бўл.

Нафси кофирдин неким етгай санга,
Тавба айлаб, тавбада мардона бўл.

Йўл икидур, журм бирдур, тавба бир,
Ул йўл ар боғланди, очуғдур бу йўл.

Кофиртабиат нафсингдан сенга бир ёмонлик етса, дарҳол тавба қилиб, бу тавбада мардона тур. Йўл иккита: бири — гуноҳ, бири — тавба. Гуноҳ йўли боғланса, тавба йўли очиқ.

Нодон — эшак, балки эшакдин ҳам камрак.

* * *

Не сўздинки, етгай бировга ғубор,
Не лозимки, сен қилғасен ошкор,
Қўяберки, қилсун аён душмани,
Ки, бордур адоват адувнинг фани.

Бировнинг дилига озор етадиган сўзни сен айтмаганинг маъқул. Қўявер, бу гапни душмани ошкор қилсин, чунки адоват қўзғаш душманнинг иши.

Нодонга сўз демак айғоғдур.

Нодонга гапириш сирингни овоза қилишдир.

Нодон дўстни дўст сониға кивурма.

* * *

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлиғин анинг шарорат англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сори башорат англа.

Нафс биносини сабр асосига қур, унинг бесабрлигини ёмонликка йўй, унга сабр қилишни ишорат қил ва сабрни зафар сари башорат деб бил.

Не ишки, ёмонлиғ ўлди таъсири анинг,
Йўқ дарду надамдин ўзга тавфири анинг.

Оқибати ёмонлик билан тугаган ишнинг афсус-надоматдан бўлак ҳосили йўқ.

Не меҳр иси, не вафо ранги топқунг, эй булбул,
Бу боғ гулларига берма зинҳор кўнгул.

* * *

Не йўл экин буки, ҳар неча корвон борди,
Бирисидин не асар бўлди, не нишон пайдо.

* * *

Навоий, десангким, замоне тинай,
Замон аҳлидин айлагил ижтиноб.

Эй Навоий, бир нафас тин олиб, хотиржам яшай десанг, бу замона одамларидан ўзингни четга торт.

Не келса оллингға, кўп қилма дафъиға кўшиш —
Ки, жидду жаҳд ила тағйир топмади тақдир.

Бошингга не иш тушса, уни даф қиламан деб ортиқча уринма, зеро, саъй-ҳаракат билан тақдирни ўзгартириб бўлмайди.

... не бало ғофил эрур аҳли ғурур.

* * *

Не тонг, кетурса манга ишқ ҳар дам ўзгача ҳол —
Ки, шуъла вазъи аро дам-бадам эрур тағйир.

Ишқ ичра аҳволим ҳар лаҳза ўзгача бўлса, ажаб эмас, чунки ўт ўз ҳолатини дам-бадам ўзгартириб туради.



Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

Таги паст, ярамас кимсаларни одам бўлсин деб беҳуда заҳмат чекмаки, касофат олами латиф, яъни ёмон яхши бўлмайди. Зеро, кучук билан хўтикни ҳар қанча тарбия қилма, бири ит, бири эшак бўлади, сира одам бўлмайди.

Носиҳо, чун умр ўтар, қўйиким, бўлай ишрат била,
Айш таркинким буюрдунг, ўктадур бу навъ ўгут.

Эй насиҳатгўй, умр ўтиб кетаяпти, қўй уни хурсандчилик билан ўтказай, сен хурсандчилик таркини буюрасанки, бундай насиҳатинг беҳуда.

Нафс ўлса тобеъинг кишисен, йўқса бўлмағунг
Ҳаргиз киши, бўлуб санга юз минг киши табаъ.

Нафсинг сенга тобе бўлса — инсонсан, аксинча, юз минг киши сенга тобе бўлса-ю, сен нафсингга тобе бўлсанг — инсон эмассан.

Недур учмоқ жоҳ ила, охир фалак Намруднинг
Осмони тахту жоҳин ганжи Қорун қилдило.

Мартабангга мағрурланма, бу фалак охир-оқибат Намруд (афсонавий золим шоҳ, унинг амри билан Иброҳим пайғамбар ўтда ёқилган)нинг тахту шукуҳини ҳам Қорун хазинаси каби ер юзидан супуриб ташладику.

Навоиё, ўтубон умр ғафлат ичра, дариғ —
Ки, сўнгғи уйқуға майл этарда уйғандим.

* * *

Не мен қолғум, не сен боқий, замоне келгил, эй соқий,
Қадаҳ даврини хуш тутким, вафосиздур басе даврон.

* * *

... не шаҳ қолғуси боқий, не гадо.

* * *

Нафъ тегурмакки, шиор айладинг,
Ўзунга ул нафъни ёр айладинг.

* * *

Ниҳоний игна санчар ёрлардин,
Адувваш новакафганлар кўп ортуқ.
Мувофиқшева золим дўстлардин
Мухолифтабъ душманлар кўп ортуқ.

Билдирмай игна санчадиган дўстлардан душмансифат ўқ отувчилар минг афзал. Мувофиқ феълли золим дўстлардан мухолиф таъбли душман минг афзал.

Не суд, ар илм аро фарди замондур,
Чу жаҳл аҳлиға биймидин амондур.

Илмда замонасининг ягонаси бўлса-ю, жоҳилларга қарши курашмаса, бундан нима фойда?

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангки, емай даҳр ишидин фусус.

Эй Навоий, дунё ишидан афсус чекмай десанг, ҳамиша тилингга эҳтиёт бўл.

Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.

Бошида тожи бўлса ҳам, бемаҳал қичқирган хўрознинг бошини кесадилар.

Нечаки жаҳд айласа козиб киши,
Бир-икки даст илгари борғай иши.

Тинимсиз ҳаракат қилганидан кейин ёлғончининг ҳам иши бир-икки марта юришади-да.

Неча сахо ашрафавсофдур,
Муфрит агар айласанг, исрофдур.

Сахийлик ҳар қанча мақтовга сазовор бўлса ҳам, у ҳаддан ошса, исрофдир.

Нечукким, эрур адл шаҳларға зеб,
Эрур ҳам гадо, хокраҳларға зеб.
Шаҳеким, адолатдур онинг иши,
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.

Адолат нафақат шоҳлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнатидир. Адолатни шиор қилган шоҳга бошқа бирор-бир шоҳ тенглашолмайди.

Навоий, тамаъ тухмини сочма кўп,
Риё ашкидин анга су(в) очма кўп.

Эй Навоий, ҳадеб тама уруғини сочма, мунофиқона кўз ёшидан унга сув очма.

Нечаким тўнни риоят била кийсанг эскирур, чунки кийдурдунг ялангга, уфрамас тўн улдурур.

Тўнни ҳар қанча асраб кийсанг ҳам, барибир эскиради, умрбод эскирмайдиган тўн — бир яланғочга кийдирилган тўндир.

Не толеъдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш.
Бировдур гар ани десам кўзумсен,
Чекар мужгон киби қасдимга юз ниш.

Бу не қисматки, кимни ўзимга дўст деб билсам, оқибат у менга душман бўлиб чиқди. Кимни кўзим каби ардоқласам, у киприк каби қасдимга юз тиканини санчди.

Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур —
Ки, васлу ҳажр киби ул чучукдурур, бу ачиғ.

Асал билан майни тотиб кўрмаган киши висолу ҳижрон каби униси ширину буниси аччиқлигини қаердан билсин?

Неким бўлса мизожингға гуворо,
Анга кўп майл қилма ошкоро.

Мижозингга ёқса-да, бирор нарсага ортиқча майл қўйма.

Нуктаи комил, ки дар сидқаш набошад иштибоҳ,
Дар дили қоил ба оини накӯ ояд фуруд.
Лекин андар хотири ноқобилон каж ло бараш,
Лаҳни Довуд ар бувад ояд ҳама хориж суруд.
Чун рухи некӯ, ки дар оина бинмояд накӯ,
Зишту каж бошад агар бини-ш дар шамшеру худ.

Етук сўз, агар унинг ростлигига шубҳа бўлмаса, сўзловчининг дилига жуда осон ўрнашади. Лекин ноқобил кишиларнинг дили эгри бўлгани учун Довуднинг нағмасини ҳам улар хониш ўрнида кўрмайдилар. Гўзал юз кўзгуда ҳам гўзал кўринади, агар кўз эгри ва қийшиқ кўрадиган бўлса, унга ханжар уриш ҳожат эмас.

Накўи бо бадон камтар кун, аммо
Ба некон бештар кун некии хеш.
Ба неку бад баробар гар куни лутф,
Фитад бо некувон кам, бо бадон беш.

Ўз яхшилигингни ёмонларга камроқ, аммо яхшиларга кўпроқ қилгин. Агар яхщию ёмонга баробар лутф кўрсатсанг, яхшиларга кам, ёмонларга эса кўп яхшилик қилган бўлиб чиқасан.

Нуктаи нодон зи баҳри ришханди ӯ накӯст,
Мӯҳраи хар дархури тазйини афсори хар аст.

Эшакмунчоқ эшак нўхтасини безашга муносиб бўлганидек, нодоннинг сафсаталари ҳам уни масхара қилишга арзийди.

Нафс комига изтироб этма,
Ўзнию мулкни хароб этма.

Нафс хоҳишини деб қайғу чекиб, ўзингни ҳам, мулкингни ҳам хароб қилма.

Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар, одам эмас.

Ҳақиқий инсон ташқи томонга қараб баҳо бермайди. Юзаки томонгагина қараб, мақтанувчи кишини одам деб бўлмайди.

Одамки, демак бирла киромидур бас,
Сўз дурри ишининг интизомидур бас.

Кишининг иззатли бўлиши сўз биландир, ишининг тартибли бўлиши ҳам сўз натижасидир.

Одамий эрсанг, демагил одами
Оникм, йўқ халқ ғамидин ғами.

Агар сен одам эсанг, халқ ғамидан ғами йўқ кишиларни одам ҳисоблама.

Ойини таҳаммулда тавонолик эрур,
Юз чекмоқ ила кишига зеболиқ эрур.

Бой-бадавлат бўлиш сабру чидамни тақозо этади. Киши заҳмат чекиш билан камол топади.

Олам элига ҳаёт эрур тузлукдин,
Етмак ғаразига бот эрур тузлукдин.

Дунё халқининг саломатлиги тўғриликдан, мақсадга тез эришиш ҳам тўғриликдан (бу ерда «тўғри чизиқ энг яқин йўлдир» деган ҳандаса қоидаси ҳам кўзда тутилади).

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Дунёдаги кишилар, бир-бирларингизга душман бўлмангиз. Бу иш эмас, ҳаммангиз бир-бирларингизга ёру дўст бўлингизким, ҳақиқатда иш шулдир.

Оламда дўстлиқ киши душмансиз бўлмайди,
Ва аҳбоблиқ одами адувсиз бўлмайди.

Кишининг дўсти бўлса, душмани ҳам бўлади.

Олмоқ эрур қасд анга, бермоқ ғараз,
Бул ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

Бировга бериш мақсадида бошқа бировдан олиш ёмон қилиқлардан саналган исрофгарчилик ва бахилликка ўхшаш ёмон касалдир.

Олим ул итким, нажас ул-лайн эрур,
Ўғлунгга, жаҳл ўлса, ажаб шайн эрур.

Энг тубан махлуқ ҳисобланган ит олим бўлганда (ов овлаш ва бошқа бир қанча вазифаларни ўрганганда) ўғлингни жоҳил қолишидан ортиқ хунук бир иш борми?

Омий табибким, эрур шогирди жаллод,
Ул тиғу бу заҳр била қилғучи бедод.

Билимсиз табиблар жаллоднинг шогирдидир, жаллод тиғ билан ўлдирувчи золим бўлса, табиб заҳар билан ўлдирувчи золимдир.

От анга тортарки, юз илқиси бор,
Сийм анга берурки, юз илғиси бор.

Юзлаб йилқиси бор кишига от миндириш, юз йиллик озиғи бор кишига кумуш инъом қилиш нимага керак?

Оз иш учун тунду итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Арзимаган нарса учун ғазабланма ва қийнама. Айниқса, ўлдиришга шошилма.

Олам аро халқни Яздони пок
Аҳли нажот этти-ю, аҳли ҳалок

Худои таоло оламдаги барча одамларни иккига — нажот топадиган ва ҳалокатга учрайдиганларга ажратиб қўйган.

Они доғи дема сахийким, киши
То тиламас бермак эмасдур иши.

То сўрамай туриб бермайдиган кишини ҳам сахий ҳисоблама.

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Ўзи дардли, кўзию, тилию дили пок кишини ошиқ деб бил.

Ошиқки, муроди ком бўлғай,
Ошиқлиқ анга ҳаром бўлғай.

Ҳисоб-китоб билан яхши кўрадиган кишига ошиқлик ҳаром.

Одами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ.

* * *

Одамийнинг зеби ҳимматдиндурур,
Нафснинг таъдиби ҳимматдиндурур.

Инсонийликнинг зийнати ҳам, нафснинг жазоси ҳам ҳимматдан.

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беэваз.

Оллоҳнинг оламни яратишидан мақсади инсон бўлгани учун уни барча мавжудот ичра тенгсиз қилиб яратди.

Одамийға яхши кўп авсоф эрур
Лек аларнинг ашрафи инсоф эрур.

Инсонга хос яхши фазилатлар кўп, лекин уларнинг энг афзали инсофдир.

Одам эрмас улки, ноинсоф эрур.

* * *

Одамийға агарчи воқеъ эрур
Қариған сори барча ишда халал.
Икки феъли вале йигитрак ўлур:
Бири ҳирсу бириси тули амал.

Инсон қариган сари жисмоний имкониятлари камайиб борса-да, лекин унда икки нарса кучаяди: би-ри — ҳирс, иккинчиси — беҳуда хаёл.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Жаннат боғу бўстонлари оналарнинг оёғи остидадир. Жаннат боғига кирай десанг, онанг оёғининг тупроғи бўл.

Омий қозики, май ичкай — ўлтургулукдур ва дўзах ўтиға етмасдин куйдургулукдур.

* * *

Олим керакким, муттақий бўлса ва огоҳ.

Олим билимдон ва художўй бўлиши керак.

Олам аҳли ўзлари қошида маҳбубдурлар ва сўзлари ўз илайларида марғуб.

Одам зоти ўзини ўзи ҳаммадан яхши кўради ва ўз сўзини бошқаларникидан маъқул деб билади.

Ошиқ иши ажзу ниёз ва ишқ далили сўзу гудоз.

Ошиқ иши ожизлигу илтижо ва ишқ далили куйишу ўртаниш.

Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ғанийким, молиға бухл эрди ёр.
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

Амалсиз олим билан зиқна бой юз ҳасрату армон билан ўлиб кетдилар-у, уларнинг иши одамларга ибрат бўлди.

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳҳатқа боис.

* * *

Оғизға келганни демак нодон иши ва оллиға келганни емак ҳайвон иши.

* * *

Олимки, жоҳилни муқобалаға келтуруб, илзом қилмоғи ҳавас бўлғай, анинг ўзига ушбу иҳонат-ўқ бас бўлғай.

Жоҳилга қарши чиқиб, уни енгишга ўч бўлган олимнинг ўзига ушбу хўрликнинг ўзи кифоядир.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Одамий шариф ул-кавнайндур ва ит нажас ул-айн, аммо ҳақношунос ва бевафо одам ҳақшунос ва вафолиғ итдин кам.

Одам ҳар икки оламнинг азизи, ит эса тубан бир махлуқ бўлса-да, қадрингни билмайдиган ва бевафо одамдан туз ҳурматини унутмайдиган вафодор ит афзал.

Оқил чу кўрса элда хато, ижтиноб этиб,
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин.
Қўймас анинг хатосиға эл айлаб эътироз,
Айтурға юзи ўтрусида саҳвининг сўзин.

Ақлли киши бошқаларнинг хатосини кўриб, ўзига керакли хулосани чиқазади ва тўғри йўлга тушиб олади, одамлар унинг хатосини топиб, юзига солишларига йўл қўймайди.

Одамийнинг яхшироғи улдуркim, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзин айтурда бевaҳму бок бўлғай.

Тақводор ва пок бўлган ҳамда ҳақиқатни айтишга қўрқмайдиган киши одамларнинг яхшироғидир.

Оз деган — оз енгилур, оз еган — оз йиқилур.

* * *

Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,
Қуръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Бу дунёда хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, дилида бир дарди бўлса, агар оқил эса Қуръонни тиловат қилсин, чунки одамлар кўнглига Қуръон даводир.

Олам аҳлида чу йўқ ёрки, меҳр ўлғай иши,
Сен қиёс айлаки, не бўлғуси ағёрға иш.

Одамлар орасида меҳру вафони шиор қилиб олган дўст йўқ, душманнинг ишини шундан қиёс қилиб билавер.

Ойини қаноат тут иззат тилар эрсангким,
Эрмиш тамаъ аҳлидин ҳар кимки залил эрмиш.

Иззат тиласанг, қаноатни одат қил, тубан кимсалар тамагирлар тоифасидандир.

Олам асбобидин ўт гар истасанг кўнглунгни жамъ —
Ким, паришонлиғдин ўзга етмас ул асбобдин.

Кўнглинг хотиржам бўлишини истасанг, бу дунё ҳою ҳавасидан кеч, чунки у ташвишдан бўлак нарса келтирмайди.

Олам асбоби учун ғам емагил,
Арзимас бунчаға олам гўё.

Бу дунё бойлигу неъмати учун ғам ема — у бунга арзимайди.

Олам аҳлидин етишмас ғайри захм,
Эй жароҳатлиғ кўнгул, бу сўзга бут.

Эй озурда кўнгил, одамлардан озору маломатдан бўлак нарса етишмаслигига ишон.

Олам аҳлидин вафо муҳтожи бўлмаким, алар
Ҳам чекарлар бу матоъи бебаҳоға эҳтиёж.

Одамлардан вафо талаб қилмаки, уларнинг ўзлари ҳам бу бебаҳо матога муҳтождирлар.

Олам аҳлидин таваққуъ айламак аҳду вафо,
Заҳрдин ҳайвон суйи бўлғай тавалло айламак.

Одамлардан аҳду вафо кутиш заҳардан оби ҳаёт умид қилишга ўхшайди.

Оқибат ерга кирарсан гар худ
Бўлса кўк атласи рахшинг уза жул.

Тулпорингнинг ёпинчиғи фалакнинг пардаси бўлса ҳам, бир куни манзилинг қора ер бўлади (ёки: бошинг кўкка етса ҳам, бир куни ерга киради).

Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас,
Барча киши ишқда содиқ эмас.

* * *

Ошиқеким, кўргай ул бир қатла ҳар кун ёрини,
Тенгрисига айладег юз қатла шукр изҳорини.

Маъшуқасини ҳар куни бир марта кўрадиган ошиқ Худога юз қатла шукр айласин.

Ошиққа гарчи заъфу маразлиқдурур мизож,
Маъшуқ зикри ул маразиға эрур илож.

Ошиқнинг аҳволи ожизлигу хасталик бўлса ҳам, маъ-

шуқанинг ёдини хаёлга келтириш, унинг номини зикр этиш бу хасталикнинг давосидир.

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил.

Олим агар давлату мартаба учун ўзини хор қилса, бу унинг шунча илм билан ҳам жоҳилликча қолганидан далолат беради.



Олим агар қатъий амал айласа,
Илмиға шойиста амал айласа,
Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳар не десанг, они бил...
Кимки, бу иқбол анга бўлғай насиб,
Солмаса дунё сари кўз, не ажиб.
Эгнида гар хирқаси юз чок эрур,
Гулга тўни йиртуғи не бок эрур.
Кунгаки, урёнлиқ эрур зийнати,
Тийра бўлур, бўлса булут хилъати.

Олим агар ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, илмига муносиб иш кўрсатса, уни улуғлик гавҳарининг кони деб бил ва яна ҳар қанча улуғласанг оз. Бундай бахтга муяссар бўлган киши дунёни назарга илмаса, сира ажабланадиган жойи йўқ. Гул пардасининг йиртилганига парво қилмаганидек, у ҳам эгнидаги тўнининг юз ямоқлиги билан иши йўқ. Зеро, куннинг зийнати — унинг яланғочлиги, булут пардасига ўралса, у хира тортади.

Одамий тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур.

Одам тили туфайли барча махлуқотдан афзал ва тили туфайли бир-биридан ҳам устун.

Оғзинга кирган такаллум риштасин чекма узун —
Ким, бу иштин сарнигунлуқ юзланиб, нуқсон келур.

Кўрки, чун оғзига кирган риштасиға берди тул,
Анкабут ул риштадин ҳар дам нигунсор осилур.

Сўз ипини ҳадеб чўзавермаки, бу туфайли кўп хатога йўл қўйиб, эл олдида шарманда бўласан. Ўргимчакка қара: тўри узунлигидан ўзи ҳар лаҳза оёғи осмондан бўлиб осилиб туради.

Одамий бадандур, ҳиммат анга руҳ,
Ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ.

Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унга руҳ(жон)дир, оламдаги барча эзгуликлар ҳиммат аҳли туфайлидир.

Олиму жоҳил агарчи ҳар ду жинси мардуманд,
Фарқ бошад дар миён аз осмон то хоки раҳ.
Дурру жола ҳар ду аз абранду дар ҳайъат шабеҳ,
Он равад бар тожи шаҳ, ин лек дар хоки сиях.

Олим ҳам, жоҳил ҳам инсон қавмидан бўлишига қарамай, уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ бордир. Дур ҳам, дўл ҳам булутдан пайдо бўлиб, кўринишда бир-бирларига ўхшасалар-да, дур подшоҳ тожини безаб, дўл қора тупроққа сингади.

Оқил ба адаб бошаду нодон густох.

Доно одобли бўлга-ю, нодон одобсиз.

Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў.

Бир олам хоҳлайманки, унда одам зотидан ному нишон ҳам бўлмаса, унда одамлар жафоси туфайли юзланадиган ғам ҳам бўлмаса.

Пок гавҳарки, пок бўлди шиор,
Шоҳлар боши устида ери бор.

Гавҳар пок бўлганлиги ва покликни одат қилганлиги учун шоҳлар бошидан ўрин олган.

Поядин ортуқ киши урса қадам,
Бийм йиқилмоқдиру ранжу алам.

Зинадан ортиқ оёқ босувчи кишининг иши йиқилиш, қийналиш, жабрланиш хавфлари остида қолишдир.

Паёпай чучук сўз чу пайғом ўлур,
Анингдек ҳашан жонвар ром ўлур.

Илонга ўхшаш заҳарли жониворни ҳам чучук сўз билан ром қилиш мумкин.

Парвонани ишқ этмаса маст,
Урғайму ўзини ўтқа пайваст?

Агар парвонани ишқ маст этмаса, ўзини ўтга урармиди?

Пашизе агар тугди эрса лаим,
Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.

Бир қора пул тугган хасиснинг доимий қўрқуви, ташвиши бу тугуннинг очилиши ва пулнинг сарф бўлишидир.

Подшоҳким, бўлса ҳиммат ичра паст,
Келди ҳимматлиғ гадодин зердаст.

Ҳиммати паст подшоҳ олиҳиммат гадодан тубандир.

Парвонага куймак ва ўртанмак ойин, булбулға нолау зор ва фарёди беихтиёрдин қайда таскин?

Парвонанинг тақдири куйиш ва ўртаниш, булбулга нолаю зору беихтиёр қилинадиган фарёддан таскин қайда?

Подшоҳ — мулк баданининг жонидур ва кўнгул — бадан мулкининг султони.

Мамлакат — бадан бўлса, подшоҳ — унинг жони ва бадан бир мулк бўлса, кўнгил — унинг султони.

Пил ўлса сенинг хасминг, десангки, зарар топмай,
Бир пашшаға оламда еткурма зарар ҳаргиз.

Душманинг филдай кучли бўлса ҳам, зиён топмай десанг, бу оламда ҳатто пашшага ҳам озор етказма.

Пок раҳравлар била ҳар кимки бўлди мухталит,
Шак эмастурким, натижа топмас илло поклик.

Пок йўлдан юрадиганларга эргашган киши покликдан бўлак натижа топмаслигига шак йўқ.

Розни асра, чунки фош этдинг,
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.

Сирни маҳкам сақла, изҳор қилганингдан сўнг уни яширишни кутма.

Ройи эсанг, тут бу нафас яхши пос,
Ҳар қўйини ўз оёғидин ос.

Сақловчилик вазифасини устингга олган бўлсанг, вазифани яхши бажар, ҳар бир қўйни ўз оёғидин ос.

Раиятга қилса қаламзан ситам,
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам.

Халққа жабр қилувчи котиблар қўлини қаламдек кесиш керак.

*

Ранжа бўлма тилаб ортуқки, эрур осуда
Улки, Ҳақ ҳар не насиб айлади, хурсанд ўлмиш.

Ортиқча молу дунё тилаб, ўзингни ўту чўққа урма. Худонинг берганига шукр қилиб яшайдиган кишининг кўнгли хотиржам бўлади.

Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний.

* * *

Раҳмат озодағаки, ул олмас
Даҳр динору дирҳамин ғамға.
Лек лаънат ангаки, қул бўлғай
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға.

Бу дунёнинг олтину кумуши деб қайғу чекмайдиган ҳиммати баланд кишига раҳмат бўлсин! Лекин хоҳ олтин, хоҳ кумуш бўлсин, унга қул бўлган кимсага лаънат бўлсин!

Ростдур улким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.

Назари тўғри кишининг ўзи ҳам тўғри, қўли эгри кимса эса ўғридир.

Рўзу солу моҳ умрат гар бар ғафлат баргузашт,
Нест миқдори даме, гар дар ҳисоб ори ҳаме.
Рафт худ аз рўзу солу моҳ рафта ҳосилат,
Эътимодат мондаро бинмуд даме з-он ҳам каме.
Дил чи сон банди ба умре, к-аш набошад эътимод,
Не ба соле, не ба моҳе, не ба рўзе, не даме.

Куну ою йил агар умринг ғафлатда ўтган бўлса, уларнинг барчасини ҳисоблаб чиқиш учун энди бир муддат ҳам фурсатинг йўқ. Куну ою йил билан бирга, умринг ҳосили ҳам қўлдан кетди, энди қолган бир дамлик, балки ундан ҳам кам умрингга эътимод қиласан: на лаҳзаси, на куни, на ойи, на йилига ишониб бўлмайдиган умрга қандай қилиб кўнгил боғлайсан?

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот учун.
Ақл ҳисобидан эрур, бас, йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

Ном чиқариш учун пулни этак билан сочиш — ақлли кишининг иши эмас, бундан кўра бахиллик яхши.

Сола олмас эл ошига бир нахуд гар;
Туз ўлмас унинг бирла эл ороси.

(Баъзи кишиларни) халқ ошига бир дона нўхат солиш қўлидан келмайди. Лекин халқнинг қилгани унга маъқул бўлмайди.

Совуқда қочибон ўт шуъласидин,
Тезак дуди сори қилмакдур оҳанг.
Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб;
Нишотойин хаёл истаб, емак банг.

Майдан парҳез қилиб, наша чекиш, совуқда ўт шуъласидин қочиб, тезак тутунига боргандекдир.

Саодатманд ул йигитдурким, шаҳватга майл қилмас ва бесаодат қарининг илигидин худ ҳеч иш келмас.

Ҳайвоний нафси томонига майли бўлмаган йигит бахтлидир ва бесаодат қари кишининг қўлидан ҳеч иш келмайди.

Сафиҳ золим ила бўлма хон уза ҳамдаст,
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақлиққа.

Бировларга зулм қилувчи ноаҳл кишилар билан яқинлашма (бир дастурхонда ўлтирма), ит билан қошиқ солишиш (ҳамтовоқ бўлиш) номуносибдир.

Саъй ишиким ўз ўрнида бўлмағай,
Қилур ишда коҳилликдин ёмонроқ.

Ўз ўрнида бўлмаган тиришқоқлик суст ишлагандан ҳам ёмонроқдир.

Сарвким, ул тўғри чекиб қоматин,
Кўрмайин осиби замон офатин.

Сарв дарахтининг қуримай кўкариб туриши тўғрилигининг (тикка ўсиши) натижасидир.

Сенга бор эса сўз билурдин мазоқ,
Ўзум сари боқма, сўзум сари боқ.

Агар сенда сўз моҳиятин била олишлик қобилияти бўлса, ўзимга боқма, сўзимга боқ.

Синса қаламнинг шақидин бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғучи.

Қаламининг бир учи синса, котиб ожиз қолади.

Сўралдиким, не нимадурким фойдаси барча халойиққа етар, дедиларким, ёмонларнинг йўқлиғи.

Фойдаси ҳамма халққа тегадиган нарса нималиги текширилганда «ёмонларнинг бўлмаслиги» деб жавоб қилдилар.

Сўзки, маънисида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳаррукcиз бадан англаки, жони бўлмағай.

Мазмунидан завқланиш бўлмаган сўз жонсиз жасад кабидир.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они, кўрғилким, не дер.

Сўзловчига боқма, сўзига боқ.
Ким гапирганига эмас, нима деганига боқ.

Сўздин кишига ғаму бало ҳосилидур,
Ҳар нукта тили деса, бало дохилидур.

Кишига етадиган бало ва ташвишлар сўздандир.

Сипаҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раиятни адл айлаб, обод қил.

Аскарлар кўнглини марҳамат билан севинтир, халқни одиллик билан қувонтир.



Сипоҳи қачон шаҳга толибдурур,
Адувсига шак йўқки, ғолибдурур.

Аскарлар ва умуман ҳарбий ходимлар шоҳни истайдиган бўлгач, у шоҳнинг ўз душманларини енгишига ҳеч шубҳа йўқ.



Сувда ҳубоб ўлса дамингдин хароб,
Мумкин эрурму ясамоғлиқ ҳубоб.

Ёмғир сувлари йиғилган жойда пайдо бўлувчи сув пуфаги (ҳубоб) пуфлаш билан учади, лекин учгандан сўнг худди шунинг ўзини ясаш мумкин бўлмайди.

*

Сақол оқи ўлумга пешравдур,
Тириклик сабзаси узра қиравдур.

Соқолга оқ тушиши ўлимнинг яқин келаётганидан нишонадир. Бу худди тириклик майсаси узра қўнган қировга ўхшайди (Яъни қиш келаётганидан дарак беради).

Ситамдин, бас, иликни чекмак авло,
Вафоу меҳр тухмин экмак авло.

Жабру ситамдан қўл тортиш, вафою меҳр уруғин экиш афзал.

Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил.

Дардга йўғрилиб, ҳарорат касб этмаган сўзни нурсиз шам ва етакчиси йўқ жамоат деб бил.

Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур.

Саховат инсоният боғининг мевали дарахтидир, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир.

Саховатсиз киши — ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор.

Саховатсиз киши ёғмай ўтадиган баҳор булути-ю муаттар ҳид таратмайдиган мушкка ўхшайди.

Сахий булутдур — иши хирмон, балки махзан бермак.

Сахий киши ҳосил хирмони, балки хазинага сабаб бўладиган булутга ўхшайди.

Саховат одамийға бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ.

Саховат — инсоннинг жисми бўлса, ҳиммат — унинг жони ва дунёдаги барча эзгуликлар олиҳиммат кишилар туфайлидир.

Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиқ зевари басдур.

Сўз бадиий тасвир воситалари билан безалмаган бўлса, ҳақиқатни ифода этганининг ўзи унга зийнатдир.

Сўз ичраки, ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар қилди доно писанд.

Ёлғон сўз номаъқул бўлса ҳам, шеър ичида келса, барчага маъқул бўлади.

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошуққон кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур. Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур.

* * *

Сайёднинг балиққа шаст солмоғи нафс муддаоси учундур ва балиқнинг ҳам қармоққа гирифтор бўлмоғи жуъ балоси учун.

Овчининг балиққа қармоқ ташлаши нафсини қондириш учун ва балиқнинг ҳам қармоққа тушиши очлигидан.

Саҳву хато башарият лозимидур. Хато ва саҳвини англаб мутанаббиҳ бўлғон, саодатманд одамийдур.

Хато ва янглиш инсонга хос хусусиятдир. Хато ва янглишларини тушуниб, тегишли хулоса чиқарган бахтли кишидир.

Салоҳ ва фасод тухмин ким экдиким, ўрмади.

Яхшилик ва ёмонлик уруғини экиб, унинг мевасини термаган киши борми?

Сафар водийсида мусофир аёғиға дарду бало тиканлари кўп сончилур, лекин ҳар тикандин мақсуд гули очилур.

* * *

Сафар қилмағон ором фароғатин қайда билсун ва ғурбат чекмаган ватанда ком рафоҳиятин не навъ маълум қилсун?

Сафар қилмаган киши роҳат-фароғат қадрини қаердан билсин ва бегона юртларда жудолик азобини чекмаган ватандаги осойишта бахтнинг афзаллигини нечук маълум қилсин?

Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиғи сўз била.

* * *

Сўз борким, эшитувчи таниға жон киюрур ва сўз борким, айтғувчи бошин елга берур.

* * *

Сувдин асрағулукдур туфроқ ва балчиғ уйину, ўтдин асрағулуқдур яғоч ва қамиш уйину, елдин асрағулуқдур бўз уйину, туфроғдин асрағулуқдур кўз уйин. Жамиъ мосиваллоҳдин асрағулукдур кўнгул уйин.

Тупроқ ва балчиқдан қурилган уйни сувдан, ёғоч ва қамиш уйни ўтдан, бўздан ясалган уйни бўрондан, кўз уйини тупроқдан, кўнгил уйини эса Худодан бўлак барча нарсадан сақлаш керак.

Субҳ уйқусин улки, айлар тарк,
Ризқу рўзин ўзига тўш кўргай.

Улки, ғафлатдин этти навми сабуҳ,
Бу шарафни магарки туш кўргай.

Тонгги уйқуни тарк этганнинг ризқу рўзи фаровон бўлади. Ғафлат босиб, тонгни уйқуда ўтказган кимса бу неъматларни фақат тушида кўради.

Солма кўз — кимса бўлса номаҳрам,
Гарчи нафсинг топар назорада суд.
Ки назарким ҳаром — шайтоннинг
Новакидур ва лек заҳролуд.

Агарчи боққанда нафсинг баҳра олса ҳам, номаҳрамга асло қарама. Ҳаром назар шайтоннинг ўқидир ва лекин заҳарли.

Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,
Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг,
Хушроққи, тавил ўлса ҳаёти эрнинг —
Ким, сидқдин-ўқдурур нажоти эрнинг.

Эр кишининг оти тўғриликда чиқса, садоқатли эканлиги маълум бўлса, бундай кишининг умри узун бўлгани яхши, чунки бу фазилати унинг нажоткоридир.

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар,
Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарға мақрун айлар.

Сабр гарчи кишининг машаққатини зиёда қилса ҳам, охир-оқибат унинг келажагини бахтли қилади, ҳар қанча кўнглингга хуш келмаса ҳам, сени зафарга муяссар этади.

Соқиё, чун ичкумиздур оқибат жоми ажал,
Бода тут андин бурунким, бизни ўлтургай хумор.

Эй соқий, қисматимиз охир-оқибат ажал қадаҳини сипқориш экан, ундан бурун май қуйки, бизни ташналик ўлдирмасин.

Саодат аҳли эди ул йигитки, айламади
Юзини дуд ила тийра шуълаи шаҳват.

Шаҳват ўтининг тутуни юзини қорайтирмаган йигит бахтлидир.

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнглуда андешаси.

Гапириб фойда қилмаган киши сукут сақлагани маъқул.

Сифла нишонаси шароратдурур,
Шуълаға биттабъ ҳароратдурур.

Ўтнинг табиати иссиқлик таратиш бўлгани каби, ярамаснинг касби ёмонликдир.

Сўзи ҳисобсиз — ўзи ҳисобсиз.

* * *

Саҳв ила ёлғон демак эрмас ҳисоб,
Билгач ани чунки қилур ижтиноб.

Янглишиб ёлғон гапириш ёлғончиликка кирмайди, чунки ёлғонлигини билгач, ундан сақланади.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ дағи тан аро сўздин ҳалок.

Инсоннинг жисмига жон сўз билан кирган, унинг жисмни тарк этишига ҳам сўз сабаб бўлади.

Сўзки, жон гулшанида келди насим,
Бал кўнгул баҳри ичра дурри ятим.

Сўз жон гулшанининг муаттар насими, ҳатто кўнгил денгизининг бебаҳо гавҳаридир.

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

* * *

Соҳибҳиммат муфлислиқ била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас.

Ҳиммат эгаси камбағал бўлса-да, обрўси камаймайди, ҳимматсиз киши хазина топгани билан улуғларга тенг бўлолмайди.

Сажда гадо оллида эрмас карам,
Билки, карамдур анга бермак дирам.

Гадога яхшилик қилай десанг, унга сажда қилма, балки қўлига бирор нарса бер.

Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

* * *

Сарбаланди талаби дар чамани даҳр чу сарв,
Рости в-арз, ки худро зи ғам озода куни.

Бу дунё чаманида сарв каби қаддингни тик тутиб юришни истасанг, тўғриликни одат қилки, ҳар хил ғаму ташвишдан халос бўласан.

Сер бар ҳар хўшае даст мазан,
Ки шавад мужиби сад ранжу фасод.

Қорнинг тўқ бўлса, ҳар нарсага қўл урма, чунки у юз ранжу фасодга сабаб бўлади.

Сифла, к-озодаро нагўяд бад,
Ё наёяд фарози хони касе.
На ба дарё расад забони саге,
Нанишонад ба суфра сагмагасе.

Қани эди нокас покиза одамни ёмонотлиқ қилмаса, ё бирор кишининг дастурхонига яқин келмаса. Итнинг оғзи дарёга тегмасаю, итпашша дастурхонга қўнмаса.

Сиҳат ар хоҳи макун майли таом,
То набошад иштиҳои ғолибат.
Лек бояд даст аз ў вақте каши,
Ки ба хўрдан нафс бошад толибат.

Агар сиҳат тиласанг, иштаҳанг очилмай туриб, овқатга майл кўрсатма. Лекин овқатга ўтирганингда ҳам егинг келиб тургани ҳолда, ундан қўл тортган маъқул.

Сахий аз ҳар чи дорад мекунад базл,
Зи камтар кам вале аз бештар беш.
Зи дарё дур, зи кўза қатра об
Бувад, ҳар як аз инҳо дархури хеш.
Саховатро ҳар он к-ў даст, ки хост,
Ки чун жамъ ояд, афшонад ба дарвеш.
Сахо набвад, ки бошад жамъ кардан,
Ҳама кори бахили ҳилятандеш.
Сахи онро шумур, к-аз ҳар чи дорад
Сахо, бо ҳар ки пеш ояд, барад пеш.

Сахий бор нарсасидан — камидан кам, кўпидан кўп: дарёдан — дур, кўзадан — бир қатра сув, яъни уларнинг ҳар биридан ўзига муносиб эҳсон қилади. Қўлига бойлик тўпланганда дарвешларга эҳсон қиладиган кишини сахий дейиш мумкин. Мол-дунё тўплаш сахийлик

эмас — бу барчаси ҳийлагар бахилнинг ишидир. Қўлида борини дуч келган кишига бериб кетадиган одамни саҳий ҳисобла.

Сарои даҳр, ки ҳар лаҳза корвони дигар
Дар ў нузул кунад баҳри хўрдану хуфтан.
Муқим ношуда табли раҳил кўбад боз,
Бад-ин жиҳат шавадаш карвонсаро гуфтан.

Дунё саройига ухлаш ва ейиш мақсадида ҳар лаҳза карвонлар келиб-кетиб туради. Улар бу ерда бир нафас турмасдан кўчиш ноғораси чалинади. Шунинг учун ҳам уни карвонсарой дейдилар.

Сифла гар мирад паи иксуну атлас дур нест,
Ҳаст аз баҳри кафан кирме, ки абрешимгар аст.

Агар пасткаш кимса умрини атласу шоҳи кийимлар кийиш учун сарфласа, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки пилла қурти ҳаётининг мазмуни ҳам ипакдан ўзига кафан тўқишдан иборат.

Сифларо ҳар накд, к-андар даст дорад — боқий аст,
Хуфтаро ҳар айш, к-андар хоб бинад бовар аст.

Хасис кимса қўлидаги ҳар бир ақчасини абадий деб ўйлайди, уйқудаги одам тушида кўраётган ҳар қандай кайфу сафоларга ишонади.

Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа офат эрур.

Сув билан ўт асли-азал бир-бирига зид: оби ҳаёт бўлса ҳам ўт учун офатдир.

Топқанини сочти эл узра саҳоб,
Ким ҳақ ани айлади гардунжаноб.

Булутнинг Ҳақ марҳамати билан баланд мартабага чиқиши — ўз сувини экинларга тўкиши, яъни халққа фойда етказиш учун хизмат қилишининг натижасидир.

То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда, чангал ҳамон.

Режасиз ҳолда дарахтлар ўтқазилиб тузилган боғ чангалзордан фарқсиздир.

Толпинса, чиқар ғариқ юмкин,
Толпинмаса, ўлмағи не мумкин.

Ғарқ бўлган киши ҳаракат қилса, қутулиши, ҳаракат қилмаса, ўлиши мумкин.

Топса киши бодия ичра зулол,
Олтун оёқ қайдау, синғон сафол.

Чўлда чанқоқ киши сув топганда, унга олтин идиш ёки синган сопол фарқсиздир.

Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлик,
Фақр аҳлига айла хоки раҳлик.

Агар шоҳлар сенга бўйсунадиган бир мартабага эришганингда ҳам, фақирларга хизмат қилишга тириш.

Таомеки, ул мужиби ком эрур,
Ки ўт ранжини тортмас, хом эрур.

Овқатни кишилар исташларининг сабаби, унинг ўт ичида пишганидандир.

Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.

Ўйлаб иш қилишлик билан мақсадга етилади, чидамли (оғир) бўлиш билан хом нарсани (хом ишни) пишириш мумкин бўлади.

Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,
Сокинлик ила қамиш бўлур қанд.

Бора-бора ёш бола ақлли бўлади, турғунлик, яъни сабру тоқат билан қамиш қанд бўлади.

Такаллум била кимса инсон эрур,
Сўзи йўқ баҳойимга не сон эрур.

Кишини ҳайвондан айирувчи сўздир, ҳайвон инсон қаторига киролмаслиги унинг тилсизлигидир.

Талаб йўлида қил шитобандалик,
Ки жўяндага келди ёбандалиқ.

Талабингга, мақсадингга томон тез қадам бўл, чунки истагувчи — топгувчидир.

Ташналаб бўлма баҳр ёнида,
Қилма шеван тараб маконида.

Дарёга яқин туриб ташна қолма, хурсандлик ва шодлик маконида йиғи-сиғидан гапирма.

Ташнага бер файз, э абри карамким, йўқ сенга,
Гар суни юз қатла дарёдин олиб, дарёга соч.

Карам ва марҳаматни ташнага, муҳтожга қилиш керак. Агар булут сувни дарёдан олиб, дарёга юз марта сочса, ундан нима фойда?

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур,
Агар дабъ этса они аҳли давлат.

Тавозе ҳар ким учун ҳам ёқимлидир, лекин давлат эгалари учун бу сифат яна ҳам яхшидир.

Тахайюл аро борча бир навъ эмас,
Ҳадисин ики кимса бир навъ демас.

Хаёл ва фикрда ҳамма бир хил эмас, икки киши сўзни бир хил демайди.

Телба ўзин ўтга солса ногоҳ,
Куймак ишидин қачондур огоҳ.

Телба (девона) ўзини ўтга ташлаганда куйишдан не хабари бор?

Тилинг билан кўнглингни бир тут.

* * *

Тифл йилон нақшига мойилдурур,
Заҳрини билмаски, ҳалоҳилдурур.

Болалар илонни қўлга олиб, ўйнашга қизиқадилар, билмайдиларки, унинг заҳари ўлдирувчидир.

Тифл ҳижо билмай ўқур чун савод,
Қил ўқурин зеру забар эътиқод.

Энди саводи чиқиб келаётган ёш бола ўқиш қоидаларига риоя қилолмай ўқир экан, уни камситмай, анча ўсиб қолганини айтиб, кўнглини кўтариш керак.

Тиланчи ва гадо, кўпроғи беғайрат ва беҳаё, кундуз кезмаклари ибром била элдин олмоқ учун ва кеча келиб, ўғриларга эл жиҳозига кўз солмоқ учун...

Тиланчи ва гадойларнинг кўпи ғайратсиз ва уятсиздир, кундуз куни кезмакдан мақсадлари юзсизлик билан халқдан нарса олмоқ ҳам кечаси халқнинг молини ўғирламоқ учун кўз солиб кетмоқдир.

Тил илдамидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз навъ маломату надомат ҳосил.

Тил тезлигидан (ўйламай гапиришдан) қийинчилик, турли маломат ва пушаймонликлар туғилади.

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.

* * *

Турфа замон аҳлига биз мубтало,
Ким йўқ алар олдида чиндек бало.

Шундай одамларга йўлиққанмизки, булар олдида рост сўзлашдек бало йўқ.

Тушса қадаҳ аро бўлур мўр,
Тадбир керак чиқарга, йўқ зўр.

Чинни косадаги сувга тушган чумолига ўзини қутқариш учун зўрлик эмас, тадбир керак.

Туткил анинг ҳурмати ичра зарур,
Қоидаи нуктаи хайр ул-умур.

Ҳурмат-сийлаш тўғрисида ҳам ишда зарур ҳисобланган ўртачалик яхши.

Тухми тамаъки, хорлиқ ўлмиш унинг бари,
Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.

Тама уруғлигининг меваси (ҳосили) хорликдир, сен бу хил тикан уруғи экиб, ундан гул умид қилма.

Тухми расвои диҳад бар донаи тасбеҳи зарқ,
Оре-оре, дона жинси хешро бор овараст.

Кимки кўзбўёвчилик, алдамчилик уруғини экса, ундан расволик меваси ҳосил бўлади.

Тузлук эрмас шифоси-ю вояси ҳам,
Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

Шифоси ва мақсади тўғри бўлмаган кишининг сояси ҳам эгри.

*

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Худо инсонни ўз сирларининг хазинаси қилиб яратди. Нутқ ато этиш билан уни бошқа мавжудотдан афзал қилди.

Тан нечаким бор эса пасту дижам,
Ҳиммат ар бўлса бийик — ондин не ғам.

Ҳиммат баланд бўлса, жуссанинг заиф ва кичиклигининг аҳамияти йўқ.

Тавозуъ ва адаб аҳлиға таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ этар.

* * *

Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши.

Манманлик шайтоннинг, катталик нодоннинг иши.

Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлғай хўброқ бўлғай, агар кўнгул била бир бўлғай.

Гўзал ва ёқимли, яна дил билан бир бўлган тил яхшироқдир.

Телба қулоғига панд — қуюн оёғига банд.

* * *

Табиий душман вақте дўст бўлғайким, сув ўтни ўчурмағай ва ел туфроғни совурмағай.

* * *

Тўқлуғ ҳирсин кўнгулдин йўқ қил, ўзунг оч бўлиб, бир очни тўқ қил.

* * *

Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била дегил.

* * *

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳими карим.

Худодан раҳм умидвор бўлсанг, аввал ўзинг бошқаларга раҳм қил. Одамларга раҳм қилмайдиган кишига Оллоҳи карим ҳам раҳм қилмайди.

Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб этмаким,
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.

Замона аҳлида меҳру вафо топмасанг, уларни айблама, чунки бундай мева дунё боғининг дарахтларида ҳеч қачон битмаган.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт —
Ким, сен киби забун эрур амри қазоға чарх.

Эй Навоий, тақдирдан неки келса, итоат эт, зеро, фалак ҳам Тангри иродаси олдида ожиздир.

Тенгридин қўрқмай улким, қарибон бода ичар,
Яхшироқдур бу мусулмонлиғдин тарсолиқ.

Кимки қариганига қарамай, Худодан қўрқмай май ичар экан, бундай мусулмонликдан насронийлик афзал.

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме —
Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Бу дунёда замонадан етган озорларни айтиб дардлашадиган бир ҳамдам топмадим.

Тузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илгари.

Тўғриликни одат қилсанг, ишинг илгари босади.

Такаллуф эрур танға фарсудалиқ,
Анинг таркидур жонға осудалиқ.

Ўзни қийнаш жисмни хароб қилади, уни тарк этиш жонга осойишталик бағишлайди.

Тавозуъ сахо қилмай элни шод қилур ва ато кўргузмай кишини ғамдин озод қилур.

Тавозели киши яхшилик қилмай туриб ҳам одамларни шод қилади, бирор нарса бермай ҳам кишини ғамдан озод қилади.

Тузлукта тараб беҳаду андозадурур,
Ким ростдурур, юзи анинг тозадурур.

Тўғри кишининг қувончи чек-чегарани билмайди, тўғри кишининг юзидан нур ёғилади.

Тиндурур бою чиғайни ҳокими равшанзамир,
Ёрутур обод ила вайронани меҳри мунир.

Доно ҳукмдор худди қуёш обод ерга ҳам, вайронага ҳам бирдай нур сочгани каби, бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам кўнглини топади.

Тама мазаллатқа далилдур ва ғанийи томиъ хору залилдир.

Тама хорлик нишонасидир ва тамагир бой хору тубандир.

Томиъдин карам тилама, гадодин дирам тилама.

Тамагирдан марҳамат тилама, гадодан чақа.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

То ҳирсу ҳавас асоси барбод, нафсу ҳаво қасри вайрон, зулму ситам йўқолмай эл шод бўлмайди, мамлакат обод.

Тириг чу охир ўлар, бас, ўкуш ғами муҳлик
Чекиб, ажал мададиға бу изтироб недур?
Чу ҳар кишики, туғар, ўлмайин йўқ имкони,
Не ишки, бўлмайин имкони йўқ, шитоб недур?

Тирик мавжудот борки, оқибат ўлади. Шундай экан, ўлимни ўйлаб, ғам-қайғу остида қолиш билан ажални яқинлаштиришдан — шошилишдан мақсад нима? Ҳар бир киши туғилибдими, ўлмасликнинг иложи йўқ. Иложсиз ишки, барибир юз берар экан, бу борада бетоқатликдан нима фойда?

Талоқи ситамгораи даҳр кардам,
Ки бас фитна зояд аз ин кадхудои.

Дунё отлиғ келинчакни талоқ қилдим, чунки у билан бирга яшашдан фақат фитна туғилади, холос.

Таваккул ҳар ки созад шеваи хеш,
Зи бори миннати мардум халос аст.
Ки набвад бори мардумро дар он базм,
Ки ў бар хони неъматҳои хос аст.

Кимнинг табиатида таваккул бўлса, одамларнинг миннати юкини кўтаришдан халос бўлади. Ҳақнинг ўзи берган неъматлар дастурхонида бошқаларнинг бирор нарсаси бўлмагани маъқул.

Улча эрур тифлға шойиста иш,
Билки, кичикликда эрур парвариш.

Болага лойиқ иш — уни ёшлигида тарбиялашдир.

Уч кишидан уч иш ёмон кўринур,
Сенга арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин тундлук, ғанидин бухл,
Молға майлу ҳирс донодин.

Дунёда уч кишидан уч иш ёмон кўринади: шоҳдан тундлик, бойдан бахиллик, донодан молга ўчлик.

Улки, санга элдин эрур айбгў,
Элга доғи сендин эрур айбжў.

Бировлар айбини сенга айтувчи киши сенинг айбингни ҳам ўзгаларга айтар.

Улус аҳволидин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд.

Кишиларнинг аҳволидан ибрат ол, аммо одамлар сенинг ёмон хатти-ҳаракатингни кўриб ибратланадиган бўлмасин.

Улки, хато сўзига ойин эрур,
Зумда улким, бу хато чин эрур.

Нотўғри сўзлашга уринганлар ўзларининг ёлғон сўзларини чин деб тушунишга ўрганган бўладилар.

Улки, ушатур босибон шишани,
Қилмас оёқ захмидин андишани.

Шишани босиб ушатувчилар унинг бирор оёққа кириб, зарар беришини ўйламайдилар.

Улки, зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Кишиларга зарар етказишга ўрганганлар, халққагина эмас, ўзларига ҳам жабр қиладилар.

Улус бўлса маъмур бир ганж эрур,
Ки андин жаҳон фатҳи осон бўлур.

Дунёда ҳар қандай қийинчиликларни ҳал қила олар-лик хазина — халқнинг тўқ ва шод яшашидир.

Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила,
Нукта ўрниғаки, тортар харрос.
Бир эшакдурки, тағофул юзидин,
Қилғай изҳор паёпай аррос.

Нодон киши умрини бекорчи сўзларга сарф қилиб ўтказиши билан вақтсиз кетма-кет ҳангровчи эшакка ўхшайди.

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Кўринишда шакарнинг туздан фарқи йўқдир, лекин биттаси туз, биттаси қанддир.

*

Умр эрур тақвию тоат учун,
Тенгри буюрғонға итоат учун.

Умидим буки, уммидингға етгил!

* * *

Улуғ бўлғон сойи бечора бўлдум,
Диёру мулкдин овора бўлдум.

* * *

Улки, эл кўрмагунча бермас — лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил; ибром била бергандин бермаганни яхшироқ бил.

Эл кўрмагунча бермайдиган киши сахий эмас, хасисдир. Сўрамагунча бермайдиган кишини ҳам сахийликдан узоқ бил. Қистов билан бергандан бермаган маъқул.

Ул кўнгулгаким, қаттиғ сўз решдек бўлғай, аччиқ тил заҳролуд нешдек бўлғай.

Қаттиқ сўздан озор етадиган кўнгилга аччиқ сўз заҳарли тиғ каби жароҳат етказади.

Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ё Раб?

Умр ўткинчи эмиш, агар киши оламнинг шоҳи бўлса ҳам, оқибат ўлар эмиш, шундай экан, эй Худо, бунча кибру ғурур не учун?

Улки, эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса ҳусн,
Уйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз.

Ишқи пок бўлмай, ҳар гўзални кўрганда сажда қиладиган киши таҳоратсиз намоз ўқийдиган ярамасга ўхшайди.

Умрға чун йўқ вафо, Тенгри неча бу даҳрча
Ёна халқ айлаб, санга ҳукме муқаррар бўлди, тут.

Умрнинг вафоси йўқ. Худои таоло бу дунёдагичалик одамларни бир неча марта яратган. Ҳозирча навбат сеники эканлигини унутма.

Умрға ҳеч эътимоде йўқтур, эй ғофил кўнгул,
Ою йилни неча маст ўткаргасен, бир ҳам ойил.

Эй ғофил кўнгил, бу ўткинчи умрга ишонч йўқ, бас, нега ою йилларни масту беҳудлик билан ўтказаяпсан, ҳеч бўлмаса бир бор ақлу ҳушингни йиғиштириб, ҳушёр тортсанг-чи!

Умр торин чун кесар даврон жафо тиғи била,
Жазм билгилким, анга бўлмас кўнгулни боғлабон.

Замон жафо тиғи билан умр торини кесади, бас, унга кўнгил боғлаб бўлмаслигини яхши бил.

Умр базмида нашот асбоби дилкашдур басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса.

Агарда ҳодисалар миршаби талон-тарож этмаса, умр базмида хурсандчилик воситалари бўлганига нима етсин!

Улки, Холиқға шукр дер, аввал
Шокир ўлмоқ керак халойиқдин.
Кимки махлуқ шукрини демагай,
Демагай дағи шукр Холиқдин.

Худога шукр дейдиган киши аввал одамларга шукр айтиши керак. Одамлардан ношукр бўлган киши Худога ҳам шукр қилмайди.

Уч феъл эрур кишига қотил охир,
Қотиллиқ аро захри ҳалоҳил охир:

Бухл англа бирин, бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларға дохил охир.

Уч ёмон иллат кишининг қотили, ҳатто ўлдирувчи заҳардир. Уларнинг бирини — қурумсоқлик, иккинчисини — худбинлик деб бил ва кибру ғурурни ҳам улар қаторига қўш (учинчи қилиб).

Уч қисм ила иймонға бино фаҳм айла,
Аввалғисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини дағи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла.

Иймон биносини уч қисмдан иборат деб англа: биринчиси — ҳаё, иккинчиси — вафо, учинчиси — сахийлик.

Улким, қўлида дурри лаоли бўлғай,
Ғамнинг анга қайда эҳтимоли бўлғай,
Муфлис бўлмоқ тараб заволи бўлғай,
Ғамгиндурур улки, илги холи бўлғай.

Қўлида қимматбаҳо гавҳар бўлган кишининг ғами бўлмайди. Қашшоқлик хурсандчилик қилишга имкон бермайди. Шунинг учун қўли бўш одамнинг қайғуси кўп бўлади.

Уйқу неча ишрату сурурунг бирла,
Кўзунг қаро айламак ғурурунг бирла,
Тийра кеча тоат эт ҳузурунг бирла,
Қабринг уйини ёрут бу нурунг бирла.

Қачонгача кайфу сафо ва уйқу билан умрингни ўтказасен? Ғурурга маст бўлиб, кўзингни зулмат пардасига ўрайсан? Ундан кўра, қоронғи кечаларда ихлос билан ибодат қилиб, тоат нури билан қабрингни мунаввар қилсанг-чи!

Улки, чин сўзни ёлғонга қотар,
Дурри саминни нажосатқа отар.

Чин сўзга ёлғон аралаштирган киши қимматбаҳо гавҳарни ахлатга отгандай бўлади.

Улким, қаноатқа муътод бўлди,
Шоҳу гадо тараддудидин озод бўлди.

Қаноатни одат қилган киши шоҳу гадо миннатидан озод бўлади.

Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин,
Меҳр боринда ёруғлуқ кўз тутур зарротдин.

Оллоҳ турганда мақсадининг амалга ошишини бандасидан тилаган киши қуёш қолиб, заррадан ёруғлик кутганга ўхшайди.

Улки, ичиб бодани паймонадин,
Маст чиқар кўйга хумхонадин,
Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,
Қайси ёмон ит, қопағон ит киби.

Майхонадан маст бўлиб кўчага чиққан киши одамларга ёмон ит, тўғрироғи, қопағон ит каби ҳамла қилади.

Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин —
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

Кишининг ҳолини сўзидан билиш мумкин, чунки сўз кишининг кўнглидагидан хабар беради.

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?

Ёлғиз киши дунёдан баҳра тополмайди, чунки бир қўлдан товуш (қарс) чиққанини ким эшитган.

Фисқ бари тариқда ёмондур ва порсолиқ либосида ёмонроқ.

Ахлоқсизлик барча ҳолда ёмондир ва тақводорлик ниқобида бўлса, янада ёмонроқ.



Фалак арусида йўқ меҳру дилраболиғ кўп,
Нечукки, ҳусну жамол аҳлиға вафо била ноз.

Гўзалларнинг вафою нози кам бўлганидек, тақдир келинчагининг ҳам меҳрибонлигию дилраболиги кўп эмас.

Фосиқдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама.

* * *

Фикр этиб билман не навъ эркин кўнгул хуррамлиғи,
Кўрмадим ҳаргиз сени бир дам чу хуррам, эй кўнгул.

Ҳар қанча фикр этмай, кўнгул хуррамлиги нималигини билмайман, чунки, эй кўнгил, бир лаҳза бўлсин, сени хуррам кўрган эмасман.

Фалакдин яхшилиқ еткай дебон кўнглунгни шод этма,
Ёмонлиғким етар, ҳоло унут, ўтканни ёд этма.

Фалакдан яхшилик умид қилиб, кўнглингни ортиқча шод ҳам этма, ёмонлик етганида ҳам хафа бўлмай, дарҳол уни унут.

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Отага хизмат қилишни одат этган фарзанд бу одати билан саодатга мушарраф бўлади. Ким отасини беҳад ҳурмат қилса, ўғлидан ўзига ҳам шундай ҳурмат қайтади.

Фониё, рав, ки ба сарманзили мақсуд расад,
Ҳар ки мардона дар ин бодия гом андозад.

Эй Фоний, йўлга туш, бу биёбонда ким мардона қадам ташласа, мақсад манзилига ўша киши етади.

Фоний, ба коми гулшани гети мабанд дил,
Чун мурғи руҳ мепарад аз шохсори умр.

Эй Фоний, дунё гулшани давлатига кўнгил боғлама, чунки умр дарахти шохидан жон қуши бир куни барибир учиб кетади.

Фониё, гар шодият бояд тамаъ бигсил зи халқ,
З-он, ки аз ранжи тамаъ дилро расад ҳар дам ғаме.
Гар бувад дар хотират розе фурӯ хӯру дам мазан,
Чун зи абнои замон мумкин набошад маҳраме.
Боядат аз олам озоди, бирав, озода бош,
З-он, ки бошад олами озодаги хуш оламе.

Эй Фоний, агар шодлик истасанг, халқдан тама қўлини уз, чунки тама дардидан дилга ҳар нафас ғам етади. Агар кўнглингда бир сиринг бўлса, сабр айлаю, ҳеч кимга айтма, чунки бу замон одамлари орасидан бир сирдош топиш мумкин эмас. Оламдан озод бўлмоқчи бўлсанг, аввало озода бўл, чунки озодалик олами гўзал бир оламдир.

Фалонро, ки дахл аст аз ҳад бурун
Вале як дирам набвадаш харж аз ин.
Гузашта нишинад ба ҳар анжуман,
Фарози бузургони бо илму дин.
Ба таърифи мазкур ин шахсро,
Тавон гуфт: камхаржи болонишин.

Фалончининг даромади ҳаддан ташқари кўп, лекин бу даромаддан бир тийинини ҳам сарф қилмайди. Ҳар бир даврада илму дин арбобларидан тўрга чиқиб ўтиради. Бундай кишига «иззатталаб мумсик» деган таъриф жуда муносибдир.

Фиқҳро чун иллати макру ҳиял созад фақиҳ,
Не фақиҳ аст он, ки ҳарфи иллати фиқҳ андар аст.

Агар фақиҳ (шариат олими) фиқҳ (шариат илми)ни макру ҳийла қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фиқҳ касалига мубтало бўлган кишидир.

Хомтама даҳрда ранжурдур.

Хомтама — ўринсиз, пуч умидли кишилар — дунёда азобланувчилардур.

Хон анга ёйғилки, эрур муштаҳи,
Тўқ емас, ар еса, бўлур мумтали.

Кўнгли овқат тиловчи, қорни оч кишига овқат бер, тўқ киши овқат устига еса, ташлашга мажбур бўлади.

Хонақоҳ аҳли йўлиқса, мастликдин тонимон,
Шукрким, бўлдим аларға ошноликдин жудо.

Шайхлар йўлиқса, мастликдан уларни танимайман, мастлик орқасида уларга ошналикдан қутулганимга шукр.

Хокиён дар поя болотар зи жабборон, ки мўр,
Беҳ хиромад бар манор, аз шер гарчи аҳқараст.

Шерга нисбатан жуда кучсиз бўлган чумоли баланд минораларнинг юқори томонига чиқа олгани каби, кибрсиз кишилар мутакаббир кишилардан мартабада юқоридирлар.

Хайр муяссар гар эмас эл била,
Нафъ етурмоқ ҳам эрур тил била.

Қўл билан яхшилик бўлмаганда, тил билан ҳам уни бажариш мумкин.

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

Ўзингга лойиқ кўрмаганни халққа раво кўрмагил.

Халиқ ўлған сахийдин элга етгай икки бахшойиш,
Ҳам эҳсонидин ороийиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

Ахлоқли сахийдин эл учун икки яхшилик етади: эҳсонидин тузалиш, ахлоқидин роҳат.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале, борча чин ҳам дегулик эмас.

Ақлли киши чин гапиради, аммо барча чин сўзни ҳам айтавериш дуруст эмас.

Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо сурати.

Ҳар қанча зебо суратларда ҳам яхши ахлоқ, ширин сўз бўлмаса, халқ уларни истамайди.

Худписанд — нохирадманд.

Ўзинигина писанд қиладиган одам — нодондир.

Хушо улки, оламда гар чекти ранж,
Яна олам асбобиға топти ганж.

Бир қанча қийинчилик билан бўлса ҳам, тирикчилик учун зарур матолар топганларнинг вақти чоғ.

Хуш улким, кўнгулга кушод истабон,
Қўпуб азм қилғай мурод истабон.

Кўнгил шодлиги ва мақсадни излаб ҳаракат қилувчилар энг яхши кишилардир (ўтираверишс билан кўнгилдагига етишиш мумкин эмас).

Хирад деҳқони мундоғ нуктае дер —
Ки: «Дона сочқоли яхши керак ер».

Ақл деҳқони шундай ҳикмат айтади: «Уруғни яхши ерга сочиш керак».

Хатодин холи эрмас одамизод,
Эрур Ҳақ ишда саҳв этмоқдин озод.

Одам боласи хатодан холи бўлмайди, фақат Парвардигоргина ҳар қандай айбдан озод.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Эй боғбон, боғингнинг томини игна билан ёпсанг ҳам хазон сипоҳининг йўлини тўсолмайсан (яъни ҳар қандай боғ ҳам кузда қуриб-қовжирайди).

Хорсиз гул даҳр боғи ичра не имкон эрур.

Дунё боғида тикансиз гул бўлиши мумкин эмас.

Хурдадон бўлмас киши нозук тахайюл қилмайин.

Теран фикр юритмай туриб, киши донишманд бўлмайди.

Халос эрмас киши ҳар ҳол била Тенгри қазосидин.

Киши ҳар қандай ҳолатда ҳам Худонинг тақдиридан озод эмас.

Худой учун қилинг, эй порсо йигитлар, шукр —
Ки, сизга журму гунаҳдин Ҳудо нигаҳбондур.

Эй тақводор йигитлар, Худога шукр қилингки, сизни айбу гуноҳдан Худонинг ўзи асрайди.

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.

Одамлар ичида яхшироғи ким деб сўрадинг. Сўзимни эшитиб, шубҳалардан халос бўл: одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган кишиларни одамларнинг яхшироғи деб бил.

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингни-ю, маҳбуб ўлғил.

Яхши одамлар билан бирга бўлиб, ўзинг ҳам яхши бўл. Доим яхши одамларнинг суҳбатини изла-ю, ўзинг ҳам бошқаларга ёқимли бўл. Ширин сўзинг билан кишиларнинг кўнглини топ, мулойим гапир-у, севимли бўл.

Худпараст — бутпараст.

Худбин, мутакаббир киши бутпараст (бутга сиғинувчи)дир.

Худписанд — иши бори элга нописанд.

Худбиннинг иши ҳеч кимга ёқмайди.

Хирадманд мухолафатдин қочар ва мувофақатға мулоямат эшигин очар.

Доно душманликдан қочар ва дўстликка мулойимлик билан эшик очар.

Хайрсиз ғаний — ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим — доббаки, анга юклагайлар китоб.

Хайру эҳсон қилмайдиган бой — ёғмай ўтадиган булут ва амалсиз олим — фақат китоб ортишга ярайдиган ҳайвон.

Хушгўйким, сўзни рифқ ва мусово била айтғай, кўнгулга юз ғам келадурғон бўлса, анинг сўзидин қайтғай.

Хушмуомала киши сўзни жойини топиб, мулойимлик билан айтади ва кўнгилга юз ғам юзланадиган бўлса, унинг сўзидан қайтади.

Хуш сўзга ким ўлса масту беҳуш,
Шарбат аро заҳрни қилур нўш.

Ширин сўзга лаққа учиб, ундан масту беҳуш бўладиган киши шарбатга қўшиб, заҳарни ичгандай бўлади.

Хушо улки, умрин табоҳ этмади,
Қилур ишларин қилмайин кетмади.

Умрини беҳуда ўтказмаган, қилиши керак бўлган ишларни қилиб кетган киши бахтлидир.

Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,
Хирад англарки, қаю бири бирини синдурғай.

Биров қимматбаҳо гавҳарни тошга урар экан, ақл улардан қайси бири қайси бирини синдиришини олдиндан билиб туради.

Хирадманд пандини кўрган ачиғ,
Сўнгида пушаймонлиғи не асиғ?

Бошида донишманднинг насиҳати аччиқ туюлиб, унга амал қилмаган кишининг охирида пушаймон бўлишидан нима фойда?

Хирад гар бўлди эрса чора пайванд,
Натижа чорадин топқай хирадманд.

Ақл орқали чора топиш мумкин бўлса, ақлли киши чорадан албатта манфаат топади.

Хорлиғлар боши тамаъ билгил,
Доимо ъазза ман қанаъ билгил.

Билгилки, хорлиқ тамадан бошланади. Шунинг учун «Ким қаноат қилса, азиз бўлади» ҳикматини ҳамиша шиор қилиб ол.

Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб.

Яхши киши йиртиқ тўн билан ҳам яхшилигича қолади.

Чу душман ўлди қадимий, зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши жонга роҳат эрур.

Илгаридан сенга душман бўлган киши ҳар қанча ширин сўзли бўлса ҳам, унинг сўзларига алданма.

Чунки супурги йиғар, инак далил,
Ётмоқ эшик кейнида хору залил.

Супурги эшик олдида хўрланиб ётиши, унинг дунё йиғишга уринувчилар сингари, ҳар нарсани тўплашидандир.

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.

Тил захмининг оғриғидан кўнгил синишининг алами жон аламидан кам эмас.

Чу элга берур парвариш рўзгор,
Керак андоғ-ўқ бўлса омўзгор.

Турмуш кишиларни тарбиялайди, бас, уни яхши ўрганиш билан тўла фойдаланиш керак.

Чун Навоий кўнгли синди, энди лутфинг не осиғ,
Ким ушатса шишани, бутмас яна пайванд ила.

Навоийнинг кўнгли сингач, эндиги илтифотдин нима фойда. Шиша сингач, улаш билан эски ҳолига қайтадими?

Чун табъи мулойим бўлур ўргангали мойил,
Оз вақтда кўп навъ қилур касб фазойил.

Табиати ўрганишга мойил кишилар оз фурсатда кўп фазилатларни касб қиладилар.



Чекса душман сенинг салоҳинга тил,
Маҳзи ифсод бўлғусидур бил.

Душман сенга зоҳирда яхши маслаҳат кўрсатган каби кўринса ҳам, ҳақиқатда унинг кўрсатган маслаҳатлари бузуқчиликнинг худди ўзидир.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки, гадодур тамаъ этган киши.

* * *

Чаманда сарв, бас, раъно шажардур,
Йўқ андин нафъ, чунким бесамардур.

Сарв чамандаги энг гўзал дарахт бўлса ҳам, меваси бўлмаганлиги учун ундан фойда йўқ.

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар,

* * *

Чин сўзни ёлғонға чулғама, чин айта олур тилни ёлғонға булғама.

* * *

Чекма кўп ранж, Навоийки, киши топмайдур
Ўзидин халқни хушнуд муроот айлаб.

Эй Навоий, кўп ғам-қайғу чекма, чунки одамлар ўзларига марҳамат кўрсатганлардан сира миннатдор бўлмайдилар.

Чун азалда ҳар не қисмат бўлди — кўрмай чора йўқ,
Халқ ўз комин ўзидекдин таваллоси недур?

Азалда нимаики қисмат қилинган бўлса, уни кўрмасликнинг иложи йўқ. Бинобарин, кишиларнинг ўзларига ўхшаган бандалардан бирор нарсани ёлвориб сўрашлари ажабланарли ҳол.

Чарх макру фитнасидин ғофил ўлманг зинҳор,
Чунки бу шоҳид басе фаттон эрур, маккора ҳам.

Чархнинг макру фитнасидан сира ғофил қолманг, чунки у ўта мафтункор ва маккор нозанинга ўхшайди.

Чарх золиким, ўзин лўъбатдек оройиш берур,
Қочқил андинким, эмас лўъбат, эрур Ҳақ лаънати.

Дунё ўзига қўғирчоқдек зеб беради, лекин сен ундан қочки, у қўғирчоқ эмас, балки Ҳақнинг лаънатидир.

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Гапирувчи хоҳ хотин, хоҳ эркак бўлсин, сўздан мақсад маънодир.

Чархдин не келса, жуз таслим йўқтур чорае.

Тақдирдан нимаики юзланмасин, унга кўнишдан бўлак чора йўқ.

Чу умр ўтар, бу кун ўзни нишот ила хуш тут —
Ки, тонгла нафъ етурмас дариғ ила афсус.

Умр ўтар экан, хурсандчилик билан ўзингни шод қил, чунки кейин афсус ва надоматдан фойда йўқ.

Чархдин не келса, хуш бўлким, сенинг кўнглунг учун
Айламас даврини ҳаргиз гунбади даввор бас.

Тақдирингда борига шукр қилки, бу айланиб турувчи фалак сенинг кўнглингга қараб айланишини тўхтатмайди.

Чу топмоғунг бу чаман ғунчаю гулида вафо,
Тўкулма ғунча киби, лек гул масаллик очил.

Бу чаманнинг ғунча билан гулида вафо бўйини топмасанг-да, ғунча каби тўкилма-ю, лекин гул каби очил.

Чу гулда йўқ вафо ранги хазон еткунча, эй булбул,
Сабодин барги гул янглиғ учуб чиқ бу гулистондин.

Эй булбул, гулда вафодан асар ҳам йўқ, шунинг учун хазон фасли етгунча гул барги шамолда учгани каби, сен ҳам бу гулистондан учиб чиқ.

Чи сон хаёли иқомат кунам ба боғи жаҳон,
Ки ҳаст орияти як-ду рўз ин чаманам.

Бу жаҳон боғи бир-икки кунлик омонат жой бўлгач, қандай қилиб доимий яшаш фикрини қилай?

Чу олим аз паи боло нишастан
Ба ҳар мажлис равад, хуш пойкўбон.
На олим, жоҳилаш дон в-он, ки ўро
Намояд хуш ба жуз болои хубон.

Агар олим ҳар бир мажлисга тўрда ўтириш мақсадида борадиган бўлса, ундан раққослар яхши. Уни олим эмас, жоҳил деб бил, чунки унга гўзалларнинг қоматидан бошқа нарсаси гўзал кўринмайди.

Чу иззат боядат, тарки тамаъ кун,
Гадоёнро аз ин маънист хори.

Агар иззат тиласанг, тамани тарк эт, зеро, гадоларнинг хорлиги тама туфайлидир.

Чу фарзанди некўст аз марди нохуш,
Таҳайюр наёяд, таажжуб нашояд.
Зи хора агар гавҳар ояд ажаб нест,
В-ар аз пайкари хорбун гул кушояд.

Қаттиқ тошдан гавҳар пайдо бўлиб, тикандан гул очилгани ажабланарли бўлмагани сингари, ёмон одамдан яхши фарзанд туғилса ҳам ҳайрон бўлиб, таажжуб қилиш керак эмас.

Шоҳ ани билким, боши қалпоқда,
Базл этар офоқ берур чоқда.

Бошида тож эмас, қалпоқ бўлгани ҳолда, зарур ўрнида дунёни ҳам эҳсон қилиб юборувчи кишини шоҳ дегил.

Шоҳ бир шуъла-и фурўзондир,
Ҳар кишига етишса сўзондир.

Подшоҳ бир ловиллаган алангадир, ҳар кимки яқинлашса куйдиради.

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар
Адли бузуқ мулкни обод этар.

Адолат билан иш кўрган шоҳ вайроналарни обод қилади.

Шоми ажал уйда ётмас киши,
Умр куни гўрга ботмас киши.

Ўлгач, киши уйда туролмагани, ётолмаганидек, тирик туриб гўрга ҳам кира олмайди.

Шоҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш,
не тонг.
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ.

Подшоҳнинг ёнида фарзин каби эгри юрувчилар жойлашгач, руҳ каби тўғри юрувчилар подшоҳларнинг даргоҳидан ўзини йироқ қочириб четлашлари нима тааж-жуб?

Шамъ ёрутур уй ичу тошини,
Уй эгаси кўпроқ узар бошини.

Шам ҳаммаёқни кўпроқ ёритган сари эгаси унинг бошини кўпроқ узади.

Шод ани бил даҳрдаким, ғам емас,
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.
Чунки жаҳон боғи вафосиздурур,
Умр гули анда бақосиздурур.

Бу дунёда бўлар-бўлмас нарсани деб ғам емайдиган кишини шод деб бил, чунки дунё ишлари қайғу чекишга арзимайди. Сабаби: дунё боғи вафосиз, ундаги умр гули бақосиздир.

Шажарким, жуз латофат шеваси йўқ,
Ўтун ўрнидадур гар меваси йўқ.

Кўркидан бўлак афзаллиги бўлмаган мевасиз дарахт ўтин ўрнидадир.

... шаҳлиқ ўзгадур, ошиқлик ўзга.

* * *

Шаҳға ҳиммат паст агар берди Худо,
Хушроқ ондин ҳиммати олий гадо.

Агар Худо шоҳнинг ҳимматини паст қилиб яратган бўлса, олийҳиммат гадо ундан афзалдир.

Шаҳватпараст — нафсға зердаст.

Шаҳватпараст — нафснинг қули.

Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёсат матлубдур, аммо ҳар бири ўз маҳаллида хўбдур. Бас, анга дўстдин душманни фарқ этарга кўп мулоҳаза керак ва фаросат ва ёрни ағёрдин ойирурға кўп тажриба керак ва қиёсат.

Шоҳ ўз ўрнида лутфу марҳамат кўрсатиши, ўз ўрнида сиёсат қилиши керак. Дўстдан душманни фарқ этиш учун унга кўп мулоҳаза ва фаросат ва яқинидан бегонани ажратиш учун кўп тажриба ва қиёслаш керак.

Шайтон йўлидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил Раҳмон сори азимат зинҳор,
Тоат била бер ўзунгга қиймат зинҳор,
Ҳақ тоатини англа ғанимат зинҳор.

Шайтон йўлидан чекиниб, Раҳмон сари интил, Ҳақ тоатини ғанимат билиб, ибодатинг билан эътибор қозон.

... шарар бирла бўлур сўхтанинг нисбати кўп.

Оташ билан куйган кишининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари кўп.

Шамъ агар парвонани ўртар, ўзи ҳам ўртанур.

* * *

... шарарлар шуъланинг фарзандидур.

Учқунлар алангaнинг фарзандидир.

Шод англамас улусни бирав бўлса қайғулуқ.

Қайғули кишининг кўзига бошқалар ҳам шод кўринмайди.

Шабобнинг ҳавасидин сақолни ранг этма,
Оқорса сабза, яна кўкармак не имкондур.

Ёшликни ҳавас қилиб, соқолингни бўяма, оқарган майса қайта кўкармайди.

Э басо нуқсон, ки дар зимнаш бувад як навъ суд,
Чун дафъи лӯли дарид аз баҳри маймун чамбараст.

Баъзи камчиликлар учун ўкиниш ярамайди. Чунки айрим камчиликлар тагида бир хил фойдалар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, лўлининг чирмандаси йиртилган (ёрилган) бўлса, ёғочи маймунга ўйинчоқ чамбарак бўла олади.

Эй Навоий, сендек этган зоеъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум каби ашку надомат шоми шайб.

Эй Навоий, сен каби ёшлик чоғини дунё маълумотидан баҳрасиз ўтказганлар қариган вақтида юлдузлар каби кўз ёши тўксалар ҳам фойдаси бўлмайди.

Эранлар хидматиға кимки умрин сарф этар,
Агарчи умри кетар, аммо жовид умрға етар.

Кимки мард кишилар хизматига умрини сарф қилса, умри кетса-да, абадий умрга эришади.

Элга зиён анинг суди,
Ва ўнғой олиб, оғир сотмоғи анинг мақсуди.

[Савдогарлар] мақсади — арзон олиб, қиммат сотиш, халқнинг зиёни улар учун фойда.

Эрур нахилдек шамъ муз шўшаси
Мунинг ўт, анинг сувдурур хўшаси.

Сумалак ях билан шам кўринишда бир хил бўлсалар ҳам, аслида буларнинг бири ўт, бири сув берур.

Эшик ит еридур, гар олсун бўри,
Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри.
Гар ул дашт сайдини айлар фигор
Ва лекин бу уй сайдин айлар шигор.

Ит гарчи бўрини даф қилса ҳам, эшикда тарбияланади, мушукка эса уй тўридан жой берилади. Чунки ит дашт сайдини овлайди, мушук эса уй зараркунандаларини овлайди.

Эшак оллида заъфарон хуб эмас,
Ки нодонга зарбафт марғуб эмас.

Эшак сомон ўрнига заъфарон беришларига шодланмайди. Нодонга қимматбаҳо либос ёқмайди.

Экса ғаний тухм, қилиб элга зўр,
Тухмини торож қилур хайли мўр.

Одамларнинг кучларидан фойдаланиб деҳқончилик қилган бойнинг уруғини чумолилар совурадилар.

Эл ичра, э ҳасуд, сени қилди ҳақ залил
Ким ноҳақ элга зидсан-у ҳақ молига бахил.

Ҳасадчи дунёда хору зордир, чунки у нотўғри кишиларга зид, тўғри кишилар молига бахиллик қилади.

Эл қочса буровдин эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.

Кимдан эл қочса, ўша киши элнинг ёмонидир. Бундай бўлишлик бахтсизликнинг белгисидир.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Одам боласига насаби-ю давлати эмас, ҳаё ва одоби обрў келтиради.

Эрурсен шоҳ — агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен.

* * *

Эл молин ўзунга мол билгил,
Хайлин ўзунга иёл билгил.
Яъни нечук асралур иёлинг,
Маҳфуз нечукки турса молинг.
Андоқ бори эл иёлин асра,
Ўғридин амонда молин асра.

Эл молини ўз молингдай, ҳар бир хонадонни ўз хонадонингдай бил, яъни ўз хонадонингни қандай асрасанг, молингни қандай қўриқласанг, эл хонадонини ҳам шундай асра, молини ҳам ўғридан омон сақла.

Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлағон зийнат била.

* * *

Эрга хулқу феъл эрур зебу камол.

* * *

Элга не келса, айламас панд
Улки, кўнглини қилди ғафлат банд.
Кимки панд олди элга тушгандин,
Они билким, эрур саодатманд.

Ғафлатда қолган киши бошқаларнинг айбу нуқсонларини кўриб, ибрат олмайди. Бошқаларнинг камчилигини кўриб, тегишли хулоса чиқарган ва ўз хулқини тузатган киши бахтлидир.

Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,
Яхши юзлуқдин иста бахшойиш.

Токи бахшойишидин авваллроқ
Кўрмагидин етушгай осойиш.

Бирор ишда ҳожатинг бўлса, чеҳраси очиқ кишидан марҳамат тила. Ўшанда унинг марҳаматидан аввал очиқ чеҳрасини кўриб кўнглинг яйрайди.

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила
Юз ҳунарвар маротибин топқай.
Яъни ўз айби пардаси кўзига
Ўзга эл айби чеҳрасин ёпқай.

Ўзгаларнинг айбидан кўз юмиш билан юз фазилатли инсон мақомини топган киши бахтлидир. Ўз айбини билган кишига ўз айби парда бўлиб, бошқаларнинг айбини яширади.

Эмас ул паҳлавонки, ўз қадрин
Бош уза элтибон нигун қилғай.
Паҳлавон они билки, етса ғазаб
Нафси аммораниí забун қилғай.

Паҳлавон деб рақибини боши узра кўтариб, сўнг ер билан яксон қилган кишини билма. Жаҳли чиққанида нафсининг ёмон хоҳишларини енгган кишини чинакам паҳлавон деб бил.

Эй хирадманд олимеки, санга
Илмдин рўзий айлади сонеъ.
Киши ўрганса, қилмағил маҳрум
Ёки нафъ олса, бўлмағил монеъ.

Эй донишманд олим, Худованди карим сенга илмни қисмат қилган экан, биров ўрганаман деб келса, уни бу бахтдан маҳрум қилма ёки кимдир фойдаланмоқчи бўлса, қаршилик кўрсатма.

Эшак унидин қулоққа озордур, андин ўзга не айби бордур?

* * *

Эр киши кўп ясанса, бева бўлғай, бу сифат зуафоға шева бўлғай.

Ясаниш — аёлларга хос. Шундай экан, кўп ясанган эркак аёлга ўхшайди.

Эр кишиким, кўп ясанғай, хирад аҳли анинг ақлидин ўсанғай.

Донишмандлар кўп ясанған эркакнинг ақлига шубҳа билан қарайдилар.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдурур,
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур.

* * *

Эл айбини айтурға бировким узатур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

Бошқаларнинг айбини айтишга тилини шайлаган киши аслида ўз айбини фош қилишга оғзини очган бўлади.

Эҳсон тирикликда яхши отдур, ўлгандин сўнг дўзах азобидин нажот.

* * *

Эски чапон била фориғ туфроғда ўлтурмоқ яхшироқким, зарбафт хафтон кийиб, биров олида турмоқ.

Зарбоф тўн кийиб, бировга муте бўлгандан кўра, эски чопон билан тупроқда осойишта ўтирган афзал.

Элга қўшулғон оройиш топти, элдин узулғон осойиш топти.

* * *

Эмас афлоку анжум ҳоли бенафъу зарар, лекин
Ани Тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин.

Сайёралар ва юлдузларнинг ҳаракати фойдаю зарардан холи эмаслиги табиий, лекин бу нарсани Худованди каримнинг ўзи билади, мунажжимнинг билиши мумкин эмас.

Эмгак тортиб илм ўрганган хирадманд.

Машаққат чекиб, илм ўрганган донишманд бўлади.

Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,
Эҳсонда тараб икинчи эҳсон келди.

Эҳсон инсонга ҳар қанча зийнат бўлмасин, мулойимлик, чеҳраси очиқлик ҳам эҳсондан кейинги иккинчи эҳсондир.

Эҳсонки қилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улуқ иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилғил ики онча эътизор айлаб ани.

Ўзингдан фахрланиб, оламдаги энг улуғ иш ҳисоблаб, эҳсон қилар экансан, бундан бошқалар устидан ҳукм юритиш мақсадини кўзда тутма, балки узр сўраб, эҳсонингни иккинчи марта такрор эт.

Эйким, қиласен жилваю ишрат чоғи зеб,
Мустаҳсан эмас эр кишининг қилмоғи зеб,
Гар бўлса ишинг кўпраги ё озроғи зеб,
Зоҳирдин эрур сутуда ботиндоғи зеб.

Эй жилва қилиб, дилхушлик учун ўзига зеб берадиган киши, ясаниш эркак кишига ярашмайди. Ишингнинг оз ёки кўпи ўзингга зеб бўлиши мумкин, лекин яхши билки, ботиний гўзаллик зоҳирий гўзалликдан устундир.

Эҳсон эрур андинки, керак кам бедод,
Ўз ерида қилмоғондуру ҳам бедод.

Зулм қилмаслик ҳам эҳсон ўрнида, айни пайтда зарур вақтида эҳсон қилмаслик ҳам зулм билан баробар.

Эл поясин англай десанг, асрорини бил,
Кўнглидаги муддаосин изҳорини бил,
Қалбиға кўра таши намудорини бил,
Матлубиға боқу кимса миқдорини бил.

Бировнинг кимлигини билай десанг, унинг сирларидан хабардор бўл, дилидаги мақсадини қандай изҳор қилишини бил. Ботинининг зоҳирида қанчалик намоён бўлишига эътибор қил. Бошқаларнинг уни қанчалик қадрлашига қараб, мақомини белгила.

Эрмас ул фарзонаким, тарк этти дунё ҳосилин,
Балки ҳосил қилғали майл этмаган фарзонадур.

Дунё бойлигини тарк этган эмас, балки уни йиғишга қизиқмаган киши оқил ҳисобланади.

Эйки, кўнглунг сиррин истарсенки, пинҳон асрасанг,
Даҳр боғи ичра очма ғунчадек зинҳор оғиз.

Кўнглингдаги сиринг яширин қолишини истасанг, бу дунё боғида сира ғунча каби оғзингни очма.

Эски оламға кўнгул кўп боғлама —
Ким, мусофирға ватан бўлмас работ.

Карвонсарой мусофирга ватанлик қилмагани каби, бу эски олам ҳам инсонга вафо қилмайди, шунинг учун унга кўнгил боғлама.

Эй Навоий, давр аёғин тут ғанимат, ушбу дам —
Ким, сaботе йўқтурур бу даврға, даврониға ҳам.

Эй Навоий, даврада айланиб турган май қадаҳини ғанимат бил, чунки бу дунёга ҳам, бу давронга ҳам ишонч йўқ.

Эй Навоий, олам аҳлидин қироқ тут зинҳор —
Ким, мулоқоти аларнинг кўп малолат еткурур.

Эй Навоий, олам аҳлидан ўзингни хилватга ол, чунки улар билан муомала-мулоқотда бўлишдан кишига малоллик етади.

Эй хуш улким, бошининг остидадур дилбар қўли —
Ким, Навоий кечалар бори ўз илгин ёстанур.

Севгилисининг қўлига бош қўйиб ухлаган киши бахтлидир. Навоий узун тунлар бошининг остига ўз қўлини қўйиб ётади.

Эй кўнгул, раҳмат сенга, ҳар нечаким кўрдунг жафо,
Олам аҳлидин вафо ҳаргиз таманно қилмадинг.

Эй кўнгил, ҳар қанча жабру жафо кўрсанг ҳам, бу дунё кишиларидан меҳру вафо умид қилмаганинг учун сенга раҳмат!

Эй Навоий, даҳр йўқу бори тинмаслиғдурур,
Тинғасен гар қилмасанг парво йўқу бориға ҳам.

Эй Навоий, бу дунёнинг бутун мазмун-моҳияти гоҳ йўқни, гоҳ борни деб тиним билмаслик, ўзни ўту чўққа уришдан иборат. Фақат дунёнинг борига ҳам, йўғига ҳам парво қилмайдиган кишигина хотиржам бўлади.

Эй Навоий, гар десанг кўп инжимай давр аҳлидин,
Ҳар не дерлар ё қилурлар, қилмағил парво, басе.

Эй Навоий, замона одамларидан хафа бўлмай десанг, нима десалар ҳам, нима қилсалар ҳам, ортиқча парво қилма.



Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб.

Эй Навоий, умр шамолдек ўтади, шамолга эса, ҳар қанча югуриб ҳам етиб бўлмайди. Шундай экан, вақтингни хуш ўтказ.

Эй Навоий, чу ўтар яхши-ёмон, ғам емадег,
Улки, давронда эрур ишрати кам, меҳнати кўп.

Эй Навоий, яхши ҳам, ёмон ҳам ўтар экан, беҳуда ғам ема, азалдан бу дунёнинг роҳати каму кулфати кўп.

Эрур мазлуму золим қатли ишқ оллида кўп осон,
Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдиму Парвез?

Ишқ учун мазлумни ҳам, золимни ҳам қатл этиш қийин эмас: Хусрав Парвез Фарҳодни ўлдирган бўлса, унинг ўзи ҳам ўғли Шеруя томонидан ўлим топди-ку!

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бу турфаким,
Жоним этган реш эл бағрига кирган хор эмиш.

Эл кўксига урилган тиғдан мен ҳалок бўлдим. Бу қизиқ ҳолни кўрингким: эл бағрига санчилган тикан менинг жонимга жароҳат етказмиш.

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон.

Мен ҳали ўзимни ўзим топганим йўғ-у, эл қандай қилиб мени топсин?

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Бу дунёда молу мартаба ўткинчи, яхши ном эса боқий қолади. Шундай экан, қўлингдан иш келганда одамларнинг ҳожатини раво қил.

Эшитмай халқ пандин, турфаким,
панд элга ҳам дерсен,

Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким,
элга бермак панд.

Ўзинг халқ панд-насиҳатини эшитмайсан-у, яна одамларга панду насиҳат қилганинг қизиқ. Қўлингдан келса, ўзинг панду насиҳат эшит, чунки сен киму элга панду насиҳат қилиш нима?

Эй кўнгул, куйдур тамаъ тухмин, таманно мазраъин,
Бу экинни чунки ҳаргиз қилмади доно писанд.

Эй кўнгил, тама уруғини-ю, бировдан илтимос қилиш экинини куйдириб ташла, чунки доно киши бу экинни сира ёқтирмайди.

Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани?
Бўлмағил ғофилки, бир-бир бордилар ҳамроҳлар.

* * *

Эл насиби чу азал қисматида топти рақам,
Сенки саъй ортуқ этарсен, нечук ўлғай нофиъ.

Элнинг ризқу насибаси азалдан қисматида белгилаб қўйилган. Шундай экан, сенинг ортиқча куйиб-пишганингдан нима фойда?

Эй фалон, сўхти халойиқро,
Мулкро шиддати ту вайрон кард.
Оташеро, ки чун ту сўзанда аст,
Жуз бакуштан илож натвон кард.

Эй фалончи, халойиқни куйдирдинг, сенинг ғазабинг мамлакатни вайрон қилди. Сен каби иши куйдириш бўлган ўтни ўчиришдан бошқа чора йўқдир.



Эй, ки назми суханварони жаҳон
Мекуни нафи, шеъри худ таҳсин.
Нестанд аҳли донишу инсоф,
Ки бувад ин чунинашон оин.

Ҳунари хешу айби кас диди,
Нести кўр, акси ин ҳам бин.

Эй, жаҳон сўз усталарининг назмини инкор қилиб, ўз шеърини мақтовчи! Бундай ишни одат қилиб олган кишиларнинг ўзи илму инсоф аҳлидан эмаслар. Ўзингнинг фазилатингни-ю, ўзгаларнинг айбини кўрасан, агар кўр бўлмасанг, бунинг аксини ҳам бир кўр!

Эй ғаний, аз мол базли аҳли истеҳқоқ кун,
Вақтро фурсат ғанимат дор аз баҳри карам.
Дар жавони барфишон ҳар сў дирамро, пеш аз он,
К-ў фитад аз раъшаи дастат гаҳи пири дирам.

Эй давлатманд, молингдан фақирларга эҳсон қил. Карам қилишда фурсатни ғанимат бил. Кексаликда қўлинг қалтираб, пулни ҳам тутолмай қолиши мумкин, бинобарин, йигитликда ҳар томонга пулларингни соч!

Эй дил, рўзат тира шуд аз аҳли замон,
З-он сон, ки бувад шабат ҳамон, рўз ҳамон.
Аз жабри замон чу як замон нест амон,
Гар хоҳи амон, жоми май аз даст намон!

Эй дил, замон аҳлидан кунинг қора бўлди. Шу сабабли кечанг қандай бўлса, кундузинг ҳам шундай. Замона жафосидан бир лаҳза осойиш йўқ, агар осойиш истасанг, май қадаҳини қўлингдан қўйма!

Эй он, ки дар ин дайри фано дар банди,
Бар худ тааби роҳи бақо бибанди,
Бо жоҳи жаҳони бебақо хурсанди,
Гар шоҳи замонаи, ки ҳожатманди.

Эй сен, бу ўткинчи дунёга асир бўлган киши, тириклик ташвишлари сенга бақо йўлини боғлаб қўйибди. Бу бевафо дунёга асир эканлигингдан хурсандсан, агар замона шоҳи бўлсанг-да, Ўзига ҳожатманд эканингни унутма.

Эгрию туз васфи муҳаққақ эрур,
Ботил эрур эгрию туз ҳақ эрур.
Шамъки, тузлук била масрур бўлур,
Гарчи куяр, боштин-оёқ нур ўлур.

Эгрилик ва тўғрилик ҳақида гапириш муқаррар: эгрилик ботилу тўғрилик ҳақиқатдир. Шам тўғрилиги туфайли шод бўлди, куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлди.

Эшитмак элни тўла қилуру айтмоқ холи, эшиткучию айтқучининг будур ҳоли.

* * *

Элга неча махфий эса бу сифат,
Зоҳир этар ёлғон ўзин оқибат.

Элдан ҳар қанча пинҳон бўлмасин, ёлғон охир-оқибат ўзини ошкор қилади.

Эҳсон сифати саодати абад бил, фитнаю офат яъжужи дафъига сад бил.

Эҳсонни абадий саодат сифати, фитнаю офат балосини даф этадиган девор деб бил.

Эр кишига хилъат ила не шараф,
Дурға не нуқсон, йироқ ўлса садаф.

Эр кишига унинг кийими обрў келтирмайди, садафдан узоққа тушгани билан дурнинг қадри пасаймайди.

Эл ғуссасин синдурмакинг мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.

Эл ғаму ғуссасини бартараф этишни мақсад қил ва бу одат билан ўзингга яхши оқибатни таъмин эт.

Юз йилки киши умр тилар, бил —
Ким, сабр керакдур юз йил.

Юз йил яшашни тиловчилар учун юз йил сабр ҳам керак.

Югурма ризқ учун, не етса Ҳақдин англаким, комил
Не келтургил демиш, не ғайбдин келганни
қайтармиш.

Ризқ учун ортиқча куйиб-пишма, нимаики етса, Ҳақдан деб англа. Ақлли киши на бировдин сўрайди, на ғойибдан келганни қайтаради.

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Менга юз жафо қилса, бир марта фарёд чекмайман, лекин элга бир жафо қилса, юз марта фарёд чекаман.

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи.

Пок хотинлар оёғининг изи юз минг нопок эрдан яхшироқ.

Юз ўлумча бордурур ағёр ила ўлтурмағи.

Душман билан бирга ўтириш юз марта ўлиш билан баробар.

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,
Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро.

Ёмонлар орасига тушиб қолган кишига ёмонлик юқади — кўмирга қўл тегизган қўлини қора қилади.

Юқори ўлтурурни ким тиласа,
Кишиликдин ани йироқ билгил.

* * *

Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳгилемга албатта меҳр айлама фош.

Асли ёмон кишини тарбиялайман деб беҳуда уринма, бадбахтга меҳрибонлик кўрсатиб овора бўлма.

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гадолик дайр аро,
Ўзга қилмоқ яхшироққим, ўзгага қилмоқ ситам.

Дунёда Жамшиддек подшоҳ бўлиб, бировга жабр қилгандан, гадо бўлиб, ўзига ситам қилган яхши.

Яхши хотинлар сафойи зуҳдидин,
Олам ичра гар ёруғлик бўлса фош.
Йўқ ажаб, чунким, араб алфозида,
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш.

Яхши хотинлар илму ҳунарининг нуридан дунё ёриса, нима таажжуб? Чунки қуёш маъносидаги «шамс» сўзи араб тилида муаннасдир («женский род» дир).

Яғоч узра гар бўлса юз минг янғоқ,
Кўмар ерга ҳар не ўғурлади зоғ.

Дарахтда янғоқ ҳар қанча кўп бўлса ҳам, зоғ ўзининг ўғирлаган ёнғоғини биров тортиб олаётгандай ерга кўмади.

Яхшиға андин ғаму озор эрур,
Боғда гул ҳамнафаси хор эрур.

Гул тикандан холи бўлмаганидек, яхши киши ҳам ғаму озордан озод эмас.

Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.

Дунё яхшию ёмондан холи эмас, фақат ёмон ошкору яхши яширин.

Яхшироқ тоғ остида қолмоққи, қайғу остида.

Қайғу остида қолгандан тоғ остида қолган яхши.

... яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.

* * *

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

Қани эди, яхшилик қилмайдиган киши сира ёмонлик ҳам қилмаса! Унинг ёмонлик қилмагани яхшилик қилган билан баробар.

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
Не учунким, Расул қавли билан:
Яхши сўз бордур, уйлаким, садақа.

Бечораларга яхши таом беролмасанг ҳам, яхши сўз билан аҳволини сўра, зеро, Пайғамбар таъбири билан айтганда, яхши сўз — садақа ҳукмида.

Яхшилиқдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санга осойиши жон ҳамсуҳбат,
Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангакимдурур ёмон ҳамсуҳбат.

Яхши ҳамсуҳбатдан жонингга роҳат етади. Фойдали ҳамсуҳбат мисоли фаришта бўлса, ёмон ҳамсуҳбат шайтонга ўхшайди.

Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун.

* * *

Ямонларға лутфу карам яхшиларға мужиби зарар ва алам.

Ёмонларга мурувват ва марҳамат кўрсатиш яхшиларга зарар ва алам етказишга сабаб бўлади.

Ямон тиллик андоққим эл кўнглига жароҳат еткарур, ўз бошиға ҳам офат еткарур.

* * *

Ямон-яхшини Тенгридин англағил,
Ямонни ямон, яхшини яхши дегил.
Ямонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

Яхшини ҳам, ёмонни ҳам Худодан деб бил, ёмонни ёмон, яхшини яхши де. Ёмонни яхши дейиш яхшини ёмон дейиш билан баробар.

Яхшилиқ ва ёмонлиқни ким қилдиким, жазо кўрмади.

Хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсин, шунга муносиб мукофот олмаган киши йўқ.

Яхшилиқ тухмин сочғилким, будур деҳқонға сўз:
Ҳар неким эктинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

Деҳқонга аталган сўз шуки, яхшилик уруғини соч, чунки бугун нима эксанг, эрта ўшандан умид қиласан.

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиғ кўз тутмас, яхши ёмонларға ҳам яхшилиғни унутмас. Яхшилиқ қила олмасанг,

ёмонлиқ ҳам боре қилма. Яхшилиқдан ёмонлиғни яхшироқ билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилиқ теграсиға эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул.

* * *

Яхши либос — танға осойиш, яхши қўлдош —
жонға осойиш.

Яхши либос — танга зийнат, яхши дўст — жонга роҳат.

Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамону ямон ҳамон.

Ё яхши бўл, ё ёмон: иккисидан умид қилган киму ёмон ким.

Ясанчоқ мардона бўлмас, кўпалак парвона бўлмас.

Олифта мард бўлмас, капалак парвона.

Ўйла булутдекки, қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтар, сувни тўкар тоғ уза.

Чанқоқ боғга ёғмасдан, кераксиз тоғларга сув тўкувчи булутнинг иши — тўққа дастурхон ёзиш каби янглишдир.

Ўларман то етарман мақсадимни ёнмоқ имкон йўқ,
Бадан заъфи била йўл шиддатидин, гарчи толғайман.

Касаллигим, йўл қаттиқлиги натижасида толиқсам ҳам, ўлгунча мақсадга етмай қайтиш мумкин эмас.

Ўликни биров нутқи этса тирик,
Агар ҳақдур ул нукта, бордур ирик.

Ҳақ сўз ўликни тирилтирса ҳам, қаттиқ тегади.

Ўқларинг кўнглимга тушгач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр ҳўлу қуруғ, чун найситонга, тушди ўт.

Қамишзорга ўт тушса, ҳўл ва қуруқ баробар ёнгандек, кўнглимга тушган ўтингдан ҳаммаёғим — кўз ҳам, бадан ҳам куяди.

Ўт сакраса, тифл эмас хабардор,
Ким ҳирқатида на навъ асар бор?

Ўт учқунининг куйдиришини ёш болалар англамайдилар.

Ўз ерида юз туман, ар бир дирам,
Базл ишида тенг кўрар аҳли карам.

Ўрнига сарф қилишни билган киши учун эҳсоннинг кўпу ози фарқсиздир, зарур бўлса, кўпни ҳам, озни ҳам бериб юбораверади.

Ўзунга аблаҳу нодонни айлама ҳамроз,
Ки, яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақликка.

Аҳмоқ ва нодон кишилар билан сирдош бўлма, кишининг эшак билан ҳамсабоқ бўлиши яхши эмас.

Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.

Етук одамлар ўзларининг етуклик сифатларини сўзлаб мақтанмайдилар. Бу хусусият камчиликли кишиларнинг ишидир.

Ўтган йигитлик орзу билан қайтмас.

* * *

Ўғри бош экғач қуйи, бордур далили эътироф.

Ўғрининг бошини қуйи солиши ўз гуноҳини бўйнига олганига далилдир.

Ўткандин шиква қилса бўлмас,
Ҳар негаки, ўтти, етса бўлмас.

Ўтгандан шикоят қилищ бефойда, чунки нимаики ўтган бўлса, унга етиб бўлмайди.

Ўтдин исинурғача овуч оч,
Куйдургудек англасанг, кейин қоч.

То исингунча ўтга қўлингни тут, куйдираётганини сездингми, аста қоч.

Ўзунг ўз сирингни асрай олмағонингни билурсен, яна биров ани фош этса, айб ҳам қилурсен.

* * *

Ўзунг асрардин агар санга малолдур, яна биров ани асрамоқ маҳолдур.

* * *

Ўз махзанингни очсанг ва махфий дурларингни сочсанг, терган киши сепамай нетгай ва асра деб муболаға қилғонинг не ерга етгай?

Ўзинг хазинангни очиб, яширин дурларингни сочсанг, уни териб олган киши сочмай нима қилсин ва асра деб илтимос қилганинг не ерга етсин?

Ўтқа тушуб, пок бўлур кимки ғаш,
Покрак ўлғай ўт аро покваш.

Ўтга тушса, ифлос нарса пок бўлади, пок нарса янада пок бўлади.

Ўқки, туз ўлди таярони анинг,
Бўлса ер эгри, не зиёни анинг.

Тўғри учадиган ўққа ер эгри бўлса-да, зиёни йўқ.

Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур.

* * *

Ўткан рўзгор адамдур, келмагандин сўз айтқан аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур.

Ўтган умр ортига қайтмайди, бас, ундан сўз очиш афсус-надоматдан бошқа нарса эмас ва ўтаётган дам ғаниматдир.

Ўз вужудунга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

Қачон сочса тупроққа буғдой бирав,
Йўқ имконки, ул арпа қилғай дарав.

Буғдой эккан киши арпа ўрмайди.

Қатрага чун тарбият этди садаф,
Эл бошига чиққуча топти шараф.

Садаф бир томчини тарбия қилгач, тарбия натижасида у томчи одамларнинг бошларига кўтарилиш даражасига етди.

Қасд ила ёлғон демади ростгўй,
Чин демади саъй ила каззобхўй.

Ростгўй (чин сўзловчи) атайлаб ёлғон гапирмайди, ёлғончи ҳар қанча уринса ҳам, рост гапиролмайди.

Қатиқ кўнглунгдин оқди халқ ёши,
Ки ёмғур боисидур жола тоши.

Раҳмсизлик билан халқ кўз ёшини оқизма. Кўп ёмғир дўлга айланиши мумкин.

Қилди булут ашки била дур нисор,
Бўлди чоқин кулгисидин хоксор.

Булутнинг ҳосили дурга айланиши, унинг меҳнати натижаси бўлса, чақмоқ шақиллаб кулгани учун ер остига кирди.

Қилмади минг душмани кинахоҳ ўқи,
Ул яраким, айлади бир оҳ ўқи.

Куйган кишининг аламли оҳларининг ўқи шунча ўткирким, бир оҳ ўқининг қилган ярасини энг ёмон душманнинг минг ўқи ҳам қилолмайди.

Қуяр ассор ўйи чун эгри гомин
Йўл этмас қатъ туз айлаб хиромин.

Жувоз ҳўкизи эгри йўл босгани учун ҳар қанча юрса ҳам, мақсадига етолмайди.

Қўйни шубон асрамаса ою йил
Оч бўрилар туъмасидур бори, бил.

* * *

Қўзғама булбулни кўп, э гулки, даврон боғида,
Қолмамиш қўзғолмайни улким, бировни қўзғамиш.

Эй гул, даврон боғида булбулни қийнама, бировни қийнаган, ўзи қийналмай қолмайди.

Қилма ул ишким, етиб нуқсон санга,
Охири бўлғай вуболи жон санга.

Ўзингга зарар етадиган, жонингга увол бўладиган ишни қилма.

* * *

Қайси ишдинким, етар нафсингға ком,
Топар ондин комини шайтон мудом.

Қайси ишданки, нафсинг ором олса, ўшандан шайтоннинг мақсади ҳосил бўлади.

Қайси чибин кисвати заркордур,
Еридурур қайдаки мурдордур.

Ялтироқ чивиннинг манзили ҳамма ерда ҳам мурдордир.

Қарилиқ дарди бедармондур охир.

* * *

Қилай зулм, элга қилғунча, ўзумга.

* * *

Қаю жисмеки, онинг сиҳҳати йўқ,
Қилурға Тенгри амрин қуввати йўқ.

Соғлом бўлмаган баданнинг Оллоҳ амрларини бажаришга қуввати етмайди.

Қозийи ришвахўр — ислом ҳисориға рахнагар.

Порахўр қози ислом биносига рахна солувчидир.

Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди сепамоқ била ўксумас ва мазраъедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истиғно ва ҳурмат самар келтурур.

Қаноат бир чашмадиркимки, суви олган билан қуримайди, бир хазинадиркимки, моли сочган билан камаймас, бир экиндиркимки, уруғидан азизлик ва улуғлик меваси унади, бир дарахтдиркимки, шохида ҳурмат ва давлат ҳосили битади.

Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият ҳайф.

* * *

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар
Тушса нажосат ичра юғай ани кимса пок.
Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,
Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

Қобилни тарбиялаш нажосатга тушган гавҳарни ювиб поклаганга ўхшайди. Агар киши итузумни май билан парвариш қилгани билан у токка айланадими? (Бу фикр ноқобилға тегишли.)

Қавий душман забунинг бўлса, мурувват қил, карам ва афв кўргузгил.

Кучли душман сенга мағлуб бўлса, унга мурувват кўрсат, яхшилик қилиб, гуноҳидан ўт.

Қардошинг эмас улки, қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош санга.
Ким қилди қатиғлиғда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.

Давлатинг борида бошини эгиб, ўзини сенга яқин тутган киши дўст эмас, бошингга бир мушкул иш тушганда сени қўллаган киши чинакам дўстдир.



Қисқорди ҳаёти ғам ичин ёрғоннинг,
Умри узун ўлди ранжи қисқорғоннинг.

Ичи ғамга тўлганнинг ҳаёти қисқарди, ғами ознинг умри узун бўлди.

Қари кишига, билки, кам эмасдур дард,
Юз сиҳҳати бўлса, қарилиқ басдур дард.

Билки, қари кишининг дарди кам эмас. Юз карра соғлом бўлганида ҳам, қарилигининг ўзи унга етарли дарддир.

Қилиб солиҳ амал касби шиорингни салоҳ этгил,
Вале фосид хаёлинг бирла ҳар дам бир фасод этма.

Яхши амал қилишни касб этиб, ҳаётда яхшиликни шиор қил, лекин бузуқ хаёлинг билан ҳар дам бир бузуқликни ихтиёр этма.

Қисмдин ортуғ тилаб, хор этма ўзни, эй азиз,
Ким, қаноатдиндурур иззат, тамаъдин барча зул.

Эй қадрдон, ризқингдан ортиғини тилаб, ўзингни хор этмаки, азизлик қаноатдандиру хорликнинг барчаси тамадан.

Қазодиндур манга ишқ ўйнамоқ, эй носиҳи нодон,
Кўрубсенму киши ҳаргизки, тағйири қазо қилмиш.

Эй нодон насиҳатгўй, ошиқлик менга қисматдир. Ўз тақдирини ўзгартирган кишини сира кўрганмисан?

Қирғовул қорда ёшунған кибидур айбларинг,
Элга бас зоҳир, агарчи сен этарсен иғмоз.

Айбларинг худди қорга яширинган қирғовулга ўхшайди: сен ҳар қанча яширма, элга барчаси ошкор.

Қувонма давлати ҳуснунгға, эй паривашким,
Замона давлатидек йўқтур эътибори анинг.

* * *

Қўйма кўнгулни даҳрнинг эски работиға,
Сойирга чун маҳалли иқомат эмас работ.

Дунё отлиғ бу эски карвонсаройга кўнгил боғламаки, йўловчи учун карвонсарой доимий яшаш жойи бўлолмайди.

Қўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.

Дуру феруза баҳсидан сўз очмаки, бу фалаку юлдузларни ҳам ҳимматим нилуфар барги устидаги шабнамчалик кўрмайди.

Қилса биров ҳамнафасу ёрлиқ,
Бўлғуси кўп ғамға сабукборлиқ.

Биров ҳамдардлик қилса, ғаминг анча енгиллашади.

Қулоқда асра гаронмоя сўзни-ю, фикр эт —
Ки, дурсиз ўлса, не бўлғусидур садаф ҳоли.
Сўзунгни даги кўнгул ичра асрағилким, ҳайф —
Ким, ўйла дуржни гуҳардин эткасен холи.

Қимматбаҳо сўзни қулоқда асра-ю, садаф дурсиз қолса, ҳоли не кечишини тасаввур қил. Яна сўзингни кўнглинг ичра асраки, кўнгил садафини гавҳардан холи қилиш ҳайфдир.

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

Қайси бир котиб сўзларни хато ёзадиган бўлса, у юзи қоранинг боши қалам каби ёрилсин.

Қарилар хотири нозукдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ.
Унуттунгмуки, атфол ўйнағанда
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох.

Эй бола, қари кишилар кўнгли нозик бўлади, андишасизлик билан уни синдириб қўйишдан эҳтиёт бўл. Болалар ўйнаган маҳал қуруқ шохнинг қўл тегар-тегмас синишини унутдингми?

Қалб амрозининг моддаси кўп демакдур.

Қалб хасталигининг боиси кўп гапиришдир.

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул —
Ки, хатм ўлғай ойини иззат санга.

Эй кўнгил, қаноат йўлига кирсанг, иззат қилишни ўрганган бўласан.

Қайси номурод илиг сабр этагига урдиким, мурод топмади, қайси гирифтор кўнгил сабр бандиға қўйдиким, кушод топмади.

Сабр этагидан тутган қайси номурод муродига етмади, сабр тугунига кўнгил қўйган қайси асир уни ечмади.

Қариким, қилғай раънолиқ, тифледур ноболиғ.

Ўзини хушқомат қилиб кўрсатишга уринган қари киши балоғатга етмаган болага ўхшайди.

Қилма улус арзу иелиға қасд,
Айлама эл жони-ю, молиға қасд.

Халқнинг ери-ю хонадонига, моли-ю жонига қасд қилма.

Қайси асо ҳийла уйига сутун,
Кош синиб ул, бу уй ўлғай нигун.

Ҳийла уйига устун бўлган асо кошки синиб, уй ер билан яксон бўлса эди.

Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки, эр ўғлиға қорин душмандур.

Қорнинг билан дўст бўлмаганинг маъқул, чунки мард йигитга қорин душмандир.

Қурур чун гулистондин айрилди гул,
Ки бир луқма этдур бадансиз кўнгул.

Гулистондан узилган гул қурийди, бадандан юлиб олинган юрак бир парча гўштдир.

Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

Қуёшдай бўлишни истасанг, камолот касб эт. Камолотга етишга интилар экансан, бу ишни ўзингга малол олмай амалга ошир.

Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема,
Воқиф ўлиб, сўнгра пушаймон ема.

Ғафлатда яхши кўринган нарсани яхши дема,
Ҳушингга келганингда пушаймон ейсан.

Ғофил ўлма назардин итса адув
Шамъ ўчурганда ел кўрунурму?

Душман кўзингга кўринмагани учун ундан бепарво бўлма, чунки шамол ҳам кўзга кўринмай келиб шамни ўчиради.

Ғолиб душмандин ҳардам ғофил қолма,
Ўчиролмас исён ўтин ўз ҳарамингга солма.

* * *

Ғизо бўлса муфиду табъ ғолиб
Бас, эт табъинг ҳануз эрканда роғиб.

Ейилаётган овқат фойдали (қон берувчи) бўлиши устига, иштаҳа ҳам жойида бўлса-да соғлиққа риоя қилишни истасанг, кўнглинг тортмай қолмасдан илгари, яъни ҳали бир оз жой бўлган ҳолда, емакдан тўхташ керак.

Ғариб қисса эрур ишққим, туганмади ҳеч,
Агарчи бўлғали олам биноси айтиладур.

Ишқ олам бино бўлгандан буён айтилиб келаётган бўлса-да, сира тугамайдиган ажойиб қиссадир.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

Мусофирликда кимсасиз киши шоду хуррам бўлмас эмиш. Бегоналар унга шафқатли ва меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичида қизил гул битса ҳам, булбулга у ўзининг тиканзоридек ватанлик қилмас эмиш.

Ғурур ҳусн ила жоҳингға қилмаким, қолмас
Жамоли оламию олам аҳлининг жоҳи.

Ҳуснинг ва давлатингдан мағрурланмаки, на дунёча ҳусн қолди-ю, на дунё одамларининг давлати.

Ғийбат дегувчи — нажосат егувчи.

* * *

Ғолиб душман забунинг бўлса, шод бўлма ва иши андишасидин озод бўлмаким, сиёсатида таҳаммул вожибдур ва риоятида тааммул.

Ғолиб душман сенга бош эгса, шод бўлма ва унинг хавфидан озод бўлма, унга нисбатан мулоҳаза билан сиёсат юритиш ва ҳурматини ўрнига қўйиш керак.

Ғанийға чапон киймак андоқдурким, муфлисға атласу катон киймак.

Бойнинг чопон кийгани-ю, камбағалнинг атласу катон (каноп — тўқилган либос) кийгани ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

Ҳар амрки бўлса, ғояти бор,
Ҳар муҳликанинг ниҳояти бор.

Ҳар бир ишнинг охири бор, ҳар қийинчиликнинг ниҳояти.

Ҳар жамоатдаки йўқдур пешво,
Бўлғай эрмастур қадам урмоқ раво.

Бошқарувчиси бўлмаган жамиятга аралашиш янглишдир.

Ҳарза эрур чунки мушаъбид сўзи
Ўз тилини, кўрки, кесар ҳам ўзи.

Найрангбознинг сўзи беҳуда сўзлардир. Шунинг учун у ўз тилини ўзи кесади.

Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,
Тушкай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ.

Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқилурсан.

Ҳар кишиким, ростни бехост дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

Ҳар вақт чин сўзлашга ўрганган киши беихтиёр ёлғон сўзласа ҳам, одамлар рост дейдилар.

Ҳар киши ёлғонни деса лек кам,
Бўлғай эди кош, бу давронда ҳам.

Бу давронда ёлғон сўзламовчиларни топиш қийин, ҳеч бўлмаса ёлғонни камроқ сўзловчилар топилса кошки эди.

Ҳар кишиким, ҳинду ўлур ҳазл аро,
Юзини қилмоқ керак аввал қаро.

Қизиқчилик учун ҳиндиларга ўхшамоқчи бўлган киши олдин ўз юзини қорага бўяши керак.

Ҳар кишинингким, сўзи ёлғон эса,
Айлама бовар нечаким чин деса.

Ёлғон сўзларга ўрганганлар ўз сўзларини ҳар қанча чин десалар ҳам ишонма.

Ҳар кимгаки, илм қилу қоли бўлмас,
Илм аҳлига сўз дерга мажоли бўлмас.

Ҳар кимки илмсиз бўлса, илм аҳлига сўз айтишга қудрати бўлмайди.

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроғни ифак қилур, чечак баргини бол.

Ҳар бир ишда шошмовчи чидамли киши, япроқдан ипак, гул баргидан асал ундириши мумкин.

Ҳар кимсаки, бухл иртикобидур анинг,
Гар бўлса ғаний, бухл азобидур анинг.

Бахил киши бой бўлса ҳам, доим азобда бўлади.

Ҳар кимгаки, даҳр ичида донолиқ эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлисоролиқ эрур.

Ширинлик, ёқимлилик билан мажлис олиб борувчилар — донолардир.

Ҳар кимки, ачиқ бўлди сўзи, анфоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси.

Сўзи, нафаси аччиғ кишининг суҳбатидан ҳам халқ қочади.

Ҳар кимки, биров билан ёрдур, керак ўзига раво тутмаганни ёрига тутмаса.

Биров билан дўст бўлган киши ўзига муносиб кўрмаганни дўстига ҳам муносиб кўрмаслиги керак.

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар.

Ширин сўз бўлган киши душманни ҳам дўст қила олади.

Ҳар кимгаки, эгриликка овозадурур,
Туз жодда ичра йўлидин озадурур.

Эгриликда шуҳрат топганлар тўғри йўлда ҳам йўлдан адашади.

Ҳар неча мазлум сўзи топса тул,
Тули ҳаёт истасанг, ўлма малул.

Эзилганларнинг сўзлари ҳар қанча чўзилса ҳам, кўп яшай десанг, уларнинг сўзларин оғир олмай тингла.

Ҳар неки етар санга лисон оғриғидин,
Билгилки, қатиғдурур синон оғриғидин.

Тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

Халққа ўлимдан қутулиш сўз билан мумкин бўлганидай, ўлик таннинг тирилиши ҳам сўздандир.

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,
Ва руҳсиз баданни киши тирик демас.

Ҳимматсиз, ғайратсиз киши мард киши деб ҳисобланмайди, жонсиз гавдани ҳеч ким тирик демайди.

Ҳикмат аҳли оллида совуқ сифат йўқ кимсада,
Субҳи козибдек маҳалсиз айлаган кулгу киби.

Олим кишилар назарида ўринсиз кулгидан хунукроқ бир камчилик йўқ. Ўринсиз кулги ёлғончи тонг (субҳи козиб) каби совуқдир.

Ҳилм инсон вужудининг фавокиҳлиғ боғидур,
Одамийлиғ оламининг жавоҳирлиғ тоғи.

Мулойимлик — инсон вужудининг мевалик боғидир, у одамгарчилик оламининг қимматли тошларга эга бўлган тоғидир.



Ҳусну жамолсиз киши, ширинкалом эса,
Сайд айлар элни, нукта фасоҳат била деса.

Кишининг ҳусну жамоли бўлмаса ҳам, сўзлари ширин бўлса, ундай одам элни ўз томонига торта олади.

Ҳунар аҳли ани дегилки бўлғай,
Ўзини қилса ўз олинда маъюб.

Ўз камчиликларини сезиб, ўзини танқид қилувчилар доно кишилардир.

* * *

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Кимки машаққат чекиб, Ҳақ йўлида сенга бир ҳарф ўргатган бўлса, юз хазина бериб ҳам унинг ҳаққини адо этиб бўлмайди.

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!

* * *

Ҳар киши халқ ичра гунаҳкорроқ,
Афву иноятга сазоворроқ.

Одамлар ичидаги гуноҳкорроқ киши афву марҳаматга кўпроқ сазовор бўлади.

Ҳаққи, биров хилқатини қилди пок,
Севмаса нопок эл они не бок.

Ҳақ бировнинг хилқатини пок яратган бўлса, нопок кишиларнинг уни севиш-севмаслигининг аҳамияти йўқ.

Ҳавас тортиб синон чун келтуруб зўр,
Бурун айлар хираднинг кўзларин кўр.

Ҳавас зўр келиб, қилич урса, аввал ақлнинг кўзларини кўр қилади.

Ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз муяссар эмас ишрате.

Ҳар азобнинг ортидан роҳат келади, машаққатсиз ишрат муяссар бўлмайди.

Ҳар неким бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур.

* * *

Ҳар кимки, биров била ёрдур ёки ёрлиқ даъвоси бордур, керакким, ўзига раво тутмағанни ёриға раво тутмаса, кўп нима ўзға ҳам раво тутса, анга тутмаса.

* * *

Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур.

* * *

Ҳар кишини дема маҳраму ҳамроздуркки, бу матоъ олам аҳлида оздур.

Ҳар кишини ҳам ўзингга сирдош ва улфат деб билмаки, одамлар ичида бундай зотлар ниҳоятда оздир.

Ҳар гадоеким, жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар ҳашматидин ори бор.

Бу дунёда ўзига муносиб ёр топган киши ҳар қанча фақир бўлса-да, на Хизрнинг боқий умри, на Искандарнинг буюк шон-шавкатини орзу қилади.

Ҳар кимсаки, ақл кўнглидин зойилдур,
Қорун эса оқил қошида сойилдур.
Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқтур анга фақру фоқаким, оқилдур.

Ақлдан мосуво кимса Қорун каби бадавлат бўлса-да, оқил олдида гадо кабидир. Киши ақл билан юз

хазинага эга бўлади, оқил киши ҳеч қачон камбағалу бечора бўлмайди.

Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида аржумандроқ.

Мулойим табиатли ва одобли кишилар ҳамма ерда азиздир, улуғлар назарида янада азизроқ.

Ҳарзагўйким, кўп такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча ҳургай.

Беҳуда гапларни кўп гапирадиган киши тундан тонггача ҳурадиган итга ўхшайди.

Ҳасуд бемор, балки муҳлик маразға гирифтор.

Ҳасадгўй бемор, нафақат бемор, балки тузалмас дардга гирифтор.

Ҳурмати волидайн фарзайн.

Ота-онани ҳурмат қилиш икки карра фарздир.

Ҳар югурган ёвушмас,
Ҳар айрилған қовушмас.

* * *

Ҳар не ёзмиш оллингга килки қазо — кўрмак керак,
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас Тенгрининг тақдиридин.

Тақдир қалами пешонангга нимаики ёзган бўлса, кўриш керак, Эй Навоий, Худонинг тақдиридан қочиб бўлмайди.

Ҳажр ўлумдин талх эмиш — мундин сўнг,
эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Айрилиқ ўлимдан ҳам аччиқ эмиш, эй фалак, бундан кейин мени жонондан жудо қилгандан кўра, жондан жудо қилиб қўя қол.

Ҳусн аро ишваю ноз эл кўнглин
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб.

Гўзалларнинг нозу ишваси ҳам одамларнинг кўнглини ҳаё ва адабчалик ўзига жалб қилолмайди.

Ҳар амалеким, киши хайр айлагай,
Коми буким, равзада сайр айлагай.

Кишилар барча эзгу амалларини жаннат боғларида сайр этиш мақсадида қиладилар.

Ҳар нечаким номасияҳ бўлса ул,
Ғарқаи дарёи гунаҳ бўлса ул.
Тонг йўқ, агар афв ўлуб уммид анга,
Тутса илик раҳмати жовид анга.

Киши гуноҳ дарёсига ғарқ бўлиб, ҳар қанча номаи аъмоли қора бўлмасин, илоҳий марҳаматдан умидини узмаган бўлса, Оллоҳ раҳматига муяссар бўлса, сира ажабланадиган жойи йўқ.

Ҳариф эрмасдурур хороға шиша,
Чу тушти ўт, куяр хирмон ҳамиша.

Ўт тушса, хирмон ҳамиша ёнганидек, шиша ҳеч қачон тошга рақиб бўлолмайди.

Ҳайфдур буки, ўтар уйқу била субҳи шабоб.

Ёшлик тонгининг уйқу билан ўтиши ҳайфдир.

Ҳою ҳуй айлабон ўзни нафасе хуш тутким,
Ҳай дегунча не сен ўлғунг арода, не аҳбоб.

Ҳою ҳуй деб бир нафас кўнглингни хушла, зеро, ҳай дегунча бу дунёда на сен қоласану на дўстларинг.

Ҳар кун ул юз қиймати тағйир топса, айб эмас,
Икки кун бир навъ бўлмайдур гули бўстонға нарх.

У юзнинг баҳоси ҳар куни ўзгариб турса, ажаб эмас, чунки бўстондаги гулнинг нархи икки кун бир хил турмайди.

Ҳуснға чун йўқ вафо, бас, тут вафони муғтанам,
Неча кун, эйким, санга маҳбублуғ давронидур.

Ҳусннинг вафоси йўқ, бас, вафони ғанимат бил. Унутмаки, бошқаларга севимли бўлиш даври ҳам бир неча кундир.



Ҳар неча давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,
Англаким, бир қатла барқи офатиға арзимас.

Шуни яхши англаким, давлат булути бошингдан ҳар қанча дуру гавҳар сочмасин, уларнинг барчаси бир марта чақиладиган чақмоғининг офатига арзимайди.



Ҳар неча қилдим вафо, жуз бевафолиғ кўрмадим,
Не ажаб, кўнглумга бўлса навъи инсондин малол.

Ҳар қанча вафо кўрсатмай, эвазига хиёнатдан бошқасини кўрмадим. Шунинг учун инсон зотидан кўнглим қолганлиги ажаб эмас.

Ҳимматинг бор эса, дунё шўхидан озод бўл,
Шоҳиди маккора майли хўб эмас фарзонадин.

Ҳимматинг бор бўлса, дунё гўзали муҳаббатидан озод бўл, оқил кишига бу маккор нозанинга кўнгил бериш ярашмайди.

Ҳийла ожизлиғдин айлар ошиқ, англа, эй кўнгул —
Ким, забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвез эрур.

Ошиқ қачонки ожиз қолса, ҳийла ишлатади. Эй кўнгил, билгилки, ишқ бобида Хусрав Парвез Фарҳоддан забунроқ эди.

Ҳар он шахсе, ки напсандад касеро,
Бувад дур аз тариқи дардманди.
Начандан аст написандидани халқ,
К-аз инаш лозим оядат худписанди.

Бошқаларни назар-писанд қилмайдиган киши дардмандлик тариқатидан узоқ бўлади. Халқни бундай назарписанд қилмасликдан кибру ҳаво туғилади.

Ҳар ки, ў рост гашту равшандил,
Дар сияҳжоли даҳр бадрўз аст.
Шамъ, к-ўро байт асту базмафрўз,
То дами мурданаш ҳама сўз аст.

Ким тўғри-ю, кўнгли покиза бўлса, дунёнинг қоронғи зиндонида унинг куни қорадир. Шамга боқ: хонадоннинг равшани-ю, базмларнинг гули бўлса-да, қисмати сўнгги нафасигача куйишдан иборат.

Ҳар чиз расад зи аҳли даврон махурўш,
В-аз қисми азал зиёдаро беш макўш,
Барбанд зи ношундани рахнаи гўш,
В-аз ҳар чи ногуфтани, забон дор хомўш.

Замон аҳлидан сенга ҳар нимаики етмасин — нолима, азалдан белгиланган тақдирингга рози бўл-у, уни ўзгартиришга беҳуда уринма. Эшитиш жоиз бўлмаган гап-сўзларга қулоғингни кар қил, айтиш лозим бўлмаган ҳар қандай гапдан тилингни тий.

Ҳар нечаким, ҳусн диловезрак,
Ишқ ўти эл кўнгли аро тезрак.

Ҳусн қанча мафтункор бўлса, кўнгилдаги ишқ ўти шунча кучли бўлади.

Ҳозиқ табиби хушгўй тан ранжига шифодур,
Омию тунду бадхўй эл жониға балодур.

Моҳир ва ширинсўз табиб тан дардига даводир, нодон, баджаҳл ва бадфеъл бўлса, эл жонига балодир.

Ҳунарларни топмоқ — едурмакдур ва айбларни ёпмоқ — кийдурмакдур.

Одамларга едирсанг — фазилат соҳиби бўласан, кийдирсанг — айбларингни ёпасан.

Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздум, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим.

* * *

Ҳар душвор ишки, мол сарф этмак била муяссардур, қилмасанг жонға хатардур, сарфин ғанимат бил ва саломат сори азимат қил.

Бирор мушкул иш мол сарф қилиш билан битадиган бўлса-ю, уни ҳал этмасанг, ўзингга зарар етадиган бўлса, сарф-харажатдан қочма-ю, тинчлик-хотиржам-лигингни таъминла.

Ҳар кўнгулки, тил синонидин жароҳатдур, ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур.

Тил тиғидан жароҳатланган кўнгилга мулойим сўз ва ширин тил малҳам ва роҳатдир.

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,
Вуслат башорати яна жисмиға жон берур.

Ҳижрон қўрқуви ҳақидаги хабар ошиқни ҳар қанча ўлдирса ҳам, висол муждаси яна унинг жисмиға жон бағишлайди.

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош.

Ҳаёю адаб билан яша, яна таъзиму ҳурматни одат қил.

Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидан кўнгулларни шод қилмағай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо била ёд қилмағай.

Қайси бой-бадавлат киши тириклигида хайру эҳсони билан одамларнинг кўнглини шод қилмаса, ўлганидан кейин ҳеч ким уни дуо билан ёд этмайди.



Ҳар кишини дема маҳраму ҳамроздурким, бу матоъ олам аҳлида оздур.

Ҳар кишини ўзингга ҳамдарду сирдош деб билма, бундай одамлар оламда оздир.

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг.

* * *

Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,
Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай.

Кимки Ҳақ йўлида ибодат қилса, бу яхши амали саодат сабаби бўлади. Агар киши яхши амални одат қилса, бу амал билан умри зиёда бўлади.

Ҳақ ваҳмидин кимки йиғламоқ фан қилғай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилғай.

Ким Оллоҳ қўрқувидан йиғлашни одат қилган бўлса, бу йўлда тўккан кўз ёшлари унинг кўзини равшан қилади.

Ҳар кимгаки, кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур.

Ким кўп овқат ейишни одат қилган бўлса, унинг тани нажосатнинг маскани бўлади.

Ҳар йўлгаки, кўнглунгга ҳавас бўлғусидур,
Тенгрига таваккул санга бас бўлғусидур.

Кўнглингга ҳар қандай йўлнинг ҳаваси тушса, Оллоҳга таваккал қилишнинг ўзи сенга кифоядир.

Ҳар ишда хирадни ўзунгга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.

Ҳар ишда ақлни ўзингга ҳамроҳ қил, гуноҳларни тарк этиш учун ақллилик намоён қил.

Ҳам жавр асл эл аро келди ҳаром,
Ҳам асли йўқ эл ичра вафо келди ҳаром.

Асл инсонлар жафони ҳаром ҳисоблаганлари каби, ноасл кимсалар вафони ҳаром биладилар.

Ҳар дўстки, сўз ичра десанг они дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст.

Ваъдасига вафо қиладиган дўстни яхши деб бил.

Ҳирс ўтидин бўлма дардпарвар охир —
Ким, нафсға ҳирсдин етар дард охир.

Жонингга дард ҳирсдан етади, бас, ҳирс қайғуси билан оғрима.

Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,
Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил,
Нафсингға алам ҳирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

* * *

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб, сийм харидори азиз.

Пулу бойликнинг қули бўлган, жонини тикиб, мол-дунёга харидор бўлган киши ҳеч қачон азиз бўлмайди.

Алишер НАВОИЙ

ҲИКМАТЛАР

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2014

Муҳаррир *Ш. Эргашева, Ф. Отахонов*
Бадиий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *Б. Каримов*
Мусаҳҳиҳ *М. Зиямуҳамедова*
Саҳифаловчи *Х. Шарипова*

Тайёр диапозитивдан босишга рухсат этилди 15.08.13. Бичими $84x108^{1}/_{32}$. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма табоғи 11,76. Нашриёт-ҳисоб табоғи 10,2. Адади 7000 нусха. Буюртма № 3224. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.